

**ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМЛИ  
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ  
МАХПИРАТ НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ  
ТАРИХИ ИНСТИТУТИ**

**АБДУХОЛИҚ АБДУРАСУЛ ЎҒЛИ**

**ҚАДИМГИ ФАРҒОНА ТАРИХИДАН  
(ХИТОЙ МАНБАЛАРИДА ФАРҒОНА ҲАҚИДА ИЛК  
МАЪЛУМОТЛАР)**

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар  
академияси «Фан» нашриёти  
Тошкент— 2002**

Мазкур китобча хитой манбаларида қайд этилган 2100 йил илгари Фарғона–Хитой муносабатларига боғишланган. Шунингдек, ўша давр воқеаларидан олдинги ва кейинги халқаро вазият таҳлил этилади. Ўйлаймизки, милоддан илгари содир бўлган ушбу воқеалар Ўзбекистоннинг қадимий давлатчилик тарихидаги масалалар ечимини топишга ёрдам беради.

Масъул муҳаррир: т.ф.д. Ҳ.Н.БОБОБЕКОВ.  
Илмий муҳаррир: т.ф.д. А.ХЎЖАЕВ.

Тақризчилар:  
тарих фанлари номзодлари, доцент  
О.Ҳ.ЖАЛИЛОВ, М. ҲАСАНИЙ,  
Филология фанлари номзоди А.ОТАХЎЖАЕВ.

Ушбу китоб «Матбуот тарқатувчи» Республика акциядорлик компанияси ҳомийлигида чоп этилди.

0501000000–3–594  
А \_\_\_\_\_ Рез. 2002  
М 355(04)–9002  
ISBN 5–648–02822–9

(С) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти,  
Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институти,  
«Matbuot tarqatuvchi» акциядорлик компанияси, 2002.

## КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Ватан тарихини ўрганиш ишларига алоҳида эътибор кучайди ва бу борада катта ишлар қилинди, қилинмоқда. Жумладан, археологлар Фарғона водийсида олиб борган қазув ишлари натижасида катта аҳамиятга молик топилмага дуч келдилар. Қадимшунослар бу ерда бундан 2 миллион 200 минг йиллар аввал яшаган онгли инсон суякларини топишга муваффиқ бўлдилар. Бу эса Фарғона водийси инсониятнинг илк ўчоқларидан бири эканлигидан далолат беради. Мазкур топилма, Ўрта Осиё минтақасининг одамзод пайдо бўлган дастлабки маскан бўлганлигига шубҳа қолдирмади.

Кўҳна маданиятга эга бўлган ўзбек халқининг тарихини ёзма манбалар асосида жиддий ўрганиш ишларига ҳам катта эътибор берилди. Бу борада зардуштийлар динининг муқаддас китоби «Авесто»нинг 2700 йиллик тарихини ўрганиш муҳим аҳамият касб этди.

Кўҳна тарихни ўрганишда юнон, форсий, туркий ёзма манбалар билан бир қаторда хитой манбаларининг тутган ўрни ҳам алоҳида диққатга сазовордир. Гарчанд, хитой манбалари милоддан илгари ёзила бошланган бўлса-да, 5000 йиллик тарихни ўзида мужассамлаштирган. Бу манбалар йилларнинг аниқ кўрсатилиши, воқеаларнинг тадрижий ҳолда ёзилиши билан бошқа манбалардан устунликка эга. Шунингдек, мазкур манбаларда Хитой билан қўшни мамлакатлар ва халқлар билан бўлган алоқалар натижасида Туркистон ва унинг халқлари тарихига оид бой

маълумотлар ёзилган. Фарғона-Хитой муносабатларига доир маълумотлар ана шулар жумласидандир.

Хитой манбаларида милоддан аввалги II асрда Фарғона, Дайюан (Даван)<sup>1</sup> деб номланиб, Дайюан давлати (Фарғона мамлакати), яъни Фарғона давлати<sup>2</sup> деб тилга олинади.

Қадимги Фарғона давлатига оид маълумотлар асосан машҳур «24 тарих»нинг<sup>3</sup> 1-2 жилди «Шижи» («Тарихий хотиралар») ва «Хан шу» («Хан сулоласининг тарихи» ёки «Ханнома»)да берилади. Бу икки асарнинг хитой тилидан бошқа тилларга тўла таржимаси мавжуд эмас. «Тарихий

---

<sup>1</sup> Хитой манбаларидаги «Даван» атамаси рус ва ўзбек адабиётида «Фарғона» деб берилган. Даван қадимда «Дайюан» деб талаффуз этилган. «Дайюан» атамаси «Катта бўстонлик» деган маънода бўлиб, Фарғона водисига нисбатан ишлатилган (А.Хўжаев). Илгари Фарғона суғд ёзувларида «Парғана» шаклида ёзилган бўлиб, форс тилида тоғ оралигидаги водий, атрофи берк сойлик деган маънони англатган (ЎзСЭ. Тошкент, 1979, Т.12, 27-бет). Бу хитой манбаларида Фарғонанинг «Дайюан» деб номланишига мос келади.

<sup>2</sup> Хитой манбаларида милод. авв. II асрда Фарғона водийсида хонлик бўлганлиги тилга олинади. У «Дайюан гуо» деб ёзилган (Бан Гу. Хан шу-Хан шу (Хан сулоласи тарихи). Шанхай, 1958. 2372 (1164)-бет). Хитой тилида «Гуо» («Гў») подшолик, давлат, мамлакат ёки хонлик деган сўз бўлиб, «Хан шу»нинг уйғурча таржимаси «Ханнома»да Фарғона давлати, «Фарғона хонлиги» деб берилган. Биз бу ишда «Фарғона давлати» атамасини ишлатдик.

<sup>3</sup> «24 тарих» – милод. авв. II асрдан бошлаб ёзилиб келинган Хитой сулолаларининг тарихи. Унда милод. авв. 3000 йилликдан то милодий 1644 йилгача бўлган воқеалар баён этилган.

хотиралар» 130 бобдан иборат бўлиб, унинг «асосий қисми», яъни 12 боби дастлаб Эдуард Шаван (1865–1919) томонидан тўла таржима қилинган. Р.В.Вяткин «Тарихий хотиралар»нинг рус тилида 8 жилдли изоҳли таржимасини тайёрлашни режаллаган бўлса-да, 5–6 жилдини нашр эттириб, оламдан ўтади. Натижада асарнинг Марказий Осиёга тегишли қисми таржима қилинмай қолади. Шунинг учун Н.Я.Бичуриннинг (1777–1853) «24 тарих»нинг Марказий Осиё тарихига оид бўлақларидан қилинган рус тилидаги таржимаси муҳим манба бўлиб келди. 1987 йилдан бери «24 тарих»нинг 1–3 жилддаги Марказий Осиё тарихига оид қисми уйғур ва хитой мутахассислари томонидан уйғур тилига таржима қилинди. Натижада Фарғона–Хитой илк муносабатларини жиддий ўрганиш имконияти туғилди.

Фарғона–Хитой муносабатларига оид маълумотлар «Тарихий хотиралар»даги «Хан Уди тазкираси», «Фарғона тазкираси», «Хунлар<sup>4</sup> таз-

---

<sup>4</sup> Хунлар қадимда Хитойнинг шимолида яшаганлиги сабабли бэйрунлар (bei-gong-шимолий рунглари), кейинчалик ди (di), ху (hu-хўр) деб аталган. Хитой манбаларида улар милод.авв. XX асрлардан олдин ва кейин хун юй, чжунвей, гуйфанг милоднинг бошларида шюнгну деб берилган. «Хун» атамаси дастлаб «Тарихий хотиралар»да тилга олинган (Си Мачян. Shi ji – Шижи [Тарихий хотиралар]. Асли хитой тилидаги қўлёзмасидан 1930–1937 йили гектограф воситасида кўчирилган нусха. Шанхай, 1958, 29 бет). Рус адабиётида «хун» атамаси «хун» ёки «хунну» ёзилганлиги тўғрисида ўзбек адабиётида шу тариқада ёзилиб келинган. Мазкур ишда «хун»

кираси» ва «Ханнома»даги «Хан Удининг таржи-  
маи ҳоли», «Хан Вэнди тазкираси», «Жанг Чян, Ли  
Гуангли таржимаи ҳоли», «Фарбий юрт (Қўрқор)  
тазкираси», «Хунлар ҳақида қисса», «Нағма нова  
тазкираси», «Беш аносир (модда ёки жисм) тазки-  
раси» каби бобларда берилади. Буларнинг кўпчи-  
лиги эса Н.Я.Бичурин таржимасига киритилмаган.  
Шунинг учун Фарғона давлати ва унинг Хитой  
билан бўлган алоқалари яхши ўрганилмаган.

Хитой манбаларидаги маълумотлар ўзбек  
адабиётида асосан рус тилидаги таржималардан  
олинган. Бу таржималарда, хитой манбаларидаги  
киши номлари ва ҳар хил атамалар рус тили нуқ-  
таи назаридан шартли равишда қабул қилинган.  
Буларнинг кўпчилиги ўзбек тилида тўғри талаф-  
фуз этилмайди. Ўзбек тилида эса, хитой тилига  
мос келадиган овозлар мавжуд. Шулар асосида  
атама ва исмларни нисбатан аниқроқ, тўғрироқ  
қилиб транскрипция қилиш мумкин. Шунинг учун  
мазкур ишда мумкин қадар хитойча атамалар ва  
номларни асл (оригинал) хитой тилига яқинлаш-  
тирилган ҳолда ўзбек талаффузида беришга ҳара-  
кат қилинди. Уйғурча таржимада хитой манбала-  
ридаги туркий ном ва атамаларнинг асли ўқи-  
лиши топилган ҳоллари бўлса, таржима асос  
қилинди. Хитой тилида қолдирилган ном ва ата-  
малар ҳозирги хитой ёзувининг ўқилиши билан  
берилди.

---

атамаси энг қадимий ва асл хитой талаффузи асосида  
ишлатилди.

## ҚАДИМГИ ФАРҒОНА-ХИТОЙ МУНОСАБАТЛАРИ

Фарғона-Хитой муносабатлари қачон бошланганлиги ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Бу муносабатлар жуда қадимдан бошланган бўлиши керак. Сабаби, тадқиқотчилар милодаан аввалги IV-III минг йилликларда чўл ва дашт атрофида вужудга келган маданият Ўрта Осиё, Қозоғистон, Мўғулистон ва Шимолий Хитойда умумий бирликка эга эканлигини айтади.<sup>5</sup> Шунингдек, Туркменистон ва Ўзбекистоннинг жанубидан топилган рангли сопол буюмларнинг «Янгшов маданияти»<sup>6</sup> даврида Хитойда пайдо бўлганлиги кўрсатилади. Хитой тадқиқотчилари «Янгшов маданияти» ўчоқларининг ШУМУЎ (Шинжонг Уйғур Мухтор Ўлкаси), Гансу, Чингхай, Шанши ва Шимолий Ўрта Хитой текислигига тарқалганлигини таъкидлайдилар.<sup>7</sup> Демак, 5-6 минг йиллар муқаддам умумий маданиятга эга бўлган халқларнинг ўзаро муносабатларида фарғоналикларнинг иштирок этиши муқаррардир. Чунки, хитой манбаларида ўртаосиёликлар, жумладан, фарғоналикларнинг милоддан аввалги II асрда жуда моҳир савдогар, молнинг нархи устида бири-бирига гап

<sup>5</sup> Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье, С. 132-133.

<sup>6</sup> Янгшав маданияти - Хэнан ўлкаси Мянчи ноҳиясининг Янгшав кентдан топилган Янги тош (Неолит) даврига тўғри келадиган маданият.

<sup>7</sup> Фан-Винлан. Жунгуо умумий тарихи. Урумчи. 1988, 1-китоб, 4, 9-бетлар. Мазкур китоб Хитой олимлари томонидан тўғри топилганлигидан бир неча бор босилган.

бермасдан тортишадиганлиги айтилган<sup>8</sup>. Шунинг учун фарғоналиклар қадимдан савдогарчилик билан шуғуланганиги сабабли Хитойга бориб савдо-сотиқ ишларини олиб борганлар деб айтса бўлади. Яъни, бу Фарғона-Хитой муносабатларининг қадимдан бошланганлигига асосдир. Фарғоналиклар Хитойга, хусусан, Хитойнинг шимолий ўлкаларига бориб келганликлари учун милоддан аввалги II асрда мазкур жойга оид маълумотга эга бўлганлар. Лекин, бу маълумотлар бизгача етиб келмагани туфайли биз фақат хитойликларнинг берган маълумотлар асосида ўша даврни тасаввур эта оламиз.

Хитойликлар эса Фарғона ҳақида милоддан аввалги II асрда Хитой элчиси Жанг Чян (милод. авв. ?-114 й.) саёҳатидан сўнг тўла маълумотга эга бўлади. Хитой манбаларида Фарғона давлати ҳақида дастлабки маълумот «24 тарих» асарининг биринчи жилди Си Мачяннинг «Тарихий хотиралар» («Ши жи»)дан, Жанг Чяннинг Хитой хоқонига берган ахборотидан олинган. Жанг Чян, «Фарғона Хан [сулоласи]дан ўн минг ли<sup>9</sup> олисда бўлиб, хунларнинг ғарбий жанубига, Хан [сулоласи]нинг айнан ғарбига тўғри келади. Фарғоналиклар авлоддан-авлодга ўтроқ ҳаёт кечириб келган экан. [Улар] деҳқончилик билан шуғуланиб, шоли, буғдой экар экан. Узум шароби чиқарар экан. Фарғонада асл отлар кўп бўлиб,

<sup>8</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар («24 тарих»даги Ўрта Осиёга оид материаллар тўплами). Урумчи, 1989, 507-бет.

<sup>9</sup> Ли-қадимда тахминан 0,5 км. бўлиб, ҳозир 576 метр деб қабул этилган.



мазкур отларнинг ҳаммаси тулпор отлардан экан.  
Баданидан қизил тер томчилари [ялтираб] чиқиб  
турар экан. [Фарғонада] шаҳар, қалъа,  
уй-иморатлари бор, каттаю кичик 70 дан кўп  
шаҳар қарар экан. Бир неча юз минг аҳолиси бор  
экан. Бу давлат аскарлари ўқ-ёй, найза ишлатар  
ва улар отга минишга, ўқ-ёйдан фойдаланишга  
моҳир бўлар экан. Шимолда Қангқа (Канга)<sup>10</sup>,  
ғарбда Улуғюэжилар, жануби ғарбида Бақтрия  
шимоли шарқда Усун, шарқда Дандан ўйлик,<sup>11</sup>  
Удун<sup>12</sup> бор экан...» – деб дастлаб хабар бера–

<sup>10</sup> Қангқа (Канга, Қонқа, Канжут, Канг жюй–Канг жу–Кан Цзюй)–Марказий Осиёдаги қадимий хонликлардан бири. Хитой манбаларидаги «Канг жюй» қадимда «Қангқия» деб ўқилган. Бу «Арваликлар» деган маънони билдирган (А.Абдурасул ўғли. Хунлар – уйғур адабиётида. «Шарқ–шунослик» тўплами. Тошкент, 1993, № 4, 97-бет). Хитой манбаларида унинг шарқи Усун хонлиги, ғарби Аўрус–(Ансай)лар билан, жануби Улуғ юэжилар ва Фарғона давлати билан чегараланган, Балқош кўли билан Каспий денгизининг оралигида жойлашган. Унинг маркази эса, Кеш шаҳари деб кўрсатилади (Бан Гу. Ханнома. Урумчи, 102–103-бет).

<sup>11</sup> Дандан ўйлик [Кемо] хонлиги Марказий Осиёдаги қадимий хонликларнинг (шаҳар хонликлари, яъни бекликларнинг) бири. Ҳудуди ҳозирги ШУМУдаги Кирия дарёсининг шарқи, Чирия туманининг шимолидаги қумлик харобаларига тўғри келади. Манбаларда Узун Тетир, Жуми, Юми, Нингми каби номлар билан учрайди (Си Мачян, Тарихий хотиралар, 519 -бет).

<sup>12</sup> Удун (Хўтан) хонлиги Марказий Осиёдаги қадимий хонликларнинг (шаҳар хонликлари, яъни бекликларнинг) бири. Ҳудуди ҳозирги ШУМУдаги Хўтан шаҳар атрофида тўғри келади. Аҳолиси деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Манбаларда Кустона, Густона, Қаросямока, Удяна деб ёзилган (Бан Гу, Ханнома, 888–889-бет).

ди<sup>13</sup>.

Хитой манбаларидан «Ханнома»да: «Фаргона давлати маркази Гуйшан, бу жойдан Чанг анга 12550 ли, аҳолисини 60 минг оила, 300 минг киши, лашкарликка ярайдигани 60 минг нафар, бир нафар ноибхон<sup>14</sup>, бир ёрдамчи хони<sup>15</sup> бор ... шимолдан Қангқанинг Бэйтян<sup>16</sup> шаҳарига 1510 ли, жануби-ғарбдан Улуғюэжилар мамлакатига 690 ли келади. Шимоли томони Қангқа, жанубий-ғарб тарафи Улуғюэжилар хонликлари билан туташган. Фаргона давлатининг ери, иқлими, бойлиги, урф-одатлари Улуғюэжилар ва Аршак<sup>17</sup> билан ўхшаш. Фарғонадан узум шароби чиқади. Бойлари 10 минг кубдан<sup>18</sup> кўп миқдорда шароб сақлайди. Бу шароблар бир неча ўн йил турса-да бузил-

<sup>13</sup> Си Мачян. Фаргона тазкираси. 489–490-бетлар. Мазкур маълумот Н.Я.Бичуриннинг асарида мавжуд. Аммо, ном ва атамалар бошқача берилган. Биз ўзбек ўқувчиларига тушунарли бўлиши учун туркий таржимадан фойдаландик.

<sup>14</sup> Ноибхон – Фу ванг (fu wang), хоннинг ўринбосари, вазири.

<sup>15</sup> Ёрдамчи хон – Фу гуо ванг (fu guo wang), давлат ишларида ёрдамчи хон. Чин сулоласи даврида мазкур амални хоннинг энг яқин қариндошлари эгаллаган.

<sup>16</sup> Бэйтян шаҳри – Бэй чу ченг (Bei [Bi] qu cheng –Бэй цюй чэн) Кангқанинг марказий шаҳарларидан бўлиб, Жанубий Қозоғистондаги қадимий шаҳарларнинг бири.

<sup>17</sup> Аршак – Арсак, Парфия–хитойча Анши (An xi). Милод. авв. 250 йили сакларнинг даҳойси бўлиб, Эронга босиб кириб, слукусларнинг ҳукмронлигини ағдарган. Аршак қурган давлат (милод. авв. 250 милодий 224 йиллари) унинг номи билан аталган (Т.Олмос. Улуғ ёвчилар. «Йенги ҳаят» газетаси 1994 йил 6 август сонида «Шин-жонг ёшлари» журналидан олинган)

<sup>18</sup> Миллион жинг (500 минг кг.)

майди. Фарғоналиклар шарабхумор бўлади. Отлари беда ейди<sup>19</sup>, –деб ёзилган.

Мазкур маълумотларда Фарғона воҳасида деҳқончилик билан бирга чорвачилик ҳам ривожланганлиги ва унинг шаҳарлари камида 2500 йиллик тарихни қамраб олганлиги кўрсатилади. Демак, булар Фарғона водийсида деҳқончилик ва чорвачилик ривожланганлигини, савдо алоқалари узоқ ўтмишданоқ равноқ топганлигини, кўҳна замонлардаёқ мазкур маконнинг «Ипак йўли» жон томири бўлганлигини кўрсатади.

Фарғона–Хитой муносабатида, Хан сулоласининг Фарғонага ҳарбий юриши Хитой тарихида катта аҳамият касб этганлигидан, хитой манбаларидан алоҳида жой олган.

Хан сулоласининг Фарғонага юриши ҳақида Туркистон қадимий тарихига мурожаат қилган тадқиқотчиларнинг кўпчилиги бир оз тўхтаб ўтганлар. Жумладан, Ўзбекистон тарихини ёзганлар ҳам қисқача тўхталадилар<sup>20</sup>. Рус олимлари хитойликлар Фарғонага 2 марта (милод. авв. 104 ва 102 йиллари) юриши оқибатида “Фарғона тулпорлари”га эга бўлганлиги, лекин мазкур уруш натижа сида уларнинг Фарбга қилган юришларининг тўла-тўқис мағлубият билан томонланганлигини таъкидлашади<sup>21</sup>. Ҳатто, Ўзбекистонда хитойликларнинг Фарғонага юришига оид бадиий асар ҳам ёзилган<sup>22</sup>. Аммо, маз-

<sup>19</sup> Бан Гу. Ғарбий юрт таъкираси. Ханнома, 877-бет.

<sup>20</sup> Ўзбекистон тарихи. 1-Жилд. Тошкент, 1970. 138-бет.

<sup>21</sup> История Востока (в шести томах). Том I. М. 2000, С.448.

<sup>22</sup> М.Эгамбердиев. Сариқ аждар ҳамласи (Тарихий роман). Тошкент, 1988.

кур масала юзасидан хитой манбаларидаги маълумотлар жуда кам ўрганилган.

Хитойнинг Фарғонага ҳарбий юриш қилишининг асосий сабабини тадқиқотчиларнинг кўпчилиги Фарғона ҳукмдорининг Хитойга асл зотли «тулпор от»ларни бермаганлиги оқибатида бўлганлигини айтишади.

Қадимда Фарғонада асл зотли отларнинг бўлганлиги ҳақидаги маълумот хитой манбаларини ўрганувчиларни кўпдан бери қизиқтириб келган масалалардан биридир. Хитой манбаларида Фарғона отлари қадди-қомати келишган, чиройли ва чопқир бўлганлигидан «тулпор от» деб улуғланади. Ҳатто, Хан сулоласининг хоқони Уди (милод. авв. 140–87 й.) Фарғона «тулпор»ларига эга бўлиб, хитой тарихида машҳур Мувонг (Мутайзи, милод. авв. 1001–947 йиллари ҳукмронлик қилган Хитой подшоҳи) каби тулпор отларга миниб, ғарбга саёҳат қилишни орзу қилади. Афсонавий маълумотларга кўра, орзуга етиш иштиёқида Хитой хоқони Уди фол ҳам очирганмиш. Фолчи: «Хосиятли отлар қуёш ботиш томондан чиқади» деб кўрсатганмиш. Удининг хитой манбаларидаги Мувонг қилган ишларга қизиқиши бежиз эмас эди. Мувонг хитой адабиётида ажойиб-ғаройиб ишлари билан машҳур, улуғ инсон сифатида тасвирланади. У ҳақида ривоятлар тўқилган. Ривоятларда Мувонг Мутайзи номи билан аталиб, гўёки 8 тулпор от қўшилган соябонли аравада Ғарбга саёҳат қилиб, Шивонгму (Авлиё она)нинг ҳузурида меҳмон бўлганлиги айтилади.

Тадқиқотчиларнинг таҳлилига кўра, «Шивонгму» Шимолий Ҳиндистон билан Жанубий Туркистон заминада 4–5 минг йиллар муқаддам вужудга келган афсонавий нақл бўлиб, Ҳиндистонда «Ума», Туркистонда «Умай» деб номланган, боқий ҳаёт рамзи, илоҳийлашган аёл ёки она образи эканлигини тасдиқлашади. Умай онани зиёрат қилиш учун «тулпорот»лар (баъзида аж-дарҳо деб ҳам тасвирланади) ёрдамида, қушдай учиб, булутларни ёриб ўтиб, туман чақирим йўллари босиб, у турган манзилга етиб бориши мумкин эди<sup>23</sup>. Шу боис Уди машҳур Фарғона отларини қўлга киритиш, хоқоннинг шухратини ошириб, «Дунё ҳукмдори», «Тангрининг ўғли» деб тан олинишига ёрдамлашади деган орзу-ҳавасга берилади. Уди армонига етиш ниятида кўп ҳаракат қилади ва охирида Фарғонанинг зодли отларига эга ҳам бўлади. Аммо, у ўйлагандай Фарб мамлакатларини бўйсундириб, уларнинг ёрдамида асосий ғаними Ҳун хоқонлигини йўқ қилиш нияти амалга ошмай қолади. Натижада у кўзлаган «Дунё ҳукмдори» бўлиш мақсадига етолмай оламдан ўтади. Ҳунлар эса яна хитойликларнинг ашаддий душмани бўлиб сақланиб қолади. Мазкур масала Фарғона–Хитой муносабатларини ўрганишда муҳим омил ҳисобланади.

Сабаби Ҳун хоқонлиги Хитойда марказлашган кучли бир давлат вужудга келишига қарши турадиган Осиёдаги бирдан бир қудратли мамлакат эди. Улар милоддан аввалги III асрда

---

<sup>23</sup> Қурбон Вали. «Шивонгму» ривояти ҳақида янги мулоҳаза. //Бизнинг тарихий ёзувларимиз. Урумчи, 1986, 37–61-бетлар.

ташқи ва ички шароитларнинг пишиб етилиши билан Ботур тангриқутнинг (милод. авв. 209–174 й.) раҳбарлигида кучли бир давлат бўлиб бирлашган. Айнан ўша пайтда Хитойда ҳокимият тепасига чиққан Хан сулоласи ҳукмдори Гавдининг (милод. авв. 206–195 й.) ҳунлар тазйиқига тушиб қолиш хавфи туғилади. Хан сулоласининг хоқони ўз мустақиллигини сақлаб қолиш мақсадида ҳунларга қарши катта қўшин билан юриш қилади. Аммо, милодаан аввалги 200 йили 320 минг қўшин билан ҳунларнинг сараланган 400 минг қўшинининг қуршовига тушиб қолади. 7 кундан сўнг озиқ-овқатдан қийналиб, тор-мор бўлиш арафасида турган бир пайтда ҳарбий қўмондоннинг ишлатган ҳийласи оқибатида қуршовдан қутулиб чиқиб кетади. Лекин, ҳунлардан мағлуб бўлганлигини тан олишга мажбур бўлган.<sup>24</sup>

Ҳунлар мазкур ғалабадан кейин ўзларининг асл маконлари бўлган Ўрдаус яйловини<sup>25</sup> қайтариб олиб, Хитойга нисбатан яна ҳам кучли хавф сола бошлайди. Хитойликлар бўлса иложсизликдан Ҳун-Хитой муносабатида анъанага айланган эски удум бўйича ҳунларга хирож тўлаб, қиз бериб қудалашади. Ҳунлар эса Хитойнинг ички

<sup>24</sup> Си Мачян. Ҳунлар тазкираси. Тарихий хотиралар. Урумчи. 1989. 404–405 -бетлар.

<sup>25</sup> Ўрдаус яйлови – Хуангхэ дарёсининг жануби, хитой манбаларида Хэнан (Дарёнинг жануби) дейилган. У ҳозирги Ички Монғул Мухтор ўлкасининг Экжов Чигулгон аймоғининг доирасида (Си Мачян. Тарихий хотиралар, 92-бет). Мазкур яйлов ҳунларнинг қадимдан яшаб келган манзилгоҳи бўлиб, чорва мол боқишга жуда қулай жойларнинг бири бўлган.

ишларига аралашмасдан ўзаро савдо муносабатларини ривожлантириб, уларнинг хотиржам ҳаёт кечирishiга имкон яратиб беради. Бу ҳақда хитой манбасида: «Гавди яна Луюжингни юбориб, хон жамоатидан бўлган маликани тангриқутга хотинликка беради. Ҳар йили Ҳун элига маълум миқдорда машут (кимқоб), ипак газмоли, ароқ, гуруч ва бошқа озиқ-овқатларни бериб туради. Қудалашини туфайли қардошли аҳдномаси тузилганлигидан Ботур [тангриқут] ўзининг тажовузчилик ҳаракатларини сал тўхтатади» деб хитойликларнинг ҳунларга қарам ҳолга тушиб қолганлигини ёзади<sup>26</sup>.

Ҳун-Хитой алоқалари хитойликларнинг ҳар йили берадиган нарсаларини вақтида бермаслиги ёки савдо-сотиқ муносабатларини тўхтатиб қўйиш билан бузилиб турган. Ҳунлар ўртадаги аҳднома бузилганлиги сабабли чегара ўлкаларга бостириб кириб, аҳолини талон-торож қилганлар. Ҳар доим ўртадаги битим бузилиши билан иккала томон ҳам оғир талафотлар кўрган. Ўша тариқа хитойликларнинг ҳунларга қарамлик ҳолати Хан сулоласининг тахтига Уди келгунга қадар давом қилади.

Уди Хан сулоласи ҳокимиятини эгаллаган пайти мазкур сулоланинг ривожланиб кучайган даври эди. Шунинг учун у хонларнинг ичида Хитойнинг тўла мустақиллигини қўлга олишга имкон топади. Шунингдек, у тadbиркорона иш олиб борганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

---

<sup>26</sup> Си Мачян. Ҳунлар тазкираси, 405-бет; Бан Гу. Ҳунлар ҳақида қисса (1). Ханнома Урумчи, 1994, 693-694 -бетлар.

Уди дастлаб Хун-Хитой ўртасида тузилган аҳдномага рия қилган. Манбада бу ҳақда шундай дейилади: «Уди Хан [сулоласи]нинг тахтини эгаллаши билан яхшилашиш аҳдномасини таъкидлаб, хунларга қалин муносабатда бўлди. Бозорларни очиб бериб, сахийлик билан муомала қилади»<sup>27</sup>. Натижада, хунлар Буюк Хитой деворига бориб келиб савдо муносабатларини ривожлантиради<sup>28</sup>. Иккинчи томондан, у давлат ичида тартиб ўрнатиб, мунтазам қўшин ташкил қилиб, жанубий қўшнилари билан тинч-тотув яшаш аҳдномаларини тузади. Яна бир томондан, Уди Хитойнинг фарбидаги мамлакатлар билан алоқа ўрнатиб, хунларга қарши иттифоқчи кучларни топиш истагида милодаан аввалги 139 йили Жанг Чян бошчилигида Фарбий элларга элчи юборади<sup>29</sup>. Шундан сўнг у Хун хоқонлигига қарши уруш ҳаракатини бошлайди.

Хитой хоқони милодаан аввалги 133 йили хунларга қарши катта қўшин бошлаб жанг қилишдан аввал уларни алдаб, асосий бир бўлагини Хитойнинг ичкари қисмига киргизиб олиб, қуршаб йўқ қилишни режалайди. Аммо, хунларнинг сезгирлиги туфайли мазкур режа фош бўлади. Хунлар тезлик билан чекиниб чиқиб кетиб, қуршовда қолиш хавфидан қутулиб қолади<sup>30</sup>. Лекин Хун-Хитой тинчлик аҳдномаси бузилади. Натижада кўпга чўзилган икки мамлакат ўртасидаги жангу жадаллар бошланиб кетади.

<sup>27</sup> Си Мачян. Хунлар тазкираси, 418 -бет.

<sup>28</sup> Ўша манба.

<sup>29</sup> Бан Гу. Хан Удининг таржимаи ҳоли. Ханнома, 54 -бет.

<sup>30</sup> Си Мачян. Хунлар тазкираси, 418 - 419 -бетлар.



Хан сулоласининг ҳукмдори Уди милодаан аввалги 127–119 йиллари ҳунларга қарши катта қўшин билан юриш қилиб, уларга оғир талафот етказди. Натижада ҳунлар қарамлигидан қутулиб, ҳужум қилиш мавқеини эгаллайди. Ҳунларнинг енгилишига сабаб, табиий офатлар оқибатида улар ичида иқтисодий қийинчиликлар юз берганлиги бўлди. Унинг устига Ҳун хонлари тез-тез қазо қилганлигидан хоқонлик тахтини талашини ҳоллари ҳам вужудга келиб, бирлик иттифоқ йўқолган пайт эди. Зеро, ҳунларнинг кучли қўшин тўплаб, хитойларга қарши туриш имконияти бўлмаган. Улар уруш қилиш ўрнига мудофаа қилиб, ўз кучларини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Ўзаро низоларнинг келиб чиқиши оқибатида тўда-тўда ҳун қўшинлари хитойликларга таслим бўлган<sup>31</sup>.

Гарчи, қулай вазиятдан фойдаланган Хитой хоқони Уди Ҳун хоқонлиги устидан катта ғалабаларга эришган бўлса-да, бу уруш унинг иқтисодиётига ҳам жиддий путур етказди. Катта қўшинни ҳаракатга келтириш учун қилинган омиллар аҳолининг устига оғир юк бўлиб тушди. Бир неча йилга чўзилган уруш оқибатида Хитой деҳқонлари қашшоқлашиб, давлат ичида хоқоннинг ҳаракатига қарши норозиликлар кучая бошлайди. Хан сулоласининг вазир даражасидаги арбобларидан бири бўлган Жанг Танг хоқон ҳузурига кирганда: «у эртадан кечгача давлатнинг масраф (харажат) чиқимлари тўғрисида гапиради.

---

<sup>31</sup> Бан Гу. Ҳунлар ҳақида қисса (I). Ханнома. Урумчи, 1994, 710–716-бетлар.

Хан Уди овқатланишни ҳам эсдан чиқарар эди»<sup>32</sup> деб «Ханнома»нинг муаллифи Бангу ўша давр аҳволини жуда усталик билан тасвирлаб беради. Натижада ҳунлар билан уруш қилиш-қилмаслик ва урушнинг фойда-зиёни ҳақида баҳс мунозаралар ҳарбий қўмондонлар ҳамда катта амалдорлар орасида бошланиб кетади. Вазирлардан Ди Шан урушни тўхтатиб яна эски анъана буйича қудалашини ўртага қуйиб: «Урушда одам ўлади. Шунга кўра урушни доим қўзғамоқ тўғри эмас. Илгариги вақтларда хон Гавди ҳунларга қарши жазо юриши қилиб, Пинъчингда<sup>33</sup> (Хитойнинг шимолида) қуршовда қолиб кўп зиён тортгандан сўнг, ҳунлар билан қудалашини аҳдномасини тузган эди. Хуйди<sup>34</sup> ва малика Лу<sup>35</sup> даврида бутун мамлакат халқи фаровон ҳаёт кечиради. Вэнди<sup>36</sup> даврида ҳунларга қарши жазо юриши қилинганлиги сабабли шимолий чегара ўлкалар хароблашади. Жингди<sup>37</sup> даврида Ву, Чу каби етти беқлик исён кўтаради. Хон Жингди Шарқий

<sup>32</sup> Бан Гу. Жанг Чян, Ли Гуанглининг таржиман ҳоли. Ханнома, 440-бет.

<sup>33</sup> Пинъчинг – қадимий ноҳия, ҳозирги Шанши ўлкаси Даутунг шаҳарининг шарқий шимолида. Хитой хони айнан ўша ерда ҳунлар томонидан 7 кун қуршовга олиниб, тор-мор бўлиш арафасида қутулган.

<sup>34</sup> Хуйди – Хан сулоласининг милод. авв. 194–188 йиллари ҳукмронлик қилган хони.

<sup>35</sup> Малика Лу – Гавдининг (милод. авв. 187–180 й.) хотини.

<sup>36</sup> Вэнди – Хан сулоласида милод. авв. 179–157 йиллари ҳукмронлик қилган хон.

<sup>37</sup> Жингди – Хан сулоласида милод. авв. 156–141 йиллари ҳукмронлик қилган хон.

қаср<sup>38</sup> [хон қароргоҳи] орасида бориб келиб, катта маликадан маслаҳат сўрайди. Мамлакат аҳолиси бир неча ойни ташвишда ўтказди. Бу, Чу бекларининг исёни бостирилгандан сўнг, хон Жингди урушни умр бўйи эсга олмайди. Шу боис мамлакат халқи тинч, фаровон яшайди»<sup>39</sup> деб ҳунлар билан яхши муносабат қилинган даврда халқларнинг турмуши юксалганлигини тарихий амалиёт билан далиллаб беради. Ҳунлар аслида хитойликлар билан тинч-тотув яшаб, савдо-сотик қилишдан манфаатдор бўлганлигидан босқинчилик уруши тарафдори эмаслигини билиб олиш қийин эмас. Улар Хитойни маълум даражада хирож тўлаб туришга мажбур қилиб, қарам мамлакат сифатида муносабат қилган. Аммо, Хитой давлатининг ички ишларига аралашмаган. Хитойнинг ҳунларга қарамлиги эса уларнинг ички томондан бирлашишига сабаб бўлганлигидан ўзаро уруш-жанжаллар камайган. Бу, албатта, Хитой иқтисодиётининг ривожланишига имконият яратиб берган.

Ички томондан Уди таслим бўлган ҳунларга катта ерларни суюрғол қилиб, Хитойга қарам бекликлардан беш вассал хонлик ташкил қилган. Босиб олинган ерларда Увэй,<sup>40</sup> Жочуан<sup>41</sup> вило-

---

<sup>38</sup> Шарқий қаср – Хон саройининг маликалар турадиган ҳарамхонаси.

<sup>39</sup> Бан Гу. Жанг Чян, Ли Гуанглининг таржимаи ҳоли, 441–442-бетлар.

<sup>40</sup> Увэй (Wu wei) – милод. авв. 121 йили таъсис қилинган. Унинг ҳозирги ўрни Гансу ўлкасининг Увэй номидаги вилоят маркази (Бан Гу. Хан Удининг таржимаи ҳоли. Ханнома, 56-бет).

ятларини тасис этади<sup>42</sup>. Хоқон Уди даврида мазкур вилоятларга Буюк Хитой деворининг ташқаридаги Кенгсу (Гансу) ўлкасининг шарқий қисмидаги анча ҳудудлари киргизилади ва Хитой аҳолисини кўчириб жойлаштириб, у ердаги мудофаани кучайтиради<sup>43</sup>. Яна бир томондан ҳунларга қарши иттифоқчи «дўст» топиш учун яна Хитой элчиси Жанг Чяннинг Фарб мамлакатлари ҳақидаги маълумотларига алоҳида эътиборини қаратади. Хитой хоқони қайтадан ҳунлар тазйиқига тушиб қолмаслик учун «Ёвни ёв қўли билан йўқ қилиш» тарадудини қилади. У ҳунларнинг душмани Юэжи (Юэчжи) хонлиги билан муносабат боғлашга жиддий киришади.

Юэжилар мамлакатига отланган Жанг Чян йўлда ҳунлар томонидан тутқин қилинади. Хитой элчиси тутқинликдан қочиб қутулиб, Юэжилар юртига бориб, ўз юртига қайтиб келгунга қадар 13 йил ўтади. Хитой манбаларининг кўрсатишича, аниқроғи «Ханнома»нинг Жанг Чян тазкирасида: «Жанг Чян Фаргона, Улуғ тўхорийлар (Улуғ юэ-  
- ?

---

<sup>41</sup> Жючуан (Цзю цюань, Jiu quan) – милод. авв. 121 йили тасис этилган, ўрни Гансу ўлкасида (Бан Гу. Хан Удининг таржимаи ҳоли. Ханнома, 56-бет).

<sup>42</sup> Бан Гу. Хан Удининг таржимаи ҳоли. Ханнома, 37-бет.

<sup>43</sup> Манбада: «Хан хоқонлиги дарёдан (Хуанхэ дарёсидан) ўтиб, Шуфонг вилоятидан фарбда, Лингжугача ҳамма ерларни канал, ариқлар қазиб, янги ерларни ўзлаштириб, сипоҳ беглардан 50–60 минг одамни ўриналаштиради. Ўша кундан бошлаб ҳунларнинг ерини пилла қуртидай емириб, заминини (Хитой ҳудудини) ҳунларнинг шимоли (шимоли фарби) билан туташтиради» деб ёзилади (Си Мачян. Ҳунлар тазкираси, Тарихий хотиралар, 427-бет; Бан Гу. Ҳунлар ҳақида қисса. Ханнома, 716-бет.)

жилар), Бақтрия, Қанғқа (Канга)га боради. Уларнинг атрофларидаги 5-6 катта хонликларнинг аҳволи ҳақида бошқалардан маълумот олиб, уларнинг ҳудуди ва бойлиги тўғрисида хоқон Удига ахборот беради. Уди Фарғона, Қанғқа, Аршак (Анши, Парфия)ларнинг катта мамлакат эканлигини, уларда ажойиб нарсаларнинг кўпчилигини, халқи ўтроқлашган бўлиб, урф-одатлари хитойликлар билан ўхшашлиги, лекин ҳарбий куч жиҳатидан ожизлиги, Хан сулоласининг молларини қадрлаши, уларнинг шимолида Улуғ юзжилар билан Қанғқа давлатининг борлиги, ҳарбий куч жиҳатидан уларнинг кучлироқ эканлигини, мол, бойлик тақдим қилиш усулини қўлланса, улар фойдани кўзлаб, зиёратга келадиганлигини эшитгандан сўнг ва уларни од-об-қоида билан бўйсундириш имкониятига эга бўлинса, заминни (Хитой ҳудудини) чексиз кенгайтиришга, тилдан тилга таржима қилиш йўли билан узоқ чет элларни қўлга киритиб, Хан сулоласининг важоҳат ва меҳр-шафқатини буткул элларга тарқатгани бўладиганлигини ўйлади. Ўйлаган сари хурсанд бўлиб... элчиларни юбориш учун ёрлиқ туширди»<sup>44</sup> – деб ёзилган.

Хитой хоқони фарбдаги мамлакатларнинг кўпчилиги, жумладан, Фарғонанинг Хун хоқонлигининг таъсир доирасида бўлса-да мустақил сиёсат юргизадиганлигини эшитиб, жудаям хурсанд бўлади. У фарбдаги хонликларнинг Хитой молларини қадрлашидан фойдаланиб, кўплаб мол

---

<sup>44</sup> Бан Гу. Жанг Чян, Ли Гуанглининг таржимаи ҳоли. Ханнома, 447-449-бетлар.

киргизиш йўли билан Хан сулоласининг кучли, бой улкан мамлакат эканлигини ташвиқ қилиш орқали хунларга қарши иттифоқчи «дўстларни» топишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Мазкур мақсадни амалга ошириш учун авваламбор нисбатан ҳарбий жиҳатдан куч-қудрати устун, обрў-эътибори бор эллар билан алоқа боғлашга алоҳида аҳамият беради.

Хитой хоқони хунларга ўхшаш Улуғ юэжи-лар ва усунларнинг<sup>45</sup> кўчманчилик билан ҳаёт кечирадиган аҳоли эканлигини ва хунларнинг назоратида бўлса-да, уларнинг ҳам мустақил сиёсат олиб борадиган кучли хоналиклар эканлигини Жанг Чяндан маълумот олади.<sup>46</sup>

Жанг Чян биринчи бор Фарбга қилган сафаридан сўнг хоқон томонидан тақдирланиб, катта қўмондон лавозимига кўтарилади. Аммо, милодаан аввалги 121 йили хунларга қарши урушда белгиланган жойга вақтида етиб келмаганлиги сабабли ўлим жазосига ҳукм қилинади. У пул тўлаб ўлимдан қутулиб қолади<sup>47</sup> ва яна ўз мавқеини тиклаш ниятида юрганида Хитой хоқоннинг Фарб мамлакатларига қизиқишининг борлигидан хабар топади. У хоқон ҳузурида бўлиб

<sup>45</sup> Хитой манбаларидаги усунларни тадқиқотчилар Марказий Осиё халқлари таркибига кирган «уйсун» ёки «уйшун» қабиласи деб кўрсатишади. ШУМУдаги тадқиқотларда ушбу атама «асийу» деб ҳам берилади.

<sup>46</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 496-бет.

<sup>47</sup> Бян Гу. Жанг Чян, Ли Гуанглининг таржимаи ҳоли. Ханнома, 449-бет.

Усун хонлиги ҳақидаги мулоҳазаларини ўртага қўяди.

Жанг Чян Хан сулоласининг хоқони билан бўлган суҳбатида: «Фақир ҳунлар ичида турган пайтимда Усун хонлигининг Кунбей<sup>48</sup> деб аталганлигини эшитган эдим. Ҳунлар<sup>49</sup> Кунбейнинг отаси [Нандубей] томонидан қурилган кичик бир хонликка (Хитойнинг ғарбида) ҳужум қилиб, уни ўлдиради. [Унинг ўғли] чақалоқ Кунбейни далага ташлаб кетибди. Гўшт тишлаган бир қарға унинг боши устида учиб айланиб юрибди. Бир урғочи бўри келиб уни эмизар экан. Буни эшитган тангриқут<sup>50</sup> ажабланибди ва «Бу болага тангри ёр бўлибди» деб уни боқиб ўстирибди. Бола катта бўлиб вояга етганда тангриқут уни қўшинга бош қилиб урушга қатнаштирибди. У кўп хизмат кўрсатибди. Тангриқут<sup>51</sup> унга отасининг элини топшириб берибди. Кунбей элини топшириб олиб уларнинг бошини силабди. Атрофдаги кичик шаҳарларга ҳужум қилибди. Лашкари бир неча ту-

<sup>48</sup> Кунбей – қадимий усун тилида мазмун жиҳатидан «хон», «подшоҳ», «султон» атамасини билдириб, «кундай улуғ бей» деган маънони билдиради. Кунбейнинг номи адабиётларда Рағуми деб кўрсатилади (Т.Олмос, Уйғурлар, 336-бет.)

<sup>49</sup> Бан Гу ўз асарида Си Мачян ҳунлар деб кўрсатган халқни даюэжилар (улуғ тохарилар) деб ёзади. Кунбейни ҳунлар топиб олиб, боқиб ўстиради (Бан Гу. Жанг Чян, Ли Гуанглининг таржимаи ҳоли. Ханнома, 450-бет.)

<sup>50</sup> Мазкур матнда, милод. авв. 240–210 йиллари ҳун хоқонлигининг ҳукмдори бўлган Туман тангриқут кўзда тутилади.

<sup>51</sup> Бу ерда Туман тангриқутнинг ўғли, милод. авв. 210–174 йиллари ҳукмронлик қилган Ботур тангриқут кўзда тутилади.

манга етибди. Улар урушда моҳир экан. Тангрикут ўлгандан сўнг Кунбей элини бошлаб олисга кўчиб кетибди, ҳунларга бўйсунмасдан мустақил бўлиб олибди. Ҳунлар туюқсиз ҳужум қилган бўлсалар-да, ғалаба қилолмабди. Ҳунлар буниги сабабини тангрининг қўллаб-қувватлаганидан деб фараз қилиб, улардан узоқлашибди. Фақат назорат қилиш билан чекланиб бошқа ҳужум қилмабди»<sup>52</sup>—деб хоқонга Жанг Чян маълумот беради. У усунларни Хитойнинг бойлиги ва совға-саломлари билан қизиқтирса, Хан сулоласи билан душлашиш имкониятининг борлигини айтибди. Жанг Чян хоқон билан суҳбат давомида ҳунлардан тортиб олинган жойларга усунларни кучириб олиб келиб жойлаштиришга эришилса, Ҳун-Хитой ўртасида катта бир жонли истеҳком деворини қургандай бўлишлигини айтган. У яна агар шу тариқада иш олиб борилса, ҳунларнинг кучи бўлиниб, худди унинг ўнг қўлини кесиб ташлагандай иш бўлишини тушунтиришга ҳаракат қилган. Шунингдек, у Усун хонлигининг Хитой-Ҳун муносабатида жуда муҳим рол ўйнашига имони комиллигини ишонтирибди<sup>53</sup>.

Аслида Хитой хоқони Уди энг узоқдаги Бактрия подшолиги<sup>54</sup> билан муносабат боғлаб, ғарб мамлакатларини бўйсундиришни кўзда тутар эди. Жанг Чян эса: «Усунлар Хитой билан

<sup>52</sup> Ся Мачян. Фаргона тазкираси. Тарихий хотиралар, 496–497–бетлар.

<sup>53</sup> Ўша манба, 497–бет.

<sup>54</sup> Бактрия подшоҳлиги хитой манбаларида Дася (Da xia) деб ёзилган Бактриёна, Боғтор, Тухорстон номланган подшоҳлик.



бирлашгандан сўнг, Усунларнинг гарбидаги Бақтрия каби подшоликларни қўлга киритиб, уларни Хан сулоласининг чет эллардаги раиятига<sup>55</sup> айлантиришга мувофиқ бўлади»<sup>56</sup>, яъни Бақтрия халқини Хитойнинг узоқ гарбидаги қарам фуқароси қилиш мумкинлигини айтади. Мазкур фикр айнан ҳукмдорнинг режасига тўғри келганлигидан у Жанг Чян таклифига маъқул бўлиб, Усун элига элчи юборишга рози бўлади.

Милодаан аввалги 119 йили Жанг Чян элчилик дастагини тутиб, навкар боши деган мансаби билан 300 кишидан таркиб топган катта карвонга бош бўлиб, йўлга чиқади. Карвонда неча туман минг пулга тўғри келадиган олтин-кумуш, қимматбаҳоли шойи атласлар совға-салом учун тайинланган эди. Сафар қатнашчиларининг озиқ-овқатларига ўн мингдан кўп сигир, қўй карвон билан жўнатилади. Сафардагиларнинг ҳар бирига иккитадан от берилади. Жанг Чян Фарғона, Қанға ва Усун элларига жунанган элчилик карвонига шахсан ўзи бош бўлади. У Ҳиндистон ва Арабистонгача бўлган жойларга кўп мол билан яхши таъминланган махсус эчиларни юборади.<sup>57</sup> Натижада Фарғона давлати ҳақида бой маълумотлар олиб келади.

Манбаларда кўрсатилишича, Жанг Чяннинг иккинчи сафари ҳунлар ёки кичик хонликлар томонидан жиддий қаршиликка учрамаганлиги аён

---

<sup>55</sup> Бирор ўлка ёки мамлакатда яшовчи халқ, фуқаро.

<sup>56</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 497–498-бетлар.

<sup>57</sup> Бан Гу. Жанг Чян, Ли Гуангли таржимаи ҳоли. Ханнома, 452-бет.

бўлади. Сабаби Туркистондаги кичик давлатлар ва шунингдек Ҳун хоқонлиги ҳам чет эллиқлар билан бўладиган савдо муносабатларини қадрлаганлар. Катта мол-дунё билан кетаётган мазкур элчилар сафари кўринишидан улкан бир карвонни билдирганлигидан ҳаммаси уларни элчи эмас балки савдо карвони деб қабул қилган бўлишлари керак. Ҳунлар азалдан Хитой билан савдо муносабатлари қилиш тарафдори бўлиб келганлигидан мазкур карвоннинг элчилик мақсадида борганлигини билсаларда, Хитой элчиларининг Шарқ-Ғарб муносабатларида муҳим аҳамиятга эга бўлишини кўзда тутиб, қаршилиқ қилмаган бўлишлари керак. Яна бир томондан Ҳунлар неча йиллар Хан сулоласи билан урушда катта талафот кўрганлигидан, иложи борича Хитой билан яхши алоқада бўлишни истаб, ўз ноибларига қаршилиқ қилмасликни тайинлаган бўлишлари ҳам мумкин. Умуман элчилар ҳеч бир тўсқинликка учрамасдан Усун элига етиб боради.

Элчиларнинг қайси йўл билан юрганлиги ҳақида Хитой манбаларида маълумот берилмайди. Жанг Чян Удунга (Хутанга) ва Фарғонага алоҳида элчи юборганлигига қараганда,<sup>58</sup> улар Шарқий Туркистондан ўтадиган «Бўстонли шимолий йўл» билан Чолиш (Қорашаҳар)дан ўтган бўлсаларда, Фарғонага ўтмасдан шимолий йўл билан Усун хонлигига йўл олган.

Усун хони Жанг Чянини катта эътибор билан кутиб олади. У элчи томонидан келтирилган сов-

---

<sup>58</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 453-бет.

галарни Хитойга ҳурмат юзасидан ўрнидан туриб қабул қилади. Аммо, у Жанг Чяннинг таклифини рад этиб, ўз ичидаги келишмовчиликларни баҳона қилиб,<sup>59</sup> ҳунлардан тортиб олинган жойларга кўчиб боришдан воз кечади. Зеро, у ҳунлар билан ўзаро муносабатларни бузишни хоҳламас эди. Натижада Хитой хоқони режалаган «душманни ётлар қўли билан даф қилиш» ва ҳунларга қарши усунларни «жонли тусиқ» қилиш нияти амалга ошмайди. Лекин Усун хони Хитойни билиш ва у билан алоқани ривожлантириш ўйида Жанг Чянга қўшилиб, ўғли бошчилигидаги ўз элчиларини юборади<sup>60</sup>.

Жанг Чян бошчилигидаги элчи қарвони Буюк Хитой деворига яқинлашганда уни кўрганлар, элчиларнинг жуда катта қарвон бўлиб кетаётганлигидан ажабланган бўлсалар, келаётганларида малла сочли одамларни (усунларни) кўриб ҳайратда қоладилар. Хусусан, усунларнинг хоқонга олиб кетаётган отларини кўриб ҳавас қилишади. Мазкур «Усун отлари» ўзининг чиройли баста билан қарвонда бошқа отлар орасида алоҳида ажралиб турар эди. Хитой хоқонига эса бу отлар жуда ёқиб кетганлигидан пойтахт истироҳатгоҳларида фарздан олиб келинган узумлар билан бирга отлар учун беда уруғи катта майдонларга экилади. Бедазорларда усун отлари алоҳида кўнгил бериб боқилади. Хитой хоқони

---

<sup>59</sup> Усун хонлиги тахт ворислиги учун кураш натижасида учга бўлиниб кетган эди (Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 499-бет. )

<sup>60</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 498-499-бетлар.

Уди бедазорларда ҳусн бериб турган отларга ҳавасланиб уларга «Тулпорлар» деб ном беради<sup>61</sup>.

Жанг Чян ва у томонидан юборилган элчиларнинг Фарб мамлакатлари, уларнинг иқтисоди, маданияти ва халқларининг урф-одатлари ҳақида келтирган бой маълумотлари Хитой хоқонини жуда хурсанд қилади. У Фарб мамлакатлари билан алоқани янада ривожлантириш учун элчиларни давомли юбориб туради. Натижада Хитой маданиятини фарбга ташвиқ қилиш билан бирга Фарб маданиятининг ютуқлари (санъат, мусиқа, деҳқончилик, ипак ва бошқа мато газламаларини ишлаб чиқариш усуллари, тери ишлаш, кон саноати каби ҳар хил ҳунармандчилик ютуқлари) Хитойга оқиб кира бошлайди. Булар бундан 2000 йил аввал Хитой маданиятининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам Уди элчилар сонини кўпайтириб, иложи борича Фарб ҳақида кўпроқ маълумот олишга ҳаракат қилади. Уларнинг асосий кўпчилиги Фарғонадан ўтганлиги сабабли Фарғона давлати тўғрисида мукамал ахборот берилади.

Хитой ҳукмдори Бақтрияга борадиган ва Кунминг деган жойдан ўтадиган қисқа йўл очиш мақсадида Сичиван ўлкасига одам кўчириб, бир нечта вилоятларни таъсис этади. Ўша ўлкада яшаб келган, Хитой миллатига мансуб бўлмаган Бо, Шу деган эллардан одам олиб ҳамда жиноятчи, судланганларни ишга солиб, Кунмингдаги йўлтўсарларга ҳужум қилиб, қирғинчилик қилади. Аммо, қайсар ва жасур кунмингликлар жазолаш

---

<sup>61</sup> Ўша манба, 501-бет.

қўшинлари кетиши билан яна Хитой карвонларини ўтказмайди<sup>62</sup>.

Хан сулоласининг хоқони Уди зарар кўрса-да, элчи карвонларини жўнатиб турган. У Ғарб мамлакатларидан келган элчиларга Хитойнинг улуғ, катта мамлакат эканлигини кўрсатишга алоҳида эътибор берган. Уларни олиб келган молидан кўп мол билан қайтариш анъанасини бошлаб беради. Натижада ғарбий эллардан ҳам элчилар келиши кўпая боради. Хусусан, Усун-Хитой муносабати жуда қалин бўла бошлайди. Бундан ташвишланган Хун хоқонлиги Усун хонлигини жазолаш тараддудини кўради. Буни сезиб қолган Усун хонлиги тезда Хитой билан қудалашиб, муносабатни янада кенгайтиришга, керак бўлса улардан ёрдам олиш режасини тузади. Хитойга элчи юбориб Хитой маликасига уйланажаклигини хабар қилади. Хитойликлар усунлар қўйган таклифнинг чинлигини тасдиқлаш учун олдиндан қалинга беришга келишилган отларни топшириб олиб<sup>63</sup>, Хитой маликаларининг бирини Усун элига жўнатади<sup>64</sup>. Қадимий анъаналарга мувофиқ қудалашиб орқали келишилган аҳднома энг мустаҳкам иттифоқларнинг бири бўлиб, ўзаро тинчликни таъминласа, ғанимига қарши биргаликда уруш қилишни билдирар ҳам эди. Шу боис Хун хоқонлиги Усунга

<sup>62</sup> Ўша манба, 502-бет.

<sup>63</sup> Ўша манба, 500-501-бетлар.

<sup>64</sup> Хан сулоласининг хоқон жамоатига мансуб Жянгу беги Лйу Жяннинг қизини Усун хонига хотинликка беради, Кунбейи уни «Унг оға беги» қилади (Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 504-бет).

қарши юриш қилиш, хитойликларнинг кенг кўламда жанг ҳаракатларини бошлаб қолишидан хавотирланади. Агар усунлар орқа томондан Хитойга мослашиб иш кўрса ҳунларнинг катта талафот кўриши ҳеч гап эмас эди. Шунинг учун ҳунлар ҳам хонзода қизлардан бирини Усун хонлигига бериб, усунларни жазолаш ниятидан қайтган<sup>65</sup>. Натижада ҳунлар ўзларининг Туркистондаги юқори мавқеига футур етказилишидан сақланиб қолган.

Шу тариқа Хитой хоқонининг Фарбда ўз мавқини ўстириб, ҳунларга қарши иттифоқчи топиш учун қилган ҳаракатлари йиллар ўтиши билан муваффақиятсизликка учрай бошлади. У кўзлаган мақсадини амалга ошириш учун Фарб мамлакатларига кетма-кет элчилар жўнатиб, катта маблағ сарф қилади ва Фарбни таниш юзасидан катта ютуқларга эришади. Лекин, Хан сулоласи учун бу ютуқлар анча қимматга тушади. Манбаларда элчиларнинг борадиган манзили Хитойга нисбатан олис ва йўл машаққатларининг ғоятда кўп бўлганлиги тўғрисида маълумотлар берилган. Шу сабабли ҳақиқий дипломатлар элчи бўлиб боришга қизиқмаган. Хитой хоқони эса қандайдир бир амалдор элчи бўлиб боришни хоҳласа, элчилик гувоҳномасини бериб, жўнатишга мажбур бўлган. Улар фойда кетидан қувиб, кўп ҳолларда ёлгон гаплар тарқатар эди<sup>66</sup>. Бундай элчилар:

<sup>65</sup> Усун Кунбейи бу маликани хотинларининг ичида улуғлаб «Сул оға беги» қилади (Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 505-бет).

<sup>66</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 502-503-бетлар.

«Доим [хан] хоқоннинг юборган совғаларини арзон баҳода сотиб, пулини чўнтаklarига солар эдилар. Чет элликлар эса уларнинг амалиятга уйғун келмайдиган ҳар хил гапларидан безор бўлиб, масофа йироқ, Хан лашкарлари бу ерга етиб келолмайди деб ўйлаб, Хан элчиларини озиқ-овқат билан таъминламай қийинчилик туғдирар эди. Хан элчилари озиқ-овқат етишмаслигидан оч қолиб улардан норози бўлади. Ҳатто, улар [элчилар] бир-бирига ҳужум қилади»<sup>67</sup> деган гапларнинг Хитой манбаларида ёзилганлигига қараганда, элчилар Хитойнинг улуғлигини, кучлилигини ташвиқ қилиш ўрнига ақлга сифмайдиган ёлғон гапларни тарқатиб, чет элликларнинг Хитойга қизиқиши ва ишончини йўқотардилар. Хитой элчи савдогарлари ҳун хоқонлигининг одамлари каби озиқ-овқат билан таъминланмаган. Улар пули бўлса ёки алиштиришга моли бўлса озиқ-овқат ва уловга эга бўлган, бўлмаса ҳатто оч ҳам қолиб кетар эди. Шунинг учун озиқ-овқат етишмаслиги сабабли Хитой элчиларининг ичида норозиликларнинг келиб чиқиши табиий ҳол эди. Улар бир бирини қўлаб-қувватлашнинг ўрнига оч қолиб ўлиб кетмасдан ўз юртларига омон-эсон етиб боришга ҳаракат қилиб юртдошларининг мол дунёларини тортиб олишга мажбур бўлганлар.

Хитой манбаларини тадқиқ қилувчиларнинг баъзилари Марказий Осиёда Хитой элчиларининг камситилишини бошқача талқин қилиб, уларнинг сотиб олиш қобилияти устун бўлганлигидан чет

---

<sup>67</sup> Ўша манба, 503-бет.

элликлар иложи борича кўпроқ манфаат олиш учун уларни қисийшган деб қарашади. Улар масаланинг сиёсий томонини яшириб, Хитойнинг бойлиги сабабли юз берган иш деб кўрсатишга ҳаракат қилади. Лекин барибир улар «муҳими улар [чет элликлар] Хан сулоласининг элчиларини кутиб, ҳунларни ранжитиб қўйишдан кўрқар эди»<sup>68</sup> деган энг асосли сабабни тан олиш билан ҳақиқий аҳволни айтиб кетади.

Хитой манбаларининг тасдиқлашича, ҳунларнинг Туркистонда сиёсий ва иқтисодий томондан мавқенинг устун бўлиши, Хитой элчиларининг кўп мол билан бориб, қанча маблағ сарфлашига қарамасдан, қадрланмаслигига сабаб бўлар эди. Шунинг учун Хитой хоқони Уди Хан сулоласининг обрў-эътиборини оширмасдан туриб, ўзи кўзлаган режага етолмаслигини кундан кунга аниқ сеза бошлайди. У Хитой анъанавий дипломатиясига риоя қилган ҳолда аста-секин, шошилмасдан кўзлаган мақсадига етиш йўлини қўллайди. Яъни, Хитойнинг улуғ, қудратли давлат эканлиги ҳақидаги ташвиқот ишларини кучайтириб, бойлик, мол-дунё билан қизиқтириб, керак бўлса қиз бериб ёки қиз олиб қудалашни орқали яқинлашишни давом эттиради. Шунинг билан бирга кучи ожизлик қилса хушмомад қилиб, куч етса таҳқирлаш сиёсатини ҳам ишлата боради.

Хоқон Удининг мазкур сиёсатини олиб борган даври ҳунларнинг Хан сулоласи томондан катта талафот кўриб ожизлашганлиги туфайли бўлса керак. Туркистоннинг жанубидаги

<sup>68</sup> Ўша манба, 507-бет.



хонликларда Хитой элчиларининг иш ҳаракатларига жиддий қаршилиқ кўрсатганлиги ҳақида ахборот манбаларда кам. Шундай бўлишига қарамасдан, ҳунларнинг Туркистондаги мавқеининг устун бўлганлиги тўғрисида маълумотлар учрайди. «Тарихий хотиралар»даги «Фарғона тазкираси»да мазкур масала юзасидан: «Усунининг ғарбидан Аршакгача бўлган давлатлар ҳунларга яқин эди. Ундан ташқари юзжила ҳунлардан таъсирини еб, ҳалигача юраги изига тушмаган эди. Қўлларида [Ҳун] тангрикутининг бир парча хати бор ҳун элчиларига ҳамма давлатлар озиқ-овқат етказиб берар эди. Ҳеч қачон ҳурматсизлик қилмасди. Лекин Хан элчилари пул сарфламаса, мол-бойликларини чиқармаса оч қолар эди. Улов сотиб олмаса, яёв юрарди»<sup>69</sup> деган гапларнинг манбада ёзилиши ҳунларнинг Туркистонда катта таъсирининг борлигини тасдиқлайди. Бу эса Хитой подшоҳининг ғашини қўзғаган асосий масалаларнинг бири бўлган. Шунинг учун қанча кўп, қийин машаққатли бўлмасин, ҳунларнинг таъсирини Туркистоннинг жанубидан сиқиб чиқариш, Хан сулоласининг кучини кўрсатиб қўйиш мақсадида ғарбга босқинчилик юриши қилишни режалайди. У ўз қилмишининг оқилона эканлигини ўз халқи олдида оқлаш учун бирор асосли баҳона қидиради. Бу эса Фарғона-Хитой муносабатларининг чигаллашишига сабаб бўлади.

---

<sup>69</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 506-бет.

Мазкур масала юзасидан Фарғонада асл отларнинг борлиги, унинг жуда ноёблиги тўғрисидаги хабар Хитой хоқонининг эътиборини алоҳида тортади. Ноёб отларга эга бўлиш Хан сулоласининг обрўйини оширишини ўйлаган хоқон Уди Фарғонага юриш қилишдан аввал унумдор ерларга ўзум ва беда эктирганлиги бежиз эмас эди<sup>70</sup>.

Элчилик алоқаларининг йўлга қўйилиши билан ривожланган савдо муносабатлари ҳар иккала томон тараққиётига деярли таъсир кўрсади. Туркистоннинг марказида жойлашган Фарғона давлати мазкур муносабатда алоҳида кўзга ташланганлигидан Хитой хоқонининг диққат-эътиборини кундан-кунга кўпроқ торта бошлайди. Хусусан, Фарғонада асл зотли «тулпор» отларнинг борлиги тўғрисидаги хабар Хитой хоқонининг ўз режасини амалга оширишида сазовор бўлади. Хитой хоқони Фарғона асл отлари усун «тулпор»ларига қараганда ҳам гузал ва чиройли эканлигини эшитгач, бу отларга эга бўлиш мамлакатнинг шону шуҳратини оширишини ҳис қилиб, Фарғона асл отларини қўлга келтириш иштиёқи ҳаммадан устун кела бошлайди.

Хоқоннинг истагини англаган элчиларнинг баъзи бирлари Фарғона «тулпор» отларидан нусхаларни сотиб олишга муяссар бўлганлар ҳам бўлган. Мазкур хабар Хитой хоқонини жуда ҳам хурсанд қилади. Ҳатто олиб келинаётган отлар Буюк Хитой деворига яқинлашиб қолганлигини эшитган шоирлар милодаан аввалги 120 йили

---

<sup>70</sup> Ўша манба, 507-бет.

Фарғона отларини «тулпор»ларига таққослаб,  
махсус қўшиқлар тўқийдилар:

«Тангрининг раҳматига минг ташаккур,  
Кўкдан хосиятли «тулпор» тушибди.  
Қип-қизил сўлаклари чиқиб оғзидан,  
Бутун бадани терга чўмибди.

Фавқулодда унинг иродаси,  
Руҳи унинг ниҳоятда юксақдадур.  
Кезиб осмондаги булутларни,  
Хира қуёш нурида шошиладур.

Унинг тани салгина жимжимадор,  
Узун ўтмай туман йўллардан ошар.  
Аждарҳолар унга ҳамроҳ бўлишар,  
Ким унга эндиликда тенглашалар» <sup>71</sup>

Хитой хоқони Уди Фарғона асл отларига эга бўлгандан сўнг хоқоннинг махсус истироҳат боғларида ўстирилган бедазорларида мазкур отларни алоҳида кўнгил бериб боқишни бошлайдилар. Хоқон сулув, чиройлик келишган, забардаст Фарғона отларини томоша қилар экан, уларга ҳавас билан боқиб, чексиз ҳиссиётларга чўмилар эди. Шу боис у усун отларини «тулпорлар» деб аташдан воз кечиб, уни «узоқ қуёш ботиш оти» («узоқ гарб оти») деб ўзгартириб, Фарғона

<sup>71</sup> Мазкур шеър милод. авв. 120 йили савдогарлар томонидан сотиб олинган Фарғона асл отларининг Кенгсув (Гансу) ўлкасига кириб келиши муносабати билан ёзилган (Бан Гу. Нағма нова тазкираси. Ханнома, 169, 171-бетлар).

отларига «тулпор от» деган номни беради<sup>72</sup>. У эришилган муваффақиятларни яна давом эттириб, элчилик муносабатлари асосида ривожланган савдо алоқаларини кундан-кунга кенгайтиришга ҳаракат қилади.

Хан хоқонлиги Фарб мамлакатлари аҳволини мукамал эгаллаб, анча муҳим маълумотларни қўлга киритганидан сўнг, «яқиндагиларни бўйсундириб, узоқдагиларни аста-секин таъсир доирасига олиш» режасини амалга оширишга киришади. Бунда Туркистоннинг марказида жойлашган Фарғона давлатининг пойтахти Эрши шаҳрига эътиборини алоҳида қаратади.

### ЭРШИ ШАҲРИНИНГ ЎРНИ ҲАҚИДА

Тарихда машҳур Фарғона отлари боқиландиган Фарғона давлатининг маркази ҳисобланандиган Эрши шаҳрининг ҳозир қайси жойга тўғри келиши ҳақида турли фикр айтилади. Сабаби, Фарғона вилоятида бир неча қадимий шаҳарларнинг тузилиши хитой манбаларидаги Эрши шаҳри ҳақида берган маълумотга мос келишидир.

Хитой олимларининг бир қисми, рус ва бошқа олимларнинг (Э. Шаван) таҳлилига асосан «Ханнома. Фарбий эл тазкирасидаги жой номларини текшириш» асарида Эрши шаҳри Ўратепа ва Жиззахда деб кўрсатилади. Баъзи Хитой олимлари эса, А.Н.Бернштам бошлиқ бир гуруҳ олимларнинг қадимий шаҳар қолдиқларига

---

<sup>72</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 501-бет.

асосланиб, Эрши шахрининг ўрнини Андижон вилоятига қарашли Марҳамат шахри ёнида жойлашган Мингтепа деб чиқарган хулосаларига асосланишади. Шунингдек, «Эрши» атамаси қадимда Сутришина (Устришина) шахрининг хитой тилида талаффуз этилиши деб тасдиқлашади<sup>73</sup>.

Хитойшунос рус олими А.Г. Малявкин асосан А.Н.Бернштам хулосасининг ҳақиқатга яқин эканлигини айтса-да, мазкур масалани ечилмаган масала деб ҳисоблайди<sup>74</sup>. Фарғона вилоятида махсус қидирув ишларини олиб борган қадимшунос олимлардан Б.Х.Матбобоев А.Н.Бернштамнинг фикрини тўғри деб топади. У милодаан аввалги II–I асрда гуллаб-яшнаган Мингтепанинг Фарғонанинг шарқда жойлашганлиги, унинг яқинидаги тоғларга «дулдаул от» тасвири солинганлиги, мазкур улуғвор ёдгорлик Эрши бўлганлигини кўрсатади, деб тасдиқлайди<sup>75</sup>.

А.Г.Малявкин билан бир пайтда Л.А. Борова ҳар хил таҳлилларга қарши чиқиб, хитой манбаларида берилган шаҳар ва қишлоқлар орасидаги масофани ҳисоблаш натижасида Фарғонанинг пойтахти Эрши Қўқон шахри атрофига тўғри келади деб хулоса қилади ва мазкур шаҳар харобалашгандан сўнг Гуйшан шахри Фарғонанинг

<sup>73</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 526-бет.

<sup>74</sup> А.Г.Малявкин, Танские хроники о государствах Центральной Азии. Новосибирск, 1989, С. 263.

<sup>75</sup> Б.Х.Матбобоев. Ўзбек давлатчилигининг илк боғичларида Фарғона, 35–36 -бетлар.

маркази бўлган бўлиши керак, деб тахмин этади<sup>76</sup>.

Ҳ.Бобобеков хитой манбаларида айтилган Гуйшанни, қадимий Қўқон шаҳри номининг (Хўқанднинг) хитой тилида талаффуз қилиниши бўлса керак деб айтади<sup>77</sup>. Гуйшан хитой тили нуқтаи назаридан қараганда Косон номига мос келади. Шу сабабли тадқиқотчилар Наманган вилоятидаги Косонсойни Гуйшан деб ҳисоблашади<sup>78</sup>. Ҳойнахой, Косонсойдаги Муҳ қалъаси Гуйшан бўлса ажаб эмас. «Косон» сўзи хитой тилида «Гуйшан» деб талаффуз этилиши мумкин.

Шуни таъкидлаб айтиш зарурки, «Тарихий хотиралар»да Фарғонанинг пойтахти Эрши шаҳри қилиб кўрсатилади. Мазкур манбадан 180 йил кейин ёзилган «Ханнома»да эса, Фарғонанинг маркази Гуйшан деб ёзилади. Демак, хитой манбаларида Эрши ва Гуйшан шаҳарлари бирин-кетин марказ бўлганлиги берилган. Хитойлар Фарғонага юриш қилганда унинг пойтахти Эрши бўлганлиги ҳақиқатга уйғун келади.

Фарғона қадимий шаҳарларининг жиддий ўрганилиши натижасида қадимшунос А.Анорбоевнинг Эрши шаҳри Ахсикент бўлиши керак деб чиқарган тахмини диққатга сазовор. Унинг айтишича, Ахсикентдан топилган ёдгорликлар хитой манбасидаги Эрши шаҳри таърифига тўла мос ке-

---

<sup>76</sup> Л.А.Боровкова. Запад Центральной Азии во II в. до н.э. – VII в. н.э. М., 1989, С.56.

<sup>77</sup> Ҳ.Н.Бобобеков. Қўқон тарихи. Тошкент. 1996, 15–20-бетлар.

<sup>78</sup> История Киргизской ССР. Фрунзе. 1984, С.192.

лади<sup>79</sup>. Хусусан, шаҳарнинг сопол қувурлар ёрдамида сув билан таъминланиши хитойликларнинг шаҳарни жуда тез сувсиз қолдиришга имкон берган деб айтишига асос бўлади. “Ахси” хитой тили талаффузига мувофиқ “Эрши” тарзида ёзилиб қолган бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, Косонсой Мингтепага нисбатан Ахсикентга яқин бўлганлиги мазкур шаҳарнинг Эрши бўлганлигига ишонч туғдиради.

## ФАРҒОНА-ХИТОЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЁМОНЛАШИШИ

Қадимий хитой адабиётида Фарғона-Хитой муносабатига оид масалада Фарғонага нисбатан ишлатилган сиёсат юмшатиш ҳолда ёзилган. Бунда элчиларнинг Шарқий Туркистондаги бир нечта давлатлар ва Фарғона давлати ҳарбий қувватининг ожизлигини, озгина куч билан ҳужум қилинса уларни осонгина мағлуб қилиш мумкинлиги тўғрисида ахборот берганлиги ёзилади. Аммо, элчилар ҳунларга нисбатан ўзларининг камситилганлигини айтиб, Хитой хоқонидан элчиларнинг мавқеини ўстиришда жиддий бир тадбир қўлланишини талаб қилишади. Фарғонага борган Яв Дингхан каби элчилар: «Фарғона ҳарбий куч жиҳатидан ожиз. Агар 3000 аскар юборилса, кучли ўқ ёйлар<sup>80</sup> ёрдамида Фарғонани

<sup>79</sup> А.Анорбоев. Ўзбек давлатчилиги тарихида қадимги Фарғона ва Ахсикент, 14–19-бетлар.

<sup>80</sup> Кучли оқ ёйи – оёқ билан тортиладиган 600 метр масофагача борадиган ўз замонасининг илғор уруш қуроли.

тор-мор қилса бўлади»<sup>81</sup> деган таклифларни бериб, Хан сулоласининг хоқони Удини ишонтиришга ҳаракат қилган. Мазкур хабарлар Хитой хоқонининг Фарғонага нисбатан қай тарзда дипломатик муносабатда бўлишида алоҳида роль ўйнайди. Хусусан, қадимий хонликлардан бўлган Шарқий Туркистондаги Крурона<sup>82</sup> хонини 700 кишилиқ қўшин билан асрга олишга муяссар бўлиниши,<sup>83</sup> Фарғонани ҳам анча катта бўлмаган ҳарбий куч билан бўйсундириш мумкинлигини кўрсатади. Натижада ҳарбий юриш қилиш учун ҳар хил йўллар билан баҳона қидирилиб, Фарғонага қарши босим ишлатиш усуллари қидирила бошланади.

Ўша пайтда Фарб мамлакатларига бориб келган элчилар «Фарғонада яхши отлар бор. [Уни] Эрши<sup>84</sup> шахрига яшириб қўйиб, Хан элчиларига бермаётир» деб ариза қилишади<sup>85</sup>. Хитой хоқони Фарғонага ўз кучини кўрсатиб қуйишни тўғри деб

---

<sup>81</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 508–509-бетлар.

<sup>82</sup> Крурона (Круран, Кируран, Кироройна) – хитой манбаларида Пишомшан (Shan shan–Шань Шань,) Лўу лан, (Lou lan), Чанчан каби номларда берилади.

<sup>83</sup> Бан Гу. Фарбий юрт тазкираси, Ханнома, 854-бет.

<sup>84</sup> Эрши шахрини тадқиқотчилар Хитой манбаларидаги Си-ванжин, Судуйшана, Судулисэна (Л.А.Боровкова. Запад Центральной Азии во II в. до н.э. – VII в. н.э. М. 1989, С. 178.) каби қадимда Сутришина (Уструшана) шахрининг хитой тилида талаффуз этилиши деб айтишади. Унинг кейинги даврларда номланиши ва қаерда жойлашганлиги ҳақида манба ҳамда тадқиқотчиларнинг фикрлари ухшамайди.

<sup>85</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 508-бет.



топади. У Крурона хонлигига ўхшаш анча кўп талафот кўрмасдан Фарғонани ҳам ўз таъсир доирасига олиш мумкин деган фикрга асосланади. Бунда, қидирилган усулларнинг ичида Фарғонадаги асл отларни талаб қилиш жудаям қўл келади. Натижада Фарғонага махсус элчилар гуруҳи тайинланиб, унга фавқулодда ҳуқуқ берилади. Элчиларга Фарғона отларини минг жинг (тахминан 600 кг га яқин) олтин ва мисдан ишланган «Зар от»<sup>86</sup> ҳайкалларига сотиб олиш топширилади<sup>87</sup>.

Фарғона асл отлари аслида, озлиги ва ноёб нусха бўлганлигидан кўп миқдорда сотиб юбориш, хоннинг ўша от туфайли эришган шон-шуҳратини Хитойга ўтказиб бериш деган гап эди. Шу боисдан Хитой қанча кўп бойлик таклиф этмасин, Фарғона ҳукмдорининг рад жавобини бериши табиий ҳол эди. Агар асл отлар сотиб юборилса Фарғона ҳукмдорининг обрўйига путур етказишини Хитой хоқони яхши фаҳмлаганидан ҳар қандай вазиятда ҳам отларни қўлга киритиш вазифаси элчиларга юклайди.

Хитой элчилари Фарғона давлатига етиб келгандан сўнг совғаларни топшириб, асл Фарғона отларидан анчасини сотишни талаб қилади. Ўз-ўзидан маълумки, Фарғона ҳукмдори элчиларнинг таклифини рад этади. Бу ҳақда хитой манбаларидан бири «Тарихий хотиралар»да

---

<sup>86</sup> «Зар от» – ўрда ва ҳарам дарвозаларининг икки томонига қуйиладиган мисдан ясалган от ҳайкаллар (Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 527-бет).

<sup>87</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 508-бет; Бан Гу. Жанг Чян, Ли Гуангли таржиман ҳоли. Ханнома, 457-бет.

ёзилишича, Хитой хоқонлиги ботир ҳарбийлардан бири Чэлинг бошчилигидаги бир турким элчилар юбориб: «Фарғона ҳукмдорининг Эрши шаҳридаги асл отларини сотиб олмақчи бўлади. Лекин Фарғонада Хан хоқонлигининг [Хитойнинг] мол-буюмлари кўп бўлганлигидан, улар мазкур нарсаларга қизиқмайди. Улар ўзаро маслаҳатлашиб, «Хан биздан йироқда, ботқоқзор, сойлиқлар ва хавф-хатарли тўсиқлар бор. У ерлардан ўтишда одамлар ўлиб туради. Шимол билан юрилса ҳунларнинг зиёнкашлигига йўлиқади; жанубда ўт-чўп, сув йўқ. Авваллари юзлаб Хан элчиларнинг кўпи очликдан ўлган. Бундай вазиятда Хан хоқонлиги қандай қилиб катта қўшин юбора олади? Хитойликлар бизни ҳеч нима қилолмайди. Унинг устига Эрши отлари Фарғонанинг асл отлари турса» дейишади. Шунинг учун улар Хитой элчиларига от беришни хохламайди»<sup>88</sup> –деб ёзишади.

Хан хоқонлигининг Фарғонага элчи юбориб, асл отларни талаб қилиши масаласи юзасидан Хитой тарихчилари томонидан ёзилган Шинжонгнинг (Шарқий Туркистоннинг - А.А.) қисқача тарихида бир ҳақиқий гап айтилади: «Хан сулоласининг нияти кўринишда ўша наслик отларни сотиб олиш бўлса-да, лекин унинг асли ғарази ниҳоятда катта эди. У даврда Фарғона ҳукмрон табақаси икки гуруҳга бўлинганди. Бир гуруҳи подшоҳ Угуа (Wu gua)<sup>89</sup> бошчилигида

<sup>88</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 508-бет

<sup>89</sup> Хитой тадқиқотчилари Угуа (Wu gua) номини Уга деб ёзишади.

бўлиб, бу гуруҳ ҳунларга таяниб, Хан сулоласига қарши эди. Яна бир гуруҳ оқсуяк Масай (Mei cai) бошчилигида бўлиб, Хан сулоласига нисбатан яхши позицияда эди. Аммо, уларнинг мавқеи унча зўр бўлмаган. Угуа бошчилигидаги гуруҳнинг Хан сулоласига қарши ҳаракатларига зарба бермаслик, ахир ҳун оқсуякларнинг олдида бош эгиш билан тенг эди-да, Хан сулоласининг Фарбий эллардаги обрўйи ер билан яксон бўлар эди»<sup>90</sup> деб, Хитой хоқонининг ғаразли ҳолда Фарғонанинг ички ишларига аралашиб, уни қўлга келтириш учун ҳаракат қилганлиги кўрсатилади.

Элчилар Хитой хоқонининг мақсадини яхши билганлиги сабабля Хитой дипломатия анъаналарига зид ҳолда иш қилганлиги маълум. Улар жуда мулойим, ақл билан иш кўришнинг ўрнига Фарғона ҳукмдорига от сотиб беришни қатъий талаб қилишади. Элчилар от сотишни хоҳламаган Фарғона ҳукмдорига ҳурматсизлик қилиб, ҳеч бир ийманмасдан, уни сўкади ва «Зар от» ҳайкалини синдириб ташлайди<sup>91</sup>. Албатта, Фарғона ҳукмдорининг қандайдир бир элчи томонидан камситилиши хоннинг ғазабини келтирмаслиги мумкин эмас эди. Аммо, Фарғона подшоси элчиларни ўша заҳотиёқ жазоламасдан оқилона муомала қилган. У элчиларни пойтахтдан чиқариб юбориб Ўзган

---

<sup>90</sup> Чэн Хва, Гўпинг Лянг, Ванг Жилай. Шинжоннинг қисқача тарихи. Т.1, Урумчи, 1984, 54-бет.

<sup>91</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 508-бет; Бан Гу. Жанг Чян, Ли Гуангли таржимаи ҳоли. Ханнома, 458-бет.

(Юченг)<sup>92</sup> ҳокими қўли билан йўқ қилган<sup>93</sup>. Натижада, элчилар Фарғона ҳукмдори томонидан жазоланмасдан, кичик бир ҳоким тарафидан ўлдирилган. Ҳойнаҳой, Хитой хоқони учун элчиларнинг ўлдирилиши эмас, от сотиб берилмаганлигининг ўзигина етарли баҳона эди. Хитой хоқонига кўзлаган истагини амалга ошириш имконияти яратилади. Пировардида, Фарғонага қарши юриш қилишга сабаб топилади.

Ўша пайтда, Фарғонага қарши юриш қилишга ташқи вазият ҳам пишиб етилган эди. Ҳунлар бир неча бор Ханлардан енгилгандан сўнг заифлашиб, узоқ жойларга кўчиб кетишга мажбур бўлган. Ханлар эса отларининг камлигидан ҳунларнинг орқасидан бориб уларни таслим қилдиришга имкон тополмаган давр эди<sup>94</sup>. Хитойликлар Буюк Хитой деворининг ташқарисида Жйучуан вилоятини қуриб, ҳунлар билан чянгларнинг<sup>95</sup> алоқасини узиб қўйган. Натижада улугъюэжи-чянг муносабати тўхтаган<sup>96</sup>. Унинг устига ҳунларнинг

---

<sup>92</sup> Ўзган - Ўзкент ( Юченг- Yu cheng). Хитой манбасида Ўзган шаҳар давлати (Юченг гу- Yu cheng guo яъни Ю давлати) деб ҳам бирилган. Унинг қадимий ўрни қадимшувосларнинг изланишларига кўра, ҳозирги Ўзгандан 10 км масофадаги Шурабашат деб кўрсатилади.

<sup>93</sup> Ўша манбалар.

<sup>94</sup> Си Мачян. Ҳунлар тазкираси. Тарихий хотиралар, 427-бет.

<sup>95</sup> Чянглар - рунг-ди (туркий халқлари аجدодлари)нинг таркибига кирган қадимий кавм. Уларнинг бир қисми тибет миллатининг шаклланишида алоҳида ўрин тутади. Қадимда Хитойнинг Кенгсув (Гансу), Чингхай, Сичиван ўлкаларига кирган ҳудудларда истиқомат қилган.

<sup>96</sup> Бан Гу. Ханнома, 942-бет.

олий қўмондонларидан бўлган Жавсунчинг<sup>97</sup> ўлиши ҳунлар учун катта йўқотиш бўлган. Охир-оқибатда, ҳунларни хитойликларга қарши ҳаракат қилишга куч-мадори қолмаган эди. Хитойликлар Марказий Осиёда олиб борган сиёсати натижасида юзжилар билан муносабат ўрнатилган ва Хитойдан малика олган Усун хонлиги фарғоналикларга қарши чиқиб, Хитойга ёрдам қилиши мумкин эди<sup>98</sup>.

## ХАНЛАРНИНГ ФАРҒОНАГА БИРИНЧИ ЮРИШИ

Фарғонага қарши юриш қилиш учун етарли баҳона топган Хан хоқони Уди ўзининг яхши кўрган хотинининг акаси Ли Гуанглини Фарғона юришига бош қўмондон қилиб тайинлаб, «Эрши сангун» (Эрши шаҳрига қўмондон) деб ном беради. Унга қарам эллардан 6000 чавондоз ва бир неча туман бекорчи безориларни йиғиб бериб, Фарғонага «жазо» юриши қилиш ҳақида фармон берилади. Бундан ташқари уларга озиқ-овқат билан таъминловчилар ва молга қаровчилар қўшилади<sup>99</sup>. Умуман айтганда, Хан сулоласининг дастлабки Фарғона юришга жами неча одам қатнашганлигини ҳисоблаб чиқиш мушкул. Хитой

---

<sup>97</sup> Жавсун Ҳунларнинг шимолга кетиб хитойликларнинг ҳужумидан сақлаб қолган қўмондон (Си Мачян. Ҳунлар тазкираси, Тарихий хотиралар, 423-бет).

<sup>98</sup> Си Мачян. Ҳунлар тазкираси. Тарихий хотиралар, 430-бет.

<sup>99</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар. 509-бет; Бан Гу. Жанг Чян, Ли Гуангли таржимаи ҳоли. Ханнома, 459-бет.

манбаларида доим кам куч билан катта душманни даф қилганлигини кўрсатиш одатдаги ҳол бўлганлигини эътиборга олганда, «бир неча туман» сўзи асосан икки тумандан кўп, беш тумандан кам сонни билдиради. Демак, камида икки-уч туман (20–30 минг)дан кўп безориларнинг лашкарликка тортилганлиги маълум. Унга 6000 чавандозни қўшганда умумий қўшиннинг сони 30–40 мингдан кам бўлмаганлиги аниқланади. Бунга таъминотчиларни ва савдогарларни қўшганда умумий сафарбар қилинган одамларнинг сони 40–50 минг одамдан кўп кишини ташкил қилади. Хитой манбаларидан «Тарихий хотиралар»да Фарғона аҳолисини бир неча юз минг деб кўрсатилса,<sup>100</sup> «Ханнома»да аниқ қилиб, 300 минг аҳолиси бор, аскарликка яроқлиси 60 минг дейилади<sup>101</sup>. Урушда ҳужум қилувчи тараф мудофаа қилувчилардан бир неча ҳисса ортиқ бўлиши шарт эканлигини эътиборга олганда, ҳар томонлама ўйлаб қилинган мазкур юришда Хитой ҳоқони 60 мингдан кам одамни Фарғона юришига сафарбар қилмаслигини фараз қилиш қийин эмас.

Фарғона юришида қўшинга бош қўмондон қилиб Ли Гуангли, ҳарбий суд ишларига Жав Шичинг ҳакам<sup>102</sup> қилиб тайинланади. Илгари

---

<sup>100</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 490-бет.

<sup>101</sup> Бан Гу. Ҳарбий юрт (Қуриқор) тазкираси [I]. Ханнома, 877-бет.

<sup>102</sup> Қўшиннинг ҳарбий суд ишларини бошқарувчи амалдори хитойчада жюун женг (jun zheng) деб ёзилган. Уйғурча таржимада мазкур ҳарбий ҳакамни Ёргучи бег деб берган.

Туркистонга бир неча бор келган «Салтанат беги» Ванг Хузэй<sup>103</sup> қўшин йўлбошчиси қилиб белгиланади. Лиду деган киши Чирикчибек амалида<sup>104</sup> қўшиннинг ҳарбий ишларини бошқаради. Айнан ўша тариқа тайёргарлик тамом бўлгандан сўнг милодаан аввалги 104 йили тарихда машҳур бўлган хитойларнинг Фарғонага юриши бошланади. Хитой қўшинига қарши кураш амалда Фарғонадан тахминан 2000 километрдан олис масофадаги Шарқий Туркистоннинг Лўбнур ўлкасига келиш билан бошланиб кетади<sup>105</sup>.

Хитойлар томонидан жўнатилган қўшиннинг қайси йўл билан юрганлиги ҳақида манба ва адабиётларда аниқ маълумот йўқ. Қўшиннинг Лўбнур кўли атрофида уруш қилганлигига қараганда, Тангритоғнинг жануби билан юрганлиги аниқ. Уруш тафсилотларида қадимий Қашқар (Сулэ яъни Сувли) шаҳрининг тилга олинмаганлигидан эса уларнинг Торим дарёси бўйлаб, ҳозирги Оқсу шаҳар атрофларидан ўтиб, Қашқар шаҳрининг шимоли-шарқ томони билан юриб, Фарғона водисийга етиб борган деб айтишга асос бўлади. Хитой қўшинининг кейинчалик Ўзган (Юченг) шаҳрида қаттиқ қаршиликка йўлиққанлигини ҳисобга олганда ҳам улар Қашқарга кирмасдан шимолга кўтарилиб, Норин дарёси

---

<sup>103</sup> Ванг Хузэй – милод. авв. 108 йили Крурона хонлигига қарши урушда хизмат кўрсатганлиги сабабли «салтанат беги» унвони берилган амалдор.

<sup>104</sup> Чирикчибек амали – Хан сулоласи даврида қўшин қўмондонидан паст даражали амалдор (Си Мачян. Тарихий хотиралар, 523-бет.)

<sup>105</sup> Си Мачян. Тарихий хотиралар, 509-бет.

тармоқлари билан юрганлиги кўринади. Бундан чиқадики, Фарғонага сафар қилган қўшин Шарқий Туркистоннинг ҳозирги Бугур<sup>106</sup>, Қора-шаҳар, Курла, Оқсу, Учтурфан каби шаҳар-қишлоқларининг атрофларидан ўтганлиги маълум. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Фарғонага сафар қилган қўшинга ўша шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолиси қаттиқ қаршилик кўрсатган.

Хитой ёзма манбаларида «Йўл бўйидаги кичик хонликлар ўз шаҳарларини қаттиқ мудофаа қилиб, озиқ-овқат бермаган. Хан қўшинлари ҳужум қилиб шаҳарни ололмаган. Шаҳарни олганлар озиқ-овқатга эга бўлиб, ололмаганлар бир неча кун урушгандан сўнг чекиниб, ўз йўлларини давом қилишга мажбур бўлганлар»<sup>107</sup>— деб ёзилганига қараганда, тажовузчилар кўзлаган шаҳри Эршига етмасдан жанговар ҳарбий қисмининг анчасидан айрилган. Натижада Ўзган шаҳрига фақат бир неча минг лашкари билан етиб келади<sup>108</sup>. Демак, Фарғонага сафар қилинган қўшиннинг асосий кўпчилиги кўзлаган манзилига етиб келмасдан йўлда нобуд бўлади. Йўлда чарчаган, оч қўшин Ўзган шаҳрига ҳужум қилган бўлса-да, ўзганликлар томонидан қаттиқ қаршиликка учраб, катта талафот кўради. Улар Ўзган шаҳрининг ёнидаги мағлубиятдан сўнг, агар ўз

---

<sup>106</sup> Бугур Лунту (ҳозирги хитойча номланиши Лунтай); хитой қўшинларига қаттиқ қаршилик кўрсатган кичик хонлик. Ўрни, Шинжонг Уйғур Мухтар Ўлкасидаги Бугур ноҳиясининг жануби-шарқдаги қадимий шаҳар давлати.

<sup>107</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 509-бет.

<sup>108</sup> Ўша манба.



жонларини қутқазиб тез қочиб қолмаса бутунлай тор-мор бўлишига аниқ кўзлари етади. Бош қўмондон Ли Гуангли қолган-қутган кучларини шонша-пиша йиғиштириб келган жойи Дўнгуанг (Dong huang, Даштота)га қайтиб кетади<sup>109</sup>.

Хитой қўшинининг Фарғонага биринчи юриши икки йил давом этган. Манбада: « [Улар] Дўнгуангга қайтиб келганида қўшиннинг ўндан бир иккисигина қолган. [Ли Гуангли] Хитой хоқонига аҳволни маълум қилади»-деб ёзилган<sup>110</sup>. Демак, мазкур тажовузчилик юришида кам деганда Хитой қўшини 20-30 минг одамидан айрилади. Шунинг учун Хитой қўшинининг мағлубиятидан хабар топган Хан сулоласининг хоқони Уди дарғазаб бўлиб, уларнинг (Фарғона юришида қатнашганларнинг) салбий таъсири давлат ичкарисига тарқалиб кетишидан ҳавотирланган. Шунинг учун хоқон «Юймэн қаъсулидан»<sup>111</sup> киришга журъат қилган сипоҳ беклар-

---

<sup>109</sup> Ўша манба, 510-бет.

<sup>110</sup> Ўша манба.

<sup>111</sup> Юймэн қоровули - ўша даврда Буюк Хитой деворидан Хитой ҳудудига кирадиган, қоровулар турадиган шаҳарча бўлиб, Туркистоннинг шарқий чегараси ҳисобланган (Боровкова Л.А., Запад Центральной Азии во II в. до н.э. - VII в.н.э., М., 1989, 38-бет) Юймэн қадимда қошқувуқ яъни Яшма (нефрит)-қувуқ деб аталган карвон ўтадиган манзилгоҳ бўлиб, ҳозир Гансу ўлкаси Дунхуонг ноҳиясининг шимоли-ғарбига тўғри келади. Қадимда Хўтанган олиб келинган қош (яшма) тошлари мазкур жойдан Хитойга олиб кирилганлиги учун мазкур жой номига «Қош» сўзи қўшилган. «Қувуқ» сўзи қадимий туркий тилда карвонсарой ёки карвон ўтадиган манзилгоҳни билдирган.

нинг калласи олинади» деб, чекинган қўшин биронта одамнинг Буюк Хитой деворининг ичига, яъни Хитойга кирмаслиги ҳақида фармон берган. Қўмондон Ли Гуангли ҳам хоқоннинг газабидан қўрқиб, Дўнгуангда тўхтаб қолади<sup>112</sup>.

Фарғонага жўнатилган қўшин йўл-йўлакай катта-кичик жанглар билан овора бўлиб, ўзларига берилган вазифани бажара олмаган. Диққатга сазовор жойи, ханларнинг ашадий ғаними Хун хоқонлигининг Фарғона юришига қарши бирор ҳаракати сезилмайди. Бунинг сабаби, хитой манбаларидаги маълумотларга асосланганда, Хитой Фарғонага ҳужум уюштирган кезде Хун тангриқути Ўви (милод. авв. 114–104) ўлиб, Хун хонлигининг тахтини шаҳзода Ушилу (милод. авв. 104–102) эгаллайди. У ёш бўлганлигидан «Бола тангриқут» деб ном олади. Ушилунинг Хан сулоласининг Фарғонага юришига халақит бермаганлигининг сабаби мамлакат ичидаги баъзи аҳволлардан хавотирланган бўлиши керак<sup>113</sup>. Унинг устига-устак, ҳунларнинг юртида жуда катта табиий офат юз бериб моллар қирилиб кетган. Натижада, Хун мамлакати ичида зиддиятлар кучайиб, хонга қарши кучлар пайдо бўлади. Уларнинг баъзилари ҳатто, хонни ўлдирмоқчи ҳам бўлади. Хиёнатчилар Хитой билан муносабат боғлаб, таслим бўлишини эълон қилган ва уларга ёрдам қилиб

---

<sup>112</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 510-бет.

<sup>113</sup> Си Мачян. Хунлар тазкираси. Тарихий хотиралар, 432-бет.

қўшин юборишни сўраган.<sup>114</sup> Лекин, Хан сулоласи Фарғона юриши билан банд бўлганлигидан ҳунлар ичида юз берган келишмовчиликдан фойдаланиб, уларга зарба бериш имконини топа олмаган.

Хитой хоқонлиги Фарғона юришининг мағлубияти қаттиқ саросимага солиб қўяди. Чунки, хитойликларнинг мағлубияти ҳунлар ҳаракатини жонлантириб қўйиши табиий ҳол эди. Шу сабабли Хитой хоқони исёнкор ҳунларни қўллаб-қуватлаш учун шоша-пиша ўша йили ёзда қўшин жўнатади. Аммо, сотқинларни жазолашга муваффақ бўлган Ушилу тангриқут милодаан аввалги 103 йили Хан сулоласи томонидан юборилган 20 минг қўшинни тор-мор қилади<sup>115</sup>.

Хитойда Фарғона юриши оварагарчилиги билан, туб душмани ҳунлардан мағлуб бўла бошлаганлиги сабабли амалдор ва қўмондонлар хавфсирашади. Улар Фарғона масаласини четга суриб қўйиб, ҳунларга қарши жиддий тайёргарлик қилишлари кераклигини айтиб, хоқонга қатъий талаб билан чиқадилар. Аммо, хоқон Уди тез орада яна қайтадан Фарғонага юриш қилишга бутун мамлакатни сафарбар қилиш ҳақида аллақачон буйруқ бериб бўлган эди. Ҳатто, бир

---

<sup>114</sup> Си Мачян. Ҳунлар тазкираси. Тарихий хотиралар, 433-бет.

<sup>115</sup> Хан сулоласининг хоқони ўша пайтда қулай имкониятдан фойдаланмай қолган бўлса керак, келаси йили (милод. авв. 103 йили) 20 минг қўшин юборади. Аммо, қилинмоқчи бўлган суиқасд фож бўлиб, Хитой армияси тор-мор этилади (Си Мачян. Ҳунлар тазкираси, 433-434-бетлар)

бўлим ҳарбий қисмлар давлат ичкарасидан йўлга ҳам чиқиб улгурган эди. Хитой хоқони Удининг Фарғона юришининг мағлубиятига қандай фикрда бўлганлиги тўғрисида манбада: «У Фарғонадек кичик мамлакатни бўйсундира олмасак, Бақтрия атрофидаги давлатлар яна ҳам Хан сулоласини менсинмай қўяди. Усун, Бугур<sup>116</sup> эллари ҳам Хан сулоласини назарга илмас бўлиб олади. Чет элликларнинг олдида масхара бўламиз деб, ўйлар эди»<sup>117</sup> деган гаплар ёзилган. Шу боис Уди Фарғона юришига жиддий қаршилик қилган Денг Гуанг кабиларни жазолаган<sup>118</sup>. Мазкур Хитой хоқони кўз қарашларининг хитой манбасида очиқ-ойдин ёзилишининг сабаби, у ўзининг орзу, обрўйига путур етказмаслик учун қатъий бел боғлаганини кўриб олиш қийин эмас. Шунга кўра, хоқон Фарғона юришига тўсқинлик қилиб қўймаслиги учун ҳатто ҳунлар билан уруш қиламиз деганларни ҳам жазолаб, сафардан қайтиб келган кучларни тезда қайтадан Фарғонага отлантиришга жиддий ҳаракат қилади.

## ХАНЛАРНИНГ ФАРҒОНАГА ИККИНЧИ ЮРИШИ

Хоқон Удининг фармониغا мувофиқ, бутун Хитой оёққа турғизилади. Жуда зудлик билан

---

<sup>116</sup> Бугур – Шарқий Туркистоннинг қадимий хонликларидан бири. Ҳозир ҳам ўша номда шаҳар мавжуд.

<sup>117</sup> Бан Гу. Жанг Чян, Ли Гуангли таржимаи ҳоли. Ханнома, 460-бет.

<sup>118</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 511-бет.

уруш тайёргарлиги олиб борилиб, зиндондаги оғир жиноятчилар ҳам лашкарликка олинади. Бекорчи ёшлар, чегарадаги чавандозлардан қўшин ташкил қилинади. Сабаби улар ўлжа олиш йўлида раҳм-шафқатни билмайдиган, ўлимдан қўрқмай-диган, шиддат билан жангга кира оладиганлар эди. Хуллас, бир йилга етар-етмасдан фақат Даштотадан 60 минг одам йўлга чиқади. Ҳарбий таъминот билан шуғулланадиган, озиқ-овқат ташувчилар ва қўшин билан эргашиб савдо-сотик билан машғул бўладиганлар юқоридаги қўшин сонига кирмас эди<sup>119</sup>.

Иккинчи марта Фарғонага қарши юриш қилган қўшин таъминотига биринчи бор ҳужум тажрибаси асосида алоҳида эътибор берилади. Қўшин билан бирга 100 минг қорамол, 30 минг жанг отидан ташқари озиқ-овқат ортилган туя, эшак, хачирларнинг ўзигина 10 мингга етар эди. Хитойнинг ҳамма жойларидан керакли нарсалар ташиб олиб келинган. Қўшинда фақат шу каби қўшимча таъминот ишлари билан машғул бўладиган «черикчи бек»<sup>120</sup> деб номланадиган катта амалдорларнинг сони 50 дан ортиқ одамни ташкил қилган<sup>121</sup>. Демак, Фарғонага жўнатилган

<sup>119</sup> Бан Гу. Жанг Чян, Ли Гуангли таржимаи ҳоли. Ханнома, 461-бет.

<sup>120</sup> Черикчи бек – қўшин қўмондонидан пасроқ бир ҳарбий амал бўлиб, манба матнига қараганда қўшинни ҳар томонлама таъминлашда иш олиб борадиган катта амалдорлардан эди (Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 523-бет; Бан Гу. Жанг Чян, Ли Гуангли таржимаи ҳоли. Ханнома, 461-бет).

<sup>121</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 511-бет.

қўшига нисбатан унинг таъминотчиларининг сони бир неча бор кўп бўлгани аниқ бўлади.

Фарғона юришининг орқа сафи хавфсизлигини таъминлаш юзасидан Буюк Хитой деворининг ташқарисида бир нечта ноҳиялар ташкил этилиб<sup>122</sup>, 180 минг кишилик чегара қўшини турғизилган<sup>123</sup>. Натижада, Фарғона юриши муносабати билан 240 минг кишилик қўшин сафарбарликка келтирилган. Шунинг билан бирга 7 хил ҳар турли табақадаги ҳарбий хизмат мажбуриятини бажаришга тегишли одамлар<sup>124</sup> ва озиқ-овқат ташувчи ходимлар Хитойдан Даштот-агача бўлган масофада тиним топмасдан қатнаб турар эди<sup>125</sup>. Қўшин Хитойдан узоқлашган сари у билан муносабатни узиб қўймаслик учун барча тадбирлар кўрилганлиги маълум.

Фарғонага жўнатилган қўшин ва у билан бирга қўшилиб борган одамларнинг умумий сони одатдан ташқари кўп эканлиги манбаларда алоҳида таъкидланади. Ҳар ҳолда мазкур кўрсатилган сон Хитой аъъанасига кўра муболаға қилинмаган бўлиши керак. Зеро, Хитойга нисбатан

---

<sup>122</sup> Жючуан (Цзю Цюань) ва Жанг ие (Чжан е) деган вилоятларнинг шимолида, хунлардан тортиб олинган ҳудудларда, Жуян ва Шутуқ каби жойлар таъсис қилинган (Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 511-бет).

<sup>123</sup> Бан Гу. Ли Гуангли таржимаи ҳоли. Ханнома, 461-бет.

<sup>124</sup> 7 хил одамлар – жиноят ўтказган амалдорлар, қочқинлар, ичкүүв (хитойларга куёв бўлганлар бўлса керак), савдогарлар, бузғунчилар, савдогарларнинг болалари, савдогарларнинг невараларидан иборатдир (Бан Гу. Ли Гуангли таржимаи ҳоли. Ханнома, 472-бет).

<sup>125</sup> Бан Гу. Ли Гуангли таржимаи ҳоли. Ханнома, 461-бет.

жудаям кичик Фарғона давлатига улкан қўшин билан борганлигини айтиш Хитой қўшинининг салобатига даҳли бўладиганлигини манба муаллифлари яхши билар эди. Шу боис улар иложи борича қўшин сонини кам кўрсатишга ҳаракат қилган бўлишлари керак. Амалда, кўрсатилган қўшин сонининг ўзи Фарбдаги элларга даҳшат солган. Шунга кўра Хитойга муқобил тура оладиган ҳунлар ҳам Хитой қўшинининг ҳайбатини кўриб уруш қилишга ботинолмаган бўлиши керак. Ҳар ҳолда 100 мингдан кўп одам билан Фарғонадай мамлакатга қарши юриш қилиниши ўша замонда жуда катта бир воқеа эди.

Фарғонага юриш олдидан йўл қийинчиликлари ҳисобга олиниши билан бирга унинг пойтахти Эрши шаҳрини тезда қўлга киритиш режаси кўрилади. Чунончи, аввало шаҳарнинг мустаҳкам девор билан қуршалганлиги кўзда тутилиб, қалъа ичидагиларни сув манбаларидан маҳрум қилиш режаланади. Шу боис сув иншоотлари буйича мутахассислар сафарга бирга олиб кетилган. Ҳатто, ғалабадан сўнг Фарғона отларини танлаб олишга иккита от устасини бирга олиб кетишни ҳам эсларидан чиқармаган<sup>126</sup>.

Хитой хоқони Усун хонлигига алоҳида элчи юбориб, Фарғонага қарши юриш қилган Хитой қўшинига ёрдам беришни илтимос қилади. Бу илтимосга кўра Усун хонлиги ўз қўшини билан Фарғонага ҳужум қилиши керак эди<sup>127</sup>.

---

<sup>126</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 511-бет.

<sup>127</sup> Ўша манба, 515-бет.

Айнан ўша тариқада катта тайёргарлик билан сафарга отланган улкан қўшиннинг ўзларига қарши келаётганлигини эшитган шаҳар-қишлоқлар бошда қаршилиқ қилмасдан, қўшинга керакли озиқ-овқат билан кучларининг етишича таъминлашга мажбур бўладилар. Аммо, Бугур хонлигига келганда биринчи қаттиқ қаршилиқ кўрсатилади. Фарғонага юриш қилганлар ҳали чарчамаган, кучкуватидан кетмаган ҳолда, кичик бир хонлиқнинг қаршилиги туфайли икки кун ушланиб қолади. Таслим бўлишни хоҳламаган шаҳар аҳолиси ва аскарлари қириб ташланади<sup>128</sup>.

Хитой манбаларида ёзилишича, Хитой қўшини озиқ-овқатдан қийналмаган. Бугурдан бошқа ҳамма жойда аҳоли қаршилиқ кўрсатмасдан хитойликларни яхши кутиб олган. Аммо, «қаршилиқка учрамаган қўшиннинг» фақат Фарғонанинг маркази Эрши шаҳрига 30 минг Хитой лашкари етиб келган.<sup>129</sup> Яъни, сафарбар қилинган Хитой қўшинининг фақат ярмигина кўзланган қароргоҳга етиб келган, яна бир бўлагининг қаерга кетганлиги айтилмайди. Бугурда шунча одамнинг талафот кўрганлиги ақлга сиғмайди. Ундай бўлса ўша давр сиёсатига мослаштирилган хитой манбасида, яъни Си Мачяннинг «Тарихий хотиралар»ида баъзи масалалар айтилмай кетилган.

«Тарихий хотиралар»дан 180 йил кейин ёзилган Бан Гунинг «Ханнома» асарида ўша масала юзасидан қисман ўхшамасликлар мавжуд. «Тарихий хотиралар»да Фарғона юришига бош

<sup>128</sup> Бан Гу. Ли Гуангли таржимаи ҳоли. Ханнома, 462-бет.

<sup>129</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 512-бет.



бўлган қўмондон Ли Гуангли Эрши шаҳрига етмасдан олдин Ўзган шаҳрига ҳужум қилмоқчи бўлади. Аммо, у вақтнинг чўзилиб кетишидан ва фарғоналикларнинг ҳийла ишлатиб қолишидан қўрқиб, ўз ниятидан қайтганлиги айтилади<sup>130</sup>. Бан Гу ўз асарида Ли Гуанглининг Ўзган шаҳрига ҳужум қилганлигини, лекин ололмагандан сўнг вақтнинг чўзилиб кетишидан ва фарғоналикларнинг ҳийла ишлатиб қолишидан қўрқиб аввал Фарғонага, яъни Эрши шаҳрига ҳужум қилиш қарорига келганлигини айтади<sup>131</sup>. Бан Гу «Тархий хотиралар» муаллифи Си Мачянинг таржима ҳолини ёзган, унинг даълат сиёсатига қарши ҳунарларга таслим бўлган қўмондонининг тарафини олиб гапирганлиги учун жазоланганлигини билд туриб, «Тарихий хотиралар» мазмунига аниқлик киргизишга журъат қилган. Албатта, у асосли далили бўлмаса бу ишни қила олмаган бўлар эди. Демак, Ли Гуангли Ўзган шаҳрига ҳужум қилмаганида Бан Гу бу ҳақда ёзмаган бўлар эди. Ўзганда Фарғонага юриш қилган қўшин кучли қаршиликка дуч келган ва маълум даражада чиқим ҳам тортган. Айнан ўша тариқа таҳлил қилганда, улар Бугур шаҳридан ўтгандан кейин то Эрши шаҳрига боргунча ҳам катта-кичик қаршиликка йўлиққан. Натижада, хитой манбасида айтилган 60 минг лашкарнинг фақат 30 мингги омон-эсон Эршига етиб бора олган бўлишлари мумкин.

---

<sup>130</sup> Ўша манба.

<sup>131</sup> Бан Гу. Жаанг Чян, Ли Гуангли таржиман ҳоли. Хавнома, 462-бет.

«Тарихий хотиралар»даги маълумотларнинг «Ханнома»га мослашмаганлиги тасодифдан ёзилиб қолиш оқибатида бўлмаса керак. Ҳар иккала асарни ёзган муаллифлар Хитой қўшинининг донгини кўтариб, унинг обрўйини ўстириш учун ҳаракат қилган. Улар катта қўшиннинг дабдабали юришини кўрган кичик хонликлар қўрқиб, Хитой қўшинига қаршилик қилмаганлигини ёзади. Шунинг билан бирга, хитой тарихчилари сафарбар қилинган қўшиннинг кўзлаган манзилга фақат ярмигина етиб келганлигини ёзиб, хитойликларнинг кучли қўшини катта талафот кўрганлигини кўрсатади. Аммо, улар ўз даврининг сиёсий вазиятига мослашган ҳолда қўшин жуда кўп қон тўкиш эвазига Эрши шаҳрига етиб келганлиги ҳақидаги ҳақиқатни очиқ ёзолмаган. Фақат, маълум далиллар билан тарихга тўғри ишора қилиб кетган. Шунингдек, Си Мачян Ўзган шаҳрининг қаттиқ қаршилик кўрсатганлигини айтолмасдан, қўмондоннинг ўйи тариқасида воқеани тасвирлаб кетган. Бан Гу эса ҳақиқий тарихни юзага чиқариш мақсадида силаб-сийпаб ўтиб кетган бўлиши керак. Ҳар ҳолда биз мазкур тарихчилар ёрдамида Фарғонага сафарбар қилинган қўшиннинг Эрши шаҳрига етиб келгунига қадар жуда катта кучидан айрилганлигини билиб оламиз.

## **ФАРҒОНАЛИКЛАРНИНГ ҚАҲРАМОНЛИК КУРАШЛАРИ**

**Эрши шаҳрига келган Хитой қўшинига фарғоналиклар жанг билан шаҳар деворидан**

чиқиб қаршилик кўрсатган. Аммо, уларни хитойликлар олисга отиладиган ўқ-ёйлари билан яқин келтирмайди. Хитойликлар биринчи кунидеъ, аввалдан мўлжаллаган режага асосан, шаҳарга кирадиган сув йўлини ўзгартириб, сув йўли орқали лаҳма кавлаб ҳужум қила бошлаганлар. Хитойнинг уруш таржибасига бой, ҳарбий мунтазам тарбия кўрган, ўша даврнинг илғор қуроли билан қуролланган қўшинига қарши туриш қийин эди. Шундай аҳволда шаҳарликлар жуда оғир вазиятга тушиб қолишига қарамай, тезда қудуқ қазиб, сув чиқариб, қаршилик кўрсата бошлаганлар.

Манбаларда Эрши шаҳрини муҳофаза қилувчиларнинг неча одам эканлиги айтилмайди. Фарғонанинг пойтахти Эрши шаҳри ўша даврда унча катта шаҳар бўлмаган. Шу сабабли шаҳар ичида сон жиҳатидан Хитой қўшинига тенг лашкари бўлганлиги амри маҳолдир. Аммо, улар жонжаҳди билан қаршилик қилганлигидан тезда шаҳарни тинчитишни мўлжаллаган хитойликлар шаҳарга киролмасдан бир ойдан кўп туриб қолади<sup>132</sup>. Хитой қўшини шаҳарни ололмай узоқ ушланиб қолганлигидан уларда таъминот масаласида қийинчиликлар келиб чиқа бошлаганлиги табиий ҳолдир. Бунинг аксича, фарғоналикларнинг озиқ-овқат ва сувдан қисилганлиги тўғрисида ҳеч қандай дарак йўқ эди. Унинг устига ҳунлар Хитой қўшинини орқа сафдан узиб қўйиши, Қангқа хонлиги ёрдамга келиб қолиши

<sup>132</sup> Бан Гу Фарғона қамали 40 неча кун чўзилганлигини айтади (Бан Гу. Жанг Чян, Ли Гуангли таржимаи ҳоли. Ханнома, 462-бет).

мумкин эди. Шу сабабдан Хитой қўшини жуда ташвишда қолган.

Аслида қангқаликлар Фарғонага тезда ёрдамга келиши керак эди. Бироқ уларнинг қандайдир бир сабаб билан ёрдамга келишга шошилмаганлиги маълум. Хитой манбаларида Хитой қўшинининг кучлилигини кўриб, қўрққанлигидан урушга қатнашишга ботинолмайдиган деб кўрсатилади<sup>133</sup>. Амалиётда эса улар пайт пойлаб, урушнинг натижасига қараб иш кўришни ўзларига эп кўрган бўлишлари керак. «Ханнома»да ёзилишича, Хан қўшини 40 кундан кўп Эрши шаҳрини қамал қилиб, ҳужум қилиб турган<sup>134</sup>. Урушнинг чўзилиши билан Фарғоналикларнинг ҳушёрлиги сусайганлигиданми ё қандайдир бир сабаб билан хитойликлар шаҳарнинг ташқи деворини бузиб киришга имкон топади. Фарғоналиклар асосий кучини ичкари шаҳарга олиб киришга улгуради. Улар жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатиб, душманга катта талафот келтиради. Урушга Фарғона зодагонлари ва катта қўмондонлар ҳам бевосита қатнашади. Натижада Фарғона аслзодаларидан бўлган паҳлавон Жонбей хитойликларга асирга тушиб қолади.<sup>135</sup> Мазкур урушда фарғоналиклар авчаги ва талафот кўрган бўлишлари ҳам мумкин. Бундан фойдаланган хитой хайрхоҳлари ватанпарварларга қарши чиқиши натижасида маълум даражада улар ўртасида низо пайдо бўлганлиги эҳтимолдан йироқ эмас.

---

<sup>133</sup> Бан Гу. Жанг Чэн, Ли Гуангли таржимаи ҳоли. Ханнома, 463-бет.

<sup>134</sup> Ўша манба 462-бет.

<sup>135</sup> Ўша манба,

Хитой манбаларида берилган маълумотлар тафсилга қараганда, фарғоналиклар иккига бўлиниб қолган бўлсалар-да, таслим бўлишни ҳар иккала томон ўзларига раво кўрмаган. Аммо, уларнинг ичида келишим қилиб, Хитой қамалидан қутулиб кетишни ўйлаганлар чиққан бўлиши керак. Мазкур масала юзасидан хитой манбаларида ёзилган маълумотлар Хан сулоласининг манфаатини ёки Фарғонага юборилган амалдорларнинг тарафини олиб ёзилган. Шунинг учун амалиётга уйғун келмайдиган, балким амалдорлар томонидан ўйлаб топилган сўзлар ёзилиб қолган ҳам бўлиши мумкин.

«Тарихий хотиралар»да хитойликлар томонидан шаҳарнинг ташқи девори олингандан сўнг: «Фарғона аслзодалари ўзаро кенгашиб, «Ханликлар ҳужум қилаётганининг сабаби шудурки, хоқон Уга (Угуа) «тулпор»ларини яшириб қўйиб, элчиларни ўлдирганлигидандир. Биз хонни ўлдириб «тулпор»ларни чиқариб берсак, Хан қўшинлари қуршовни бўшатиши мумкин. Агар қуршовни бўшатмаса, яна бир марта қаттиқ жанг қилишга ҳам улғурамиз дедилар. Фарғона аслзодалари буни тўғри топишди ва биргаликда хон Угани ўлдирди»<sup>136</sup> деган гаплар ёзилган.

Қизиғи шундаки, хитойликларнинг талабини билмасдан туриб, қандай қилиб фарғоналиклар уруш вақтида ҳукмдорларини ўлдириб, бошини хитойликларга чиқариб бериши мумкин? Хонни ўлдиргандан сўнг улар ўртасида бирлик қола-

<sup>136</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 512-513-бетлар.

дими? Мабодо, хитойликлар рози бўлмасдан уруш қилишга мажбур бўлсалар, фарғоналикларга ким бош бўлади? Бу ғалаба қилишдан умид узмаган, қаҳрамонлик билан кураш қилаётган халқнинг гапи эмас. Демак, хитой манбаларида ҳақиқий гап айтилмаган. Ундай бўлса унинг сабаби нима? деган савол тадқиқотчиларни ўйлантириб келган масалаларнинг биридир.

Хитой манбаларида фарғоналикларнинг ўз-аро кенгашиб ҳукмдорни ўлдириши ҳақидаги маълумот Фарғонага юриш қилган амалдорларнинг Хитой ҳоқонига берган ахборотидан олинган. Хитой ҳоқонига жўнатилган ахборотда уруш тафсилоти ўзи айти берилмасдан ўзгартирилган бўлиши мумкин. Сабаби, Фарғона сафарининг қўмондони Ли Гуангли биринчи юришида мағлуб бўлиб, иккинчи юришида ҳам тўлиқ ғалаба билан, яъни Эрши шаҳрини ололмасдан қайтса ўз бошининг кетишидан қўрққан бўлиши табиий. Хитой тарихида амалдорларнинг вазифасини бажармаганлиги учун ўлим жазосига ҳукм қилинганлиги тўғрисида мисоллар кўп топилади. Машҳур Хитой элчиси, дипломат Жанг Чян ҳам қўмондон қилиб тайинланиб, хунлар билан уруш қилишга белгиланган жойга вақтида етиб келолмаганлиги сабабли ўлим жазосига тортилган эди<sup>137</sup>. Буни яхши биладиган Ли Гуангли ва унинг сафдошлари ахборотни ҳар томонлама ўйлаб ёзганлиги ҳеч кимни ажаблантирмаса керак. Ли Гуангли уруш чўзилиб кетиб, озиқ-овқатдан қийналиб заифлаш-

---

<sup>137</sup> Бан Гу. Жанг Чян, Ли Гуангли таржимаи ҳоли. Ханнома, 450-бет.

ган пайтида Қангқа хонлигининг қўшинисига ёрдамга келиб қолишидан ташвишланганлиги аниқ. Шаҳарнинг ташқи деворини бузиб киришда Хитой қўшинлари катта талафот кўрган, бўлмаса шаҳарнинг Аркига кучли қурол-аслаҳалари билан бостириб кирган бўлар эди. Яъни, Ли Гуангли куч қуввати бўлганида ёки бир-икки кунда шаҳарни ~~жаэман~~ қўлга киритиш ишончи бўлганида, қатъий талаб билан фарғоналикларни таслим бўлишга чақирган бўлар эди.

Хитой манбаларидаги маълумотларга назар солинса, ҳақиқий воқеа бошқача бўлганлиги билинади. Эрши шаҳрини тез орада қўлга олишга хитойликларнинг кўзи етмаган. Шунинг учун Ли Гуанглининг ўзи биринчи бўлиб «агар фарғоналиклар ҳукмдорининг бошини ва асл отлардан чиқариб берса ва озиқ-овқат билан таъминласа қайтиб кетажаклигини» айтиб аллақачон ваъда қилган бўлиши керак. Хитой тарихидан хабардорлар биладики, Ли Гуангли Хитой хоқоннинг фармонисиз ўзбошимчалик қилиб, ҳеч вақт бундай таклифни беролмайди. Шунинг учун у фарғоналиклар рози бўлса, Эрши шаҳрини олмасдан туриб, қайтиб кетиши ҳақида таклиф берганлигини яшириб Хитой хоқонига ахборот берган. У ахборот берганида ўз бошидан қўрқиб, ҳар бир жумла эмас, ҳар бир сўзни ўйлаб ёзганлигига шуҳба қилмаса ҳам бўлади. Балким, бошда хитойликларнинг таклифини фарғоналиклар ўзларига раво кўрмаган бўлишлари керак. Аммо, Хитой қўшинлари тўсатдан ташқи деворни бузиб кирганда, Фарғона ҳукмдори ўз ажали билан ёки урушда қазо қилган бўлса керак.

Қамалда қолганларнинг ичида Хитойга ихлосманда бўлганлар ёки Ли Гуангли томонидан берилган қандайдир ваъдаларга ишонганлар, хитойликларнинг шартига биноан ўлган ҳукмдорнинг бошини беришга рози бўлганлигини хабар қилган бўлса ажаб эмас.

Бу ҳусусда хитой манбаларида: «Аслзодалар хоннинг қалласини кўтариб келиб, Эрши сангун<sup>138</sup> билан кўришди ва шарт қўйиб, "Хан кўшинлари бизга ҳужум қилмасин! Биз асл отларни чиқариб берамиз. Ўзинглар ташлаб олгусизлар ҳамда озиқ-овқат билан таъминлаймиз. Агар гапимизга қирмасанглар, буткул «тулпор»ларни ўлдириб ташлаймиз. Қангқадан келадиган кўшин ҳам келиш олдидан турибди. Улар етиб келиши ҳамон, бизнинг кўшинларимиз ички томондан, Қангқа кўшинлари ташқаридан Хан кўшинларига ҳужум қилади. Қайси бирида турасизлар? деди»<sup>139</sup> деб шарт қўйилганлиги ёзилади. Бунда шундай шарт қўйилганки, фарғоналиклар жиддий қаршилиқ кўрсатишини тўхтатмаслигини, агар казият тақозо қилса, «тулпор»ларни қириб ташлашини, уруш яна чўзилса Қангқа хонлиги билан биргаликда Хитой кўшинларини тор-мор қилиши мумкинлигини айтиб, тажовузчиларга дўқ қилган. Мазкур гаплар орқали фарғоналиклар Хитой кўшинларининг иккита заиф томонини, яъни

---

<sup>138</sup> Ли Гуангли Эрши шахрига юриш қилган боти кўмондон бўлганлигидан уни хитой манбаларида «Эрши сангун» («Эрши юришининг кўмондони»)деб атаган.

<sup>139</sup> Си Мачян. Фарғона таърихи. Тарихий хотиралар, 513-бет.



уларнинг кучи пасайганлигини, Қанғадан озгина ёрдам олса Хитой қўшинини мағлуб қилиши мумкинлигини айтиб қўрқитса, иккинчи томондан уларнинг озиқ-овқатдан қийналиб қолганлигига шама қилганлигини кўрсатган. Уруш қилиб ўзимизни кўрсатамиз деб хат ёзган, ғалабадан умидини узмаган Эрши шаҳридагилар, хитойликларнинг шартисиз ҳукмдорнинг бошини кесиб ғанимига бериши, тарихий ҳақиқат эмаслиги кўриниб турган нарсадир.

Марказий осиеликлар ўз хонларини ҳадрлаган ва жангда жуда усталик билан ҳийла-найранг ишлатиб, катта ва кучли душман устидан ғалаба қилишни биладиган халқларнинг бири бўлганлиги маълум. Шунинг учун фарғоналикларнинг ҳам ҳукмдорини ҳурмат қилиш ва унга садоқатли бўлишдай қадимий анъанага риоя қилмаслиги мумкин эмас.

Ҳар ҳолда хитойликларнинг Фарғона ҳукмдорнинг бошини топшириб олганлиги тарихий ҳақиқат бўлса керак. Бунга эътироз қилишга ҳеч бир асосимиз ҳам йўқ. Агар, Хитой қўмондони жосус ёки хоинлар ёрдамида Фарғона ҳукмдорининг бошини олдириб келган бўлса уни хоқон Удидан яширмаган бўлар эди. Бундан бошқа ҳолларнинг юз бериши ҳам мумкин. Масалан:

1)Хитой ихлосмандлари билан ватанпарварлар ўртасида жанг бўлиб, хитой ихлосмандлари томонидан Фарғона ҳукмдори ўлдирилган бўлса, хитой ихлосмандлари ҳукмдорнинг бошини топширган бўлиши мумкин. Бироқ бундай аҳвол юз берганда хитойликлар ундан албетта хабар топган ва уни яширмасдан айтган бўлар эди.

2) Бошқа одамнинг бошини фарғоналиклар ҳукмдорнинг боши деб, хитойликларга топширган бўлганларида бу албатта кейинчалик фош бўлган бўлар эди. Ҳеч қандай манбада бунга оид маълумот йўқлигидан бу ҳақда ҳам бирор гап айтишга ҳаққимиз йўқ. Шунини қатъий айтишимиз мумкинки, фарғоналиклар хитойликларнинг таълабисиз ўлган ҳукмдорнинг бошини ҳам топшириб бериши ҳақиқатга тўғри келмайди. Бу ҳолда, Фарғонага таҳдид солиб турганлар (хитойликлар) ганимининг ўз ҳукмдорини ўлдирганлигини эшитган заҳотиёқ ҳужум қилиб, Фарғонани тор-мор қилган бўлар эди. Зеро, ҳукмдорини ўлдирган давлат ичида бирлик бўлмаганлигидан душманлар ундан зудлик билан фойдаланиб қолар эди. Ҳойнаҳой, «ҳукмдорини ўлдириб бирлиги бузилган» давлатка Ли Гуангли ҳужум қилолмаган. Сабаби, умуман Фарғона давлати ичида иттифоқнинг бузилганлиги тўғрисида гумон ҳам Ли Гуанглининг бошига келмаган бўлиши керак. Унинг аксича, фарғоналиклар ҳукмдорнинг калласини топширар экан, хитойликларга қатъий шарт қўйган.

Хитой қўшини фарғоналиклар қўйган шартдан, улар оқим сувдан маҳрум қилинганлиги билан сувдан сиқилмаганлигини, озиқ-овқат билан таъминлаймиз деганига қараб, шаҳарда ғалланинг кўнчилигини билади. Бинобарин, 40 кунлик қамалдан кейин ҳам фарғоналикларнинг узоқ муддатли қуршовга бардош бериши ойдин бўлиб қолган. Хитойликлар Эрши шаҳрининг ички деворини бузиб киришга мадори қолмаганлигидан яна бир марта қаттиқ ҳужум қилол-

маган. Қолаверса бошда тез тамомланиши режа-  
ланган уруш чўзилиб кетган эди. Хитой қўшинига  
фақат Фарғонанинг пойтахти Эрши шахрининг  
ташқи деворини бузиб киришга имкон бўлади.  
Кунлар ўтиши билан Хитой қўшинининг ички  
томонида ҳам ҳар хил қийинчиликлар чиқа  
бошлаганлиги эҳтимолдан холи эмас. Бу аҳволни  
қангқаликлар билиб қолса тез етиб келишидан  
хавотир олган Ли Гуангли амалдорлари билан  
маслаҳатлашиб, қайтиб кетишга таваккал қилади.  
Улар қолган қўшинини соғ-саломат қайтариб олиб  
кета олса шунинг ўзи ҳам ғанимат экан-лигини  
ҳис қилишади. Шунинг учун вазиятни ҳисобга  
олиб, озгина бўлса-да, эришган ютуғини кўриб,  
балким Хитой хоқони кечирим қилар деган умид  
билан қайтишади.

Иккинчи томондан олганда, биз Угуанинг  
ўлдирилганлиги ҳақидаги хабарни хитой манба-  
ларидан биламиз. Мазкур маълумотни ёзган  
муаллифлар ҳам, ўша давр сиёсий вазиятига кўра,  
Хитой хоқонининг ва қўшинининг обрўйини ерга  
урмасдан иш кўришга мажбур эдилар. Шу  
боисдан Ли Гуангли берган маълумотнинг нотўғри  
эканлигини билсаларда, уни ўзгартиб ёзишга  
ҳақлари бўлмаган. Мазкур саҳифанинг муаллифи  
Си Мачяннинг ўзи ҳам ҳунларга таслим бўлган  
қўмондоннинг ёнини олганлиги учун қамоққа  
олинган<sup>140</sup>. У машҳур асари "Тарихий хотира-  
лар"ни қамоқхонада ҳам ёзган<sup>141</sup>.

---

<sup>140</sup> «Ханнома»нинг Си Мачян ҳақидаги бўлимида кам куч  
билан ҳунларга катта талафот келтирган ва кейин ёрдам  
берилмаганлигидан мажбурий ҳунлар қўлига тушиб  
қолган қўмондон Ли Лингни мақтаб гапирганлиги учун

Тарихий ҳақиқатни айтганда, Хитойдек катта мамлакат, бутун қўшинни сафарбар қилиб, кичик бир мамлакатни енголмасдан, ўзларининг яна бир марта мағлуб бўлишидан хавотир олган. Уларнинг фарғоналиклар қўйган шартни қабул қилмасдан иложиси бўлмай қолади. Амалиётда бу уларнинг иккинчи марта Фарғонага қилган тажовузчилик юришининг мағлубияти бўлган.

Хитойликларнинг Усун хонини Фарғонага қарши ҳаракатларда иштирок қилдириш режаси усунликларнинг ўйлаб иш тутиши билан барбод бўлади. Усун хони дипломатия юзасидан ўзларини Фарғона юришида Хитой билан иттифоқчи эл қилиб кўрсатиб, амалда бетараф ҳолда турган. Атиги 2000 аскар чиқаргандай бўлса-да урушга қатнашмаган. Манбада улар «иккиланиб олға босмади»<sup>142</sup>—деб айтилади. Аслида, хитой манбаларида айтилишича, улар Хитой билан борди-келди қилиб, қуюқ муносабатда бўлиб, Хитойнинг катта мамлакат эканлигини билган, бир боласини гаровга қўйиб бўйсунган хонлик эди. Ҳатто, улар қудалашиб Хитойнинг куёви ҳам бўлган. Аммо, Усун хонлигининг Фарғона юришида бевосита қатнашмасдан, юзаки иш қилиб, Хитойнинг таклифини ҳам ўринламаганлиги уларнинг мустақил сиёсат олиб борганлигидан

---

зидонга ташланиб, ахта қилинганлиги, Си Мачянинг жуда қаттиқ руҳий ва жисмоний эзилганлиги ёзилади (Бан Гу. Си Мачянинг таржимаи ҳоли. Ханнома, 475–478-бетлар.)

<sup>141</sup> Си Мачян. Тарихий хотиралар. Урумчи, 9-бет.

<sup>142</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 515-бет.

дарак беради. Улар амалиётда, хитой манбаларида айтилганидай, қарам мамлакат бўлиб қолмасдан, ўз манфаати юзасидан Хитой билан иттифоқдош бўлганлигини кўрсатади.

Хитой манбаси «Ханнома» маълумотига асосланганда, Усун хонлиги Хитойнинг ғарбидаги мамлакатларнинг энг кучлиларидан бири эди. Унинг аҳолиси 630 минг одам бўлиб, 188 минг 800 нафар аскарлари бор эди<sup>143</sup>. Шунга қарамай Усун хонлиги Фарғонага қарши нима учун хитойликлар билан бирга урушишдан бош тортди? Қолаверса, Фарғонани ўзи ҳам босиб олишга кучи етадиган мамлакат бўла туриб, нима учун унга қарши ҳаракат қилмаган, деган савол туғилиши табиийдир. Манба маълумотларига асосланганда, Фарғона давлати фақат Усун хонлиги билан ўзаро яхши муносабатда бўлиб қолмасдан, балки Қанғқа, Бақтрия, Улуғ юзжилар ва бошқа қўшнилари билан ёмон муносабатда бўлмаган, аксинча, бир бирини қўллаб-қувватлаган. Бунинг боиси нимада эди?

Юқоридаги саволларга жавоб қидирар эканмиз, хитой манбаларидаги баъзи маълумотларга жиддий диққат-эътиборни қаратишга тўғри келади. Фарғона юришидан 70 йил муқаддам улуғ Хун хоқонлигининг тангрикути Ботур тангрикут Хитой хоқонига ёзган хатида Ғарбда круронликлар, усунлар, ўғузлар ва улар атрофидаги 26та (тадқиқотчилар таҳлилига кўра 36 та ) мамла-

---

<sup>143</sup> Бан Гу. Ғарбий юрт (Қўрқор) тазкираси (II). Ханнома, 901-бет.

катни ўзига қўшиб олганлигини айтади<sup>144</sup>. Хат тафсилотига қараганда, Ботур тангриқут қўшиб олган мамлакатларнинг давлат тузумини ўзгартганлиги ҳақида гап юритмайди. Бундан 30–40 йил ўтгандан кейин Жанг Чян келтирган маълумотларида Туркистондаги кўп мамлакатлар мустақил сиёсат юргизса-да, ҳунларнинг назоратида эканлигини айтади. Демак, мазкур мамлакатлар ҳунларнинг назоратида бўлганлигидан уларнинг бир-бирлари билан бўлган муносабати ҳам ҳунлар назоратида бўлган. Ҳунларда ички ва ташқи сабабларга кўра бўлиниш ва парчаланиш ҳоллари юз берса-да, юқорида кўрсатилган мамлакатларга ҳали ҳам назоратчи ва умумий бирлик учун курашувчи катта мамлакат сифатида нуфузи катта давлат эди. Хусусан, Усун хонлигига ҳунларнинг таъсири кучли бўлган.

Иккинчи, томондан олганда Туркистондаги давлатлар ўзаро дўстлик келишуви билан яшаганлигини билдиради. Уларнинг биронтаси тажовузчиликка учраса иккинчиси ёрдам бериши шарт бўлган. Айнан ўша шартнома Фарғона давлати билан Қангқа хонлиги ўртасида бўлганлигидан Фарғона давлати Қангқадан шакшубҳасиз ёрдам келишига ишонган.

Туркистон давлатлари ҳунларнинг назоратида бўлиши ёки ўзаро келишув асосида иш кўриши уларнинг бир-бирига ҳужум қилмаслигини таъминлар эди. Усун хонлигининг Фарғона давлатига тутган йўли катта сиёсатнинг бир

---

<sup>144</sup> Си Мачян. Ҳунлар тазкираси. Тарихий хотиралар, 407-бет.

кўриниши эканлигини кўрсатади. Агар Хитой кўшини Фарғона давлатидан енгилла бошласа усунликлар балким Фарғона томонида туриб, Хитойга қарши чиқиши ҳам ҳақиқатга яқин келади<sup>145</sup>. Бинобарин, Усун хонлиги анча кўп кўшин билан Фарғона юришига қатнашиши мумкин бўла туриб, унинг урушга қатнашиши хоҳламаганлиги, кўшни Фарғона билан муносабатни бузишнинг салбий оқибатларидан хавфсиз раган бўлиши керак. Усун хонлиги кучли ва жанговар бўлишига қарамай, Фарғонага куч ишлатмаслигининг боиси ҳам ўша эди. Демак, Фарғона кўшни давлатларига нисбатан кучсиз мамлакат бўлишига қарамай мазкур минтақадаги халқаро муносабатда катта ўрни борлигидан далолат беради.

Фарғонага юриш қилиб келган Хитой кўшини, ўзларига энг яқин ҳисоблаган Усун хонлигидан ҳам ёрдам келмагандан сўнг, қангқаликлар Фарғонага ёрдамга келиб қолишидан хавотирланиб, ўзларининг тамоман тор-мор бўлишидан қўрқиб, фарғоналиклар қўйган шартни қабул қилишга мажбур бўлади. Улар фарғоналиклар чиқариб берган отларнинг яхшисидан ёки «тулпор» отлардан бир неча ўнини ва ўрта ҳол отлар (эркак ва бойталлар)дан 3000 тасини танлаб олади. Хи-

---

<sup>145</sup> Хитой манбаларида Усун хонлигининг хитойликларга ҳужум қилиб қолиши мумкинлиги ҳақида ёзилмасад, Фарғонага қилинган биринчи юриш мағлубиятидан сўнг Хитой хоқони Уди: «Агар биз Фарғонадай кичик мамлакатни бўйсундирумасак усунликлар бизни кўзга илмай кўяди» деб хавотирланган эди (Бан Гу. Ли Гуангли, Жинг Чян тазкираси. Ханнома, 460-бет).

тойликлар фарғоналиклар берган бир талай ғаллага эга бўлгандан кейин Хитой элчиларига яхши муносабатда бўлган, ўзлари олдиндан режалаб келган Масой номли ҳарбий амалдорни Фарғонага хон қилиб тиклаб, Эрши шаҳрини ололмасдан орқага қайтади.<sup>146</sup>

Хитой манбаларида берилган маълумотларга қараганда, Фарғоналиклар берган озиқ-овқат Хитой қўшинининг қайтиб кетишига етарли бўлмаган. Шунинг учун улар Хитой қолган қўшинини деярли озиқ-овқат билан таъминлаш мақсадида ўзлари Фарғонага юриш қилган йўл билан эмас, бўлиниб бир неча йўл билан қайтишни режалайди. Афтидан, Хитой қўшини юрган йўллар талон-торож қилиниши оқибатида бўм-буш бўлиб қолганки, уларнинг қадами етган ерлардан қайтган қўшинни яна бирор нарса билан таъминлашига кўзлари етмаган бўлса керак. Манбаларда ҳарбий амалдорлардан: «...черикчи [бек] Ванг Шеншенг, ҳудайчи<sup>147</sup> Хучунгту каби мингдан кўп одам бошқа йўл билан Ўзкент (Ўзган) шаҳрига боради. Ўзкентликлар шаҳарни мудофа қилиб, озиқ-овқат билан таъминламайди. Ванг Шеншенг билан асосий қўшин оралиғи 200 чақирим<sup>148</sup> келар эди. Душманни сал чоғлаган

<sup>146</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 513–514-бетлар.

<sup>147</sup> Ҳудайчи – Пойтахт ва унинг атрофидаги жойларни идора қиладиган амалдор. (Бан Гу. Хан Вэди тазкираси. Ханнома, 21-бет).

<sup>148</sup> Чақирим хитой манбасидаги «ли» узунлик атамасидан олинган. Хитой узунлик улчамида бир ли тахминан 500 метрга тўғри келади. 200 чақирим тахминан 100 км. га тўғри келади.



мақтанчоқ Ванг Шеншенг фаҳмламасдан Ўзкент шаҳрига ҳужум қилади. Ванг Шеншенг лашкарларининг кўп эмаслигини сезиб қолган ўзкентликлар эрталаб 3000 одам билан ҳужум қилиб, Ванг Шеншенг кабиларни ўлдиради. Қочиб қутулган бир неча одамгина Эрши сангуннинг ёнига боради»<sup>149</sup>. Мазкур мисол озиқ-овқат учун Хитой қўшинининг қайтган йўлида жанг қилишга мажбур қилганлигини кўрсатиш билан ўзганликларнинг «ғалаба» билан қайтган қўшинлардан кўрқмасдан қаршилик қилганлигини билдиради.

Хитой манбаларида Эрши шаҳрининг ёнида Хитой қўшинининг қанча талафот кўрганлиги айтилмайди. Фақат Ўзганда кўп хитойликларнинг қириб ташланганлиги айтилади холос. Фарғонага юриш қилган Хитой қўшини Туркистонни тарк этиб Юймэн қоровулига бор-йўғи 10 мингта одам ва 30 мингдан кўпроқ жанг отидан фақат мингта оти қайтиб келди<sup>150</sup>.

Хитойликларнинг Эрши шаҳрини ололмай қайтганлигини эшитган ҳунлар йўлда тўсиб зарба бермоқчи бўлган. Чекинган қўшин шундай тезлик билан қайтганки ҳунлар тайёрланиб етиб бўлгунча хитойликлар Юймэн қоровулига бориб бўлган эди<sup>151</sup>. Хитой қўшинининг бундай зудлик билан қайтишининг сабаби ҳунларнинг ҳужум қилиб қолишидан хавотирланишидан ташқари, Туркистондаги бошқа хонликларнинг ҳам ҳамла

<sup>149</sup> Бан Гу. Жанг Чян, Ли Гуангли таржимаи ҳоли. Ханнома, 464-бет.

<sup>150</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 515-516-бетлар.

<sup>151</sup> Си Мачян. Ҳунлар тазкираси, 435-бет.

қилиб қолишининг олдини олган бўлиши керак.

## ХАНЛАРНИНГ ФАРҒОНАГА ИККИНЧИ ЮРИШИ НАТИЖАЛАРИ

Фарғонага иккинчи марта қилинган тажовузчилик юриши милоддан аввалги 103 йилдаёқ бошланиб, Хэши коридорига жойлаштирилган 180 минг қўшинни қўшиб ҳисоблаганда, тахминан 300 мингдан кўп одам урушга жалб қилинади<sup>152</sup>. Урушга қатнашганлардан уларга хизмат қилган қўшинларнинг сони ортиқ бўлади. Армияни озиқ-овқат билан таъминлашга эса алоҳида эътибор берилади. Уруш тафсилотларини ёзган хитой манбаларининг келтиришича, иккинчи марта Фарғонага қарши юриш қилганларни, Бугур ва Ўзганликлардан ташқари, кичик мамлакатлар озиқ-овқат билан кутиб олган. Хитой хоқонига берилган иккинчи юриш ҳақидаги ҳисоботда, қўшин емоқ-ичмоққа тегишли ғалладан қисилмади деб айтилган<sup>153</sup>. Аммо, биринчи марта уруш қилган қўшиннинг ўндан иккиси қайтиб келган бўлса, иккинчи марта тажовузчилик урушига сафарбар қилинган қўшиннинг атиги ўндан

---

<sup>152</sup> Фарғонага ҳужум қилиш учун сафарбар қилинган қўшин ва ёрдамчилар билан 100 мингдан ошиб кетса, уруш бехатарлиги учун қўшимча Хэши коридорида турғизилган 180 минг чегара қўшини билан бирга озиқ-овқат билан таъминлаш учун жалб қилинганларни биргаликда қўшиб ҳисоблаганда Фарғона урушига умуман 300 мингдан анча кўп одамнинг қатнашганлиги аниқланади.

<sup>153</sup> Ся Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 516-бет.

биридан сал кўпроқ одам қайтиб келади. Қўмондон Ли Гуангли берган ҳисоботда, қўшинга керакли бўлган ғалла етарли бўлса-да, амалдорларнинг нотўғри тақсимотидан, кўп хиёнат қилганликларидан аскарларининг қирилиб кетганлигини айтади<sup>154</sup>. Мазкур озиқ-овқатга тегишли ғалла тўғрисидаги бир бирига қарши икки хил гап айтилишининг ўзи манба маълумотида қандайдир масаланинг айтилмай қолганлигини кўрсатади. Ваҳоланки, «озиқ-овқат етарли бўлди» деган сўзнинг ва «кичик хонликлар қарши чиқмади» деган тасдиқлардан кейин «аскарлар очликдан ўлиб кетди» ибораси ишлатилади. Урушга сафарбар қилинганларнинг урушга қатнашмасдан жуда кам қисми қайтиб келиши ҳақидаги маълумотлар бир-бирига мос келмайди. Гапнинг очиги хитой манбаларида бўлган воқеалар тафсили давлат сиёсатига мос келмаганлиги боис маълумот бузиб берилган. Бу масаланинг ечимини топишда хитой манбаларидан бошқа манба бўлмаганлигидан фақат мазкур манбадаги баъзи бир хоҳишдан ташқари чиқиб кетган гапларга эътиборни қаратамиз.

Дарҳақиқат, қўшинга керакли озиқ-овқат Фарғонага етиб боргунча анча ғамланган ва Эрши шаҳрига етиб бориб қамал қилиб турганларида атрофдаги қишлоқларни талон-торож қилиш ҳисобига яна тўлдирилган. Шунга кўра манбаларда қўшиннинг таъминоти ва емоқ-ичмоқ масаласи

---

<sup>154</sup> Бан Гу. Жанг Чян, Ли Гуангли таржимаи ҳоли. Ханнома, 465-бет.

тўғрисида ўша даврга оид бир оғиз гап айтилмаган. Аммо, Хитой қўшинининг талаби асосида ёки фарғоналиклар чорлаб билганми, фарғоналиклар шарт қўйганларида хитойликларни озиқ-овқат билан таъминлашни ваъда қилади. Ҳолбуки, бу нарса муҳосира ичидагиларнинг эмас, ташқарисидагиларнинг озиқ-овқатдан сиқилганлигини кўрсатади. Агар хитойликлар талаб қилмаганларида ёки фарғоналиклар уларнинг таъминотида камчиликнинг йўқлигини билганларида озиқ-овқат ҳақида оғиз очмаган бўлар эди. Фарғоналиклар хитойликларнинг заиф томонини кўргандан кейин шартномада ўзларининг мушкулини енгиллатиш ниятида ўша тариқа ваъда берган. Шунинг учун ҳам манбаларда фарғоналикларнинг озиқ-овқат билан таъминланганини алоҳида тилга олади. Демак, бу нарса хитойликларнинг Фарғонани қуршаб турган чоғларидаёқ озиқ-овқатдан қисилганлигини кўрсатади.

Иккинчидан, хитойликларнинг Ўзган шаҳрига ҳужум қилиб анча талафот кўришининг боиси ҳам озиқ-овқат йиғиш муддаосида ҳар хил йўللар билан юришга мажбур бўлганлиги эди.

Учинчидан, емоқ-ичмоқ етарли бўлганида тақсимот масаласида етарсизлик бўлиб, аскарларнинг қирилиб кетишигача бормаган бўлар эди. Мазкур ҳолларнинг ҳаммаси амалдорларнинг ҳисоботида ҳам, манбадаги тушунтиришида ҳам озиқ-овқатнинг етмаганлигини яширишга ҳаракат қилганлигидан юз берган. Қизиғи шундаки, бу нимага керак эди? Бунинг асосий сабаби, тарихчилар томонидан ўша замонда ёзилган

асарлар Хитой хоқонлигининг шону шуҳратини кўтаришга қаратилган. Хан сулоласининг Фарғонага юриши, гапга кирмаган боласини жазолаб уриб қўйгандай бир иш деб кўрсатиб, гапга кирмай қаршилик қилган бугурликлар билан Ўзганликлар «улуғ» иш қилишга тўсқинлик қилганлиги учун жазолаганлигини айтади. Ҳойнаҳой, Хитойга ўхшаган қудратли ва бой хоқонлик қўшинининг озиқ-овқатдан қийналмаслиги муқаррар деб кўрсатилиши керак эди. Хитой хоқони тангрининг ўғли деб ҳисобланганлигидан у ҳамма нарса устидан ҳоким бўлиши, унга ҳеч ким қаршилик қилмаслиги лозим эди. Қисқаси, Хитой сиёсатига мослашиб ёзилган асарларда давлат манфаати, хоннинг обрўйига путур етказилмаслиги асосий масала қилиб қўйилиши шарт эди. Ваҳоланки, муаллифлар қасддан ёки тарихий ҳақиқатни бутунлай яширодмаганлигидан манбада икки хил бир-бирига қарши фикр ёзилиб қолишига сабаб бўлган.

Хитой қўшини иккинчи марта Фарғонага юриш қилганида, ҳар тарафлама анча яхши таъминланган бўлса-да, йўл узоқ ва машаққатли бўлганлигидан орқа саф билан доим алоқалари бўлиб, ёрдам олиб туриш имконияти бўлмайди. Катта қўшиннинг харажати ҳам катта бўлганлигидан озиқ-овқат масаласида уни таъминлаш жуда мушкул эди. Гарчи, иккинчи сафарда кичик хонликлар қаршилик қилмасдан ўзларининг бор-йўғини берган бўлсаларда, улар тайёргарликсиз қўшиннинг талабини қондириш даражасида кўп нарса бериши амалда мумкин эмас эди. Шу боисдан, қўшин йўл-йўлакай талон-тороғ

қилганлигига шуҳба қилмаса ҳам бўлади. Унинг устига, қўшиннинг асосий кўпчилиги жиноятчилар бўлганлигидан, уларнинг мол-дунё учун босқинчилик қилиб халқларга зулм солиши табиий ҳолдир. Озиқлик кам бўлганлигидан уни тақсимлашда ҳаммага текис бўлиб берилмаган бўлиши керак. Оқибатда оч қолганлар қароқчилик қилиб, аҳолидан озиқ-овқатни тортиб олишга мажбур бўлган. Натижада, булар халқларнинг қаршилигига учраб, баъзилар ҳалок бўлган. Кичик хонликлар қаршилиқ қилмаса-да халқлар кичик-кичик гуруҳлар билан Хитой қўшинини йўл-йўлакай қирғинга учратган. Шунинг учун Фарғонага қилинган иккинчи сафарда сафарбар қилинганларнинг ярмигина Эрши шаҳрига етиб боришининг сабаби шу бўлган. Аммо, бу ҳақда хитой манбаларида Хитой қўшинининг обрўйини тўкмаслик боисда гап қилинмай кетилган.

Эрши шаҳрига етиб борган 30 минг қўшин (аслида бундан кўп бўлиши керак) бошда очиқ майдонда фарғоналиклар билан жанг қилади, кейин 40 кун шаҳарни қуршаб турганларида ҳам катта-кичик тўқнашиб, уруш қилиб турганлигидан Хитой қўшинининг сони анча камайган бўлиши керак. Қолган қўшин ўзининг кучсизлигидан тезда чекиниб, қайтиб кетишни кўзда тутиб, иложи борича қаршилиқка учрамасликка ҳаракат қилган. Манбада уларнинг Шарқий Туркистоннинг шимол ёки жанубидан юрганлиги айтилмаганига қараганда, ўзлари босиб ўтган эски йўл билан қайтишга мажбур бўлган. Шунга кўра улар талон-торожга учраган шаҳар ва қишлоқлардан яна юрганлигидан емоқ-ичмоқ билан таъминла-

ниши жудаям оғир кечган бўлиши табиийдир. Ҳатто, баъзилари очликдан ҳам ўлган бўлиши керак.

Демак, Фарғона «тулпор»ларига эга бўлиш учун иккинчи марта сафарбар қилинган Хитой қўшинининг юриши ҳам икки йилча давом этиб, қолган қўшинларнинг Хитойга етиб келиши билан милодаан аввалги 101 йили тамом бўлади. Урушга жалб қилинган юз мингдан кўп қўшиннинг фақат ун мингдан кўпроғи, яъни ўндан бири ва 30 минг жанг отларидан мингдан ортиқроғи қайтиб келган<sup>155</sup>. Бутун мамлакатни оёққа турғазган ва ҳатта маблағ сарфлаган Хан сулоласи Фарғонага юриш оқибатида атиги Фарғона ҳукмдорининг боши билан 3 мингдан кўпроқ ҳар ҳил зотли отга эга бўлади. Бунинг ичида бор-йўғи бир неча ўн «тулпор» от бўлган, холос.<sup>156</sup> Уларнинг нечтаси Хитойга етиб боргани бизга номаълум. Иккинчи марта Фарғонага қилинган юришда Эрши шаҳрига боргунча ва қайтгунча хитойликлар 90 мингдан кўп одамни йўқотади. Хусусан, Шарқий Туркистондаги катта- кичик хонликлар ва Фарғонадаги шаҳарлардан ўтгунча анча одами нобуд бўлади. Хитой манбаларида мазкур сон камайтирилиб 50 мингдан кам қилиб кўрсатилади<sup>157</sup>. Айнан уша

<sup>155</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 515–516-бетлар.

<sup>156</sup> Ўша манба, 513–514-бетлар.

<sup>157</sup> Хитой манбасида сафарбор қилинган 60 минг кишилик қўшиннинг 10 мингги қайтиб келганлиги ҳақиқат бўлса керак. Чунки, бу сондан ортиқ кўрсатиш мумкин бўлмаган. Яъни, мантиқан қараганда кам кўрсатилмаганлиги аниқ. Шунинг учун манбадан 50 минг одамнинг нобуд бўлганлиги кўринади. Аслида юз мингдан кўп одамнинг

соннинг ўзи, Фарғона юришида хитой қўшинининг кўрган талафоти ҳунлар билан бўлган жангларда ҳам кўрилмаган катта талафот бўлганлигини кўрсатади.

Манбаларда тирик қолганлар ҳақида гапирилиб, ўлганлар сони тилга олинмаганлиги ва озиқ-овқат масаласи билан чагиштириб юборилганлигидан бир қараганда худди Хитой қўшини ўзининг саловатини йўқотмагандай кўринади. Амалиётда, Хитой қўшини Фарғонага сафари жараёнида, иккинчи юришида ҳам биринчи юриши каби босиб ўтган ерларида Туркистон халқларининг қаттиқ қаршилигига йўлиқади. Натижада Фарғонанинг пойтахтини олишга куч-қувати етмасдан қайтиб кетишга мажбур бўлади.

Хитойликлар Фарғонага ўхшаш кичик бир давлатни тамоман мағлуб қилолмай, Эрши шаҳрини эгаллашга муяссар бўлолмаган бўлсалар-да, ўзларини ғалаба билан қайтган ғолиб қўшин қилиб кўрсатади. Улар номига Фарғона ҳукмдорини тайинлаган бўлсалар-да, Хан сулоласининг анъанасига мувофиқ «янгидан босиб олинган ер» деб ҳисоблаган жойда Хитой тузумини тиклолмади. Ҳатто, улар Шарқий Туркистонни ҳам тарк этиб, Марказий Осиёдан чиқиб кетади. Қўмондон Ли Гуангли ўзи «ғалаба» қилган жойда бир қисм ҳарбий қўшин ташлаб кетиш у ёқда турсин, бирор амалдорини ташлаб кетиш ўйига ҳам келмайди.

---

Фарғона юришига сафарбар қилинганлигини эътиборга олсак, урушда ҳалок бўлганлар 90 минг кишига етиб боради.



Хан сулоласининг хоқони Уди Фарғонага юриш қилганларнинг узил-кесил ғалаба қилолмаганлиги ва юборилган қўшин асосан қирилиб кетганлигини эътиборга олмайдди. У аксинча, мазкур юришни тугалланган иш деб ҳисоблайди. Сабаби Фарғонани ва унгача бўлган жойларни босиб ололмаганлигидан яна қайтадан қўшин сафарбар қилиши зарур эди. Аммо, Фарғона юришидан Хан сулоласи шундай заифлашиб кетган эдики, энди ўз қаддини қайтадан тиклаб олиш учун аслида бир-икки йил керак бўлар эди. Унинг устига шунча дабдаба билан бутун мамлакатни ҳаракатга келтириб, қилинган ишнинг муваффақиятсиз тамомланганлигини тан олиш, ташқи томондан Хитойни обрўйсизлантирса, ички томондан, унинг шуҳратини пасайтириб, жиддий бир масалаларни келтириб чиқариши табиий ҳол эди. Шу боисдан қўлга киритилган озгина ютуқни дастак қилиб, Фарғона юришини ғалаба билан тамомланди деб бутун дунёга жар солади.

Фарғона юришидан қайтган бош қўмондан Ли Гуангли Хитой уруши анъаналарига кўра Хитойга жуда катта талафот келтириб, Хитой қўшининг қирилиб кетишининг олдини ололмаганлиги ва тўлиқ ғалабага эришолмаганлиги учун қаттиқ жазога тортилиши шарт эди. Амалиётда эса, қўмондон ва унинг атрофидаги одамларни жиноий жавобгарликка тортиш Фарғонага қилинган юриш мағлубиятини тан олганлигини билдиради. Шу сабабли, Хитой хоқони жазо ўрнига уларни тақдирлашни раво кўради. Бу ҳақда манбада: «Хоқон Уди мазкур амалдор-

ларнинг Фарғонага жазо юриши қилиб, жафо тортганлигини ҳисобга олиб, уларнинг хатола-рини суриштирмасдан Ли Гуанглига хайши тўраси унвони берилади»<sup>158</sup> деган ибора билан асар муаллифлари бўлган ишни сийлаб-сийпаб ёпиб кетади. Хитой хоқони Фарғонага юриш қилган-ларнинг «катта ғалабасини» Хан сулоласининг шуҳрагини кўтаргандек қилиб кўрсатиш ниятида уларни мардлик билан тақдирлайди. Ҳатто, Фарғонага иккинчи тажовузчилик юришига қатнашиб хизмат кўрсатганларни эмас, балки би-ринчи юришда мағлуб бўлиб қочиб келганларни ҳам эсдан чиқармайди. Ли Гуанглига мансаб тақ-дим қилиш билан бирга 8 минг хонадонли ер суюрғол қилинади<sup>159</sup>. Юришда қатнашганлардан 3 одам вазирлик лавозимига ва 100 дан ортиқ одам 2 минг қоп ғалла маош оладиган ҳокимликка ёки волийликка тайинланади. 1000 қоп маош олади-ганларнинг сони мингдан ошиб кетади. Урушга сафарбар қилинган жиноятчиларнинг ҳукми бекор қилинади, бироқ тақдирланмайди. Ўз ихтиёри билан борганлар кутганидан ортиқ нарсага эга бўлади. Одатдаги аскарларга 40 минг пул ёки ўша пулга тенг келадиган мол-дунё инъом қилинади<sup>160</sup>.

---

<sup>158</sup> Ўша манба, 516-бет.

<sup>159</sup> Бан Гу. Жанг Чян, Ли Гуангли таржимаи ҳоли. Ханнома, 466-бет.

<sup>160</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 516-бет. «Ханнома» таржимасида эса 40 минг чақа пулга тенг келадиган мол бойлик берилди деб ёзилган (Бан Гу. Жанг Чян, Ли Гуангли таржимаи ҳоли. Ханнома, 466-бет).

## ФАРҒОНА ЮРИШИНИНГ ФОЖИАЛИ ОҚИБАТЛАРИ

Фарғонага қилинган икки марта тажовузчилик уруши милод. авв. 104 йилдан 101 йилгача 4 йил давом этади. Хан хоқони Уди ҳунларга қарши давомли уруш қилиб турган бир пайтда Фарғонага қарши уруш қилиниши давлат иқтисодини ўпириб, халқ бошига оғир кулфат келтиради. Унинг устига-устак шарқда Дашт-отагача бўлган жойларда чигиртка офати юз бериб зироатларга анча талафот келтиради. Табиий офатга йўлиққан одамларга уруш солиғини тўлаш халқлар турмушини яна ҳам қийинлаштиради. Шунинг учун улар урушганларни қарғаб норозилик билдиради. Манбада эса бу тўғрисида, «ҳунларни ва Фарғоналикларни афсун қилиб, қарғайди»<sup>161</sup> деб ёзилади. Хан сулоласининг Фарғонага қилинган биринчи юриши Туркистон халқларининг қаттиқ қаршилик кўрсатиши билан мағлуб бўлади. Умуман, Хитой хоқони Уди ғарб билан бўлган элчилик ва савдо муносабатларида эришилган баъзи бир натижалардан ҳамда ҳунларнинг ички зиддиятларидан фойдаланиб, бир неча бор эришган ғалабадан мағрурланиб кетган эди. Шунинг учун у Фарғона давлатини менсимай, уларнинг ўзларига ҳам ноёб бўлган отларни қатъий сотиб беришни талаб қилади. У ўзи юборган элчиларнинг қўполлигига қарши қилинган тадбирни баҳона қилиб, уни 30-

---

<sup>161</sup> Си Мачян. Хан Уди тазкираси. Тарихий хотиралар, 117-бет.

40 мингта қўшин билан жазолаб қўймоқчи бўлади. Бинобарин, ўзининг кучли хоқонлик эканлигини Фарб мамлакатларига намойиш этишни ният қилади. Аммо, хоқоннинг шону шуҳратини ошириш учун қилган биринчи ҳаракати Фарғонанинг пойтахтига етмасдан мағлуб бўлади. Ҳатто, милодаан аввалги 139 йилдан бошлаб режали ҳолда олиб борилган «Фарбни қўлга киритиш» режасининг бутунлай йуққа чиқишига оз қолади. Натижада, ўн йиллар катта маблағ сарфлаш ҳисобига юборилган элчилар ёрдамида Хитойнинг улуғлиги ва бойлигини ташвиқ қилишга қаратилган ҳаракатлар бефойда бўлиб қолиш хавфи туғилади. Энг асосийси ҳунлар таъсирини Фарбдан сиқиб чиқариб, «унинг қўлини кесиб ташлаш» ғаразини пучга чиқарган эди. Шунинг учун Хитой хоқони Фарғонага яна қарши юриш қилишга қўшилмаганларни жазолаб, милодаан аввалги 102 йили зўр кўламда чигиртка офатидан сўнг<sup>162</sup> давлат миқёсида иқтисодий қийинчилик юз беришига қарамай, мамлакатнинг бор имкониятини ишга солиб, иккинчи марта Фарғонага тажовузчилик юришини ташкил этади. Аммо, урушга беҳисоб маблағ сарфлаб, кўплаб одамларнинг нобуд бўлишига сабаб бўлган бўлса-да, Фарғонани забт қилиш режасини амалга оширолмайди. Агар у ўз мақсадини амалга ошираман деб оғир солиқларни солиб яна халқларни қийнаса ёки шунча йил дабдаба билан қилган ҳаракатининг мағлу-

---

<sup>162</sup> Бан Гу. Беш апоср (модда ёки жисм) тазкираси. Ханнома, 200-бет.

биятини тан олса жазман халқ ичида норозилик кучайиб, галаёнлар чиқиши муқаррар эди. Шунинг учун хоқон истар-истамасин эришилган озгина ютуқларни кўкларга кўтариб, ўзининг улуғ ва довишмандлигини олдингисидан ҳам зўрроқ намоиш қила бошлайди. Фарбдан келтирилган нарсалар деб асосан Шарқий Туркистондан олиб келинган нарсаларни тантанали шов-шув билан кўргазма қилади. Ваҳоланки, қимматбаҳо ноёб нарсалар хон ва бойларнинг бисотида бўлганлигидан шаҳарларда сақланган. Хитой кўшини Ўзган шаҳридан бошқа Фарғонанинг биронта шаҳарини олганлиги тўғрисида хитой манбаларида маълумот йўқ. Манбада Эрши шаҳридагилар ҳам қимматбаҳо асл нарсаларни чиқариб берганлиги ёки тақдим қилганлиги айтилмайди. Демак, Фарғонани енгиб келдик деб сурон солсалар-да, амалда кўпчилиги у жойдан олиб келинган нарсалар эмас эди. Аммо, Фарғонадан олиб келинган «тулпор»лар алоҳида савлат билан кўзга ташланиб турар эди.

Фарғона «тулпор»ларини томоша қилган шоирлар уни мақтаб, кўкларга кўтариб шеърлар ёзадилар:

Келди тулпор  
йироқ фарб юртидан,  
чўл-биёбонлар кезиб,  
ётларнинг байъатидан,<sup>163</sup>  
намоён қилиб.

<sup>163</sup> Шеърда қасддан Фарғона юришидан сўнг Фарб мамлакатлари худди қарам бўлгандай қилиб кўрсатилади.

Келди «тулпор»,  
булоғи бор жойлардан.  
ёлининг ранги йўлбарсга,  
мижози баайни ўхшар жинларга.

Келди «тулпор»,  
бепоён чўллардан ўтиб.  
мингларча йўллардан кезиб,  
Шарққа ахир келди етиб.

Келди «тулпор»,  
роппа-роса балиқ йилида<sup>164</sup>,  
давом қилиб йироқ сафарин,  
чексиз масофа ҳамон олдида.

Келди «тулпор»,  
миниб мен унинг устига,  
бораман Қўрумдаги<sup>165</sup>  
валийлар маконига.<sup>166</sup>

---

<sup>164</sup> Балиқ йили, милод. авв. 101 йилга тўғри келади.

<sup>165</sup> Қўрум – Қорақурум, Қоронғитоғ (Кунлуь) тоғ тизмалари.

<sup>166</sup> Валийлар макони – авлиёлар макони, аниқроғи, хитой манбаларидаги милод. авв. X асрларда яшади деб тахмин қилинадиган Жув сулоласининг хони Мувонг 8 тулпор қўшилган мапада (соябонли аравада) Фарбга саёҳат қилиб, Ши Вонгмунинг олдига борганлиги ривоят этилади. Ши Вонгму манба маълумотлари ва олимларнинг таҳлилига асосланиб тадқиқотчи Қурбон Вали қадимий ҳинд ривоятларидаги Ума Туркистон халқларида Умай эканлигини айтади. Айна ўша ном хитой тили талаффузида ўзгариб Ши Вонгму бўлиб қолганлигини

Келди «тулпор»,  
кўп ўтмай валий аждар сўзсиз келар,  
биз билан Арши аълога <sup>167</sup> саёҳат қилур,  
тангри турган қош <sup>168</sup> супага бирга борур» <sup>169</sup>

Мазкур шеър «Ханнома» хитойча нусхасининг 1060–1061 бетларида милодаан аввалги 101 йили машҳур Фарғона отларига эга бўлиш муносабати билан ёзилган деб айтилади <sup>170</sup>. Ваҳоланки, милодаан аввалги 120 йили Кенгсуйга (Гансуга) Фарғонанинг «тулпор» отлари кела бошлаганлиги ҳақида шеърлар ёзилган эди. Манбаларда мазкур отларга алоҳида бедазорлар барпо қилиниб, зўр кўнгил қўйиб боқилганлиги айтилган. Демак, Фарғонага юриш қилишдан 20 йилча муқаддам Фарғона «тулпор»ларига эга бўлинган бўлса-да, мазкур отларга худди биринчи бор эга бўлгандай қилиб кўрсатилади. Гўёки Хитой хоқони «тул-

---

исботлайди (Қурбон Вали. Бизнинг тарихий ёзувларимиз. Урумчи, 1986, 37–бет). Шеърдаги «Валийлар макони» деганда Ши Вонгму яшайдиган жой кўзда тутилади. У Қорақурум тоғларининг баланд тепалигида деб фараз қилинади.

<sup>167</sup> Арш аъло – хитой тилидан қилинган уйғурча таржимада «Арш қўвуқ» деб бирилган. «Қўвуқ» сўзини бир сўз билан ўзбек тилига табдил қилиш мумкин бўлмаганлигидан «осмоннинг энг юқори қисмидаги сарой» мазмунидаги «арши аъло» сўзи шеърнинг ритмини бузмаслик учун берилди.

<sup>168</sup> Қош бу жойда яшма тоши (нефрит) маъносида келади.

<sup>169</sup> Бан Гу. Нағма-наво тазкираси. Ханнома, 170-бет (уйғурча таржимасидан олинди).

<sup>170</sup> Ўша манба, 170–171-бетлар.

пор»ларни қўлга киритиб, орзу-армонларига етган. Энди унга афсонавий юртларга саёҳат қилиш имконияти туғилганлиги шеър ҳолида тасвирланади. Чунончи, Хитойнинг Фарғонага қилган юришлари жудаям муваффақиятли бўлганлигидан Хитой хоқони Фарбга Фарғона «тулпор»лари ёрдамида саёҳат қилажақлигини қадимий ривоятлар билан қиёсий тасвирини беради. Амалиётда эса Хитой хоқони ўз халқининг кўнглини кўтариб, 4 йил халқнинг бошига тушган қийинчиликлар эвазига «улуғ ғалаба» ни қўлга киритганлигини кўрсатиш йўлидаги бир ҳаракат эди.

Хоқон Уди, иккинчи томондан, амалдор ва халқининг кўнглини олиш билан бирга кўп йиллар давомида Фарб мамлакатлари орасида эришган обрўйининг Фарғона юришидан сўнг йўқолиб кетмаслиги ва яна ривожлантириш учун жиддий чора-тадбир кўра бошлайди. Бу ҳақда манбада: «Хан хоқони яна ажойиб-ғаройиб нарсалар топиб келиш ҳамда Хитой хоқонининг Фарғонага юриши туфайли қозонган шону шуҳратини ва илтифотларини намоён қилиш учун Фарғонанинг фарбидаги давлатларга яна ўн неча туркум элчи юборди»,<sup>171</sup> –деб айтилади.

Хитой манбаларида Хитой қўшини Фарғонага «илтифот» этиб, Эрши шаҳрини олмай қайтиб кетганлиги тўғрисида кўп тўхталмайди. Хитой хоқони Хитойнинг шону шуҳратини ошириш учун элчиларга аниқ қандай топшириқ

---

<sup>171</sup> Ся Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 517-бет.



берилганлиги ҳақида ҳам маълумотимиз йўқ. Қолаверса улуғ, кучли, бой Хитой хоқонлигининг Фарғонадек бир мамлакатни енголмасдан қайтиб кетганлигини, ўша даврда кўриб, билиб турган Туркистондаги мамлакатларга қандай асослаб берганлигини билмаймиз. Балким «Хитой хоқонининг мақсади Фарғона «тулпор»ларига эга бўлиш эди», «тулпор»ни олгандан кейин Хитой хоқонига қаршилик қилган Фарғона ҳукмдори Угуанинг бошини топшириб олгандан сўнг Хитой қўшини бажаришга тегишли ишни ижро қилиб, қайтиб кетди деб айтгандир. Эрши шаҳрини олмаганлигини фарғоналикларга «илтифот» этганлиги деб тушунтиргандир, бу бизга номаълум. Аммо, манбалар асосида шуни қатъий айтишимиз мумкинки, Хитой қўшини ҳеч кимга илтифот қилмаган. Агар ҳақиқатда Хитой қўшинини олийжаноблик билан иш кўрган деганимизда, уларга қаршилик қилган Бугур ва Ўзган шаҳарларининг халқини қириб ташламаган бўлар эди. Ўзган шаҳрининг ҳокимини қўлга туширгандан кейин уни қўшинга етказмай йўлда жўрват қилиб ўлдирган жангчини катта амал билан тақдирламаган бўлар эди<sup>172</sup>. Ҳақиқатда эса Хитой қўшини Туркистон тупроғига қадам босиши билан эрксевар халк вакиллари қирғинга учратиб йўлини давом қилган. Шунинг учун зўравонликка қарши маҳаллий аҳоли айрим-айрим ҳолда кучи

<sup>172</sup> Ўзган ҳокимини асир олиб келаётганда уни қўлдан чиқариб қўйишдан хавотирланиб, ўлдиришга жўрват қилган хитой чавондози катта унвонга тақдим қилинади (Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 513–516-бетлар)

етганча жонбозлик кўрсатиб, қаршилиқ қилган. Улар иложи борича босқинчи қўшинларни озик-овқат билан таъминламасдан, пайти келса ғанимини ер тишлатган. Натижада йўл-йўлакай қирилиб заифлашган тажовузчилар жасур фарғоналикларга дуч келганда уларни бўйсунди-ролмайди. Улар Эрши шаҳрини ер билан яксон қилолмай, аксинча, ўзлари мағлуб бўлиб қолишидан хавотирланиб, келган жойларига қочиб кетади. Шунинг учун ҳунлар Фарғона юришига борганларнинг йўлини тўсишга улгуролмай қолади. Хитой манбаларида баайни Фарғонагача хонликларнинг ўзига қарам бўлган-дай, «Фарғонанинг ғарбидаги давлатларга эдчи-ларни юборганлиги»<sup>173</sup> айтилади. Амалиётда, айнан хитой манбаларининг тасдиқлашича, Хитой қўшини Фарғонани ололмаганлигидан ташқари унгача бўлган Шарқий Туркистоннинг шимол ва жанубидаги хонликларнинг ҳудудидан қайтишда ўтолмасдан, келган йўли билан кетишга мажбур бўлган. Хитой қўшини босиб ўтган жойларда ҳам ўзларининг бирор амалдорини қолдиролмасдан Туркистонни бутунлай тарк этиб чиқиб кетади.<sup>174</sup> Айнан ўша қўшиннинг қўмондони Ли Гуангли милод. авв. 99 йили Туркистоннинг бирор

<sup>173</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 517-бет.

<sup>174</sup> «Ханнома» да Ли Гуангли қўмондонидagi Хитой қўшини Фарғонадан қайтгандан сўнг Юймэнга келиб жойлашганлиги айталди (Бан Гу. Жанг Чян, Ли Гуангли таржимаи ҳоли. Ханнома, 465-бет).

ҳудудидан эмас, балки Хитойнинг Жйучуан деган жойидан ҳунларга қарши жўнатилади<sup>175</sup>.

Қадимий давр қонун ва анъаналарига кўра, кучли ёки катта мамлакатлардан мадад ва ёрдам олиб, ўзининг мустақиллигини таъминлаш учун кучсиз мамлакат ҳукмдорлари ўз ўғли ёки катта амалдорларини гаровга қўйиб, ўзининг дўстликка садоқатлигини кўрсатар эди. Ҳойнаҳой, бу ҳозирги даврдаги элчихона таъсис қилгандай бир иш эди. Катта мамлакатларга бундай «элчихоналар»нинг бўлиши ортиқча даҳмаза, яъни уларнинг бехатарлиги ва таъминотига жавобгар бўлсалар-да, бундан улар манфаатдор бўлган. Катта мамлакатлар кичик хонликлар билан ўша йўсинда муносабат тиклаганида, у ўзининг тинчлигини тўлиқ таъминлаш билан мазкур хонликлар ғанимига ёрдам беришининг олдини олар эди. Аммо, баъзи тадқиқотчилар хитой манбаларидаги бундай маълумотларни Хитойга кичик хонликларнинг қарам бўлганлигининг белгиси деб хато талқин қилишади.

Хитой манбаларининг кўрсатишича, Хитой қўшини Фарғонадан қайтганда, Фарғонанинг енгилганлигини эшитган кичик хонликлар (Шарқий Туркистондаги давлатлар) Хитой-хоқонига совғасалом юбориб ўз ўғилларини тўрғоқ (гаров) қилиб юборганлиги айтилади<sup>176</sup>. Ҳатто Ли Гуангли Шарқий Туркистондан қайтиб кетаётганда Кусан хони Узунтати хонидан норози бўлиб, «Бутун Фарбий

---

<sup>175</sup> Бангу. Хунлар ҳақида қисса (I). Ханнома. Урумчи, 725-бет.

<sup>176</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 515-бет.

юрт Хитойга тобе турса, Кусаннинг Узунтати одамини боримтай<sup>177</sup> қилишига нима ҳаққи бор»<sup>178</sup> деб айтганлигини Хитой тадқиқотчилари Туркистондаги, хусусан Шарқий Туркистон билан Фарғонанинг Хитойга бўйсунганлигини шама қилишади. Бир қараганда, Ли Гуанглининг гапига асосланганда, Фарғона юришидан сўнг ғарбий юртдаги эллар Хитойга қарам бўлгандай кўрилади. Аммо, гапнинг тагига етилса, Ли Гуангли ўзининг Фарғонага қилган юришини ғалаба билан тамомланган иш деб кўкларга кўтариб, ўзининг жазоланмаслигининг олдини олиш учун қилинган бир сиёсат бўлса, иккинчи томондан, Фарғона юришининг аҳамиятини улуғлаб, ҳунларга ваҳима солишнинг бир йўли эканлигини тасдиқлайди. Чунки, Хитой қўшини кетганидан кейин Кусан хонлиги мустақил сиёсат юргизган.

Хитой манбаларида Хитойга гаровга қўйилган шаҳзодаларнинг Хитойда қай тариқада турганлиги ва уларнинг тақдири ҳақидаги маълумот ҳозиргача кам. Бунинг сабаби асосий кўпчилик шаҳзодалар элчилар қайтиши билан улар ҳам қайтиб кетганлигидан хитой манбаларида бу ҳақдаги маълумотлар сақланиб қолмаган бўлиши керак. Шу боисдан кичик давлатлар ўз ўғилларини элчиликка бош қилиб юбориб, Хитой хоқонининг ишончига киришни мақсад қилган бўлишлари мумкин. Ҳар қалай кичик хонликлар шаҳзодаларни гаровга юборган бўлса-да, улар

---

<sup>177</sup> Баримтай – қадимий туркий тилда «турфоқ» маъносидаги «гаров» сўзини билдиради.

<sup>178</sup> Чэн Хуа, Гу Пингянг... Шинжонгнинг қисқача тарихи. 1984, 55-бет.

Хитойга қарам бир хонликка айланмаган. Аксинча, улар Хитой билан муносабатини ўзгартирмасдан давомлаштириб, мустақил сиёсат юргизганлигини Хитой манбаларида учрайдиган бошқа маълумотлар ҳам исботлайди.

Хитой манбаларида ёзилишича, Хитой хонлиги «Даштота [Дунгхванг] да Жючван<sup>179</sup> тутуқ беги<sup>180</sup> таъсис этилиб, Фарбда Лўбнургача манзил-карвонсаройларни қуради. Бугурда бир неча юз аскар турғазиб, деҳқончилик қилиб, деҳқончилик қиладиган амалдорларни тайинлаб, чет элга борадиган элчиларни таъминлаш учун галла тайёрлади»<sup>181</sup> деган гапларнинг ёзилганига Фарғона юришидан кейин ҳам яна аввалгига ўхшаш Хитой элчиларини озиқ-овқат билан таъминламаган. Яъни, Хан сулоласининг элчилари шунча ҳаракатлардан сўнг, Хун элчилари каби ҳурматланиб емоқ-ичмоқдан қийналмай юра олмаслигини билдиради, Аммо, Бугур хонлиги

---

<sup>179</sup> Жючуан (Цзю Цюань, Jiu guan) – Гансу (Кенгсув) ўлкаси, Шули дарёсининг шарқий, Гавтай ноҳиясининг фарбидаги жойларга тўғри келади (Бан Гу. Хан Удининг таржимаи ҳоли. Хапнома, 56-бет).

<sup>180</sup> Тутуқ беги – Хан сулоласи даврида уч хил вазифа бажарадиган амал. 1. Маҳрам бег – арвали кутувчи бег, Домод (куёв) ва отликлар тутуқ беги. 2. Иш бажарувчи амалдорлар – масалан: ўрда, хазина, унвон, таъминот тутуқ беглари. 3. Вилоят бегларини муҳофаза қилувчи сипоҳ беглар – масалан: вилоят, қарам эллар тутуқ беглари (Си Мачян. Хан хоқони Вэнди тазкираси. Тарихий хотиралар, 109-бет).

<sup>181</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 517-бет.

ҳудудда кичик бир қисм ҳарбийларнинг жойлаштирилиши ва Лўбнургача манзилгоҳларнинг қурилиши мазкур жойдаги ҳокимларнинг маълум даражада Хитойга нисбатан муносабатининг ўзгарганлигини кўрсатади. Хан сулоласи Фарғонага дабдабали юриши натижасида қадимда Шарқий Туркистон таркибига кирган Даштота атрофидаги жойларда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаган бўлса-да ундан ғарбдаги хонликларга ўз ҳукмини юргиза олмаган. Фақат Бугургача бўлган ҳудудларда карвон йўлини эгаллаб ўз савдогарларининг бехатарлигини таъминлашга мувофиқ бўлган. Шундай у шу жойдаги хонликнинг ички ишларига аралашмаганлигидан уларга элчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш вазифасини топширолмасдан махсус одам турғизиб янги ер очиб элчиларни ғалла билан таъминлашга мажбур бўлган.

Мана бу масала хитой манбаларида аниқ айтилмаганлигидан тадқиқотчиларнинг ҳар хил таҳлил қилишига сабаб бўлган масалаларнинг бири бўлмоқда. Хитой тадқиқотчилари ҳам мазкур масала юзасидан чинакам ҳақиқатни тасдиқлайдиган бошқа далилларга эътибор беради. Тадқиқотчилар ўша пайтда Хитойдан ғарбга борадиган асосий карвон йўлида жойлашган Қангқил хонлиги<sup>182</sup> хунларнинг назоратида эканлигини тан олади.<sup>183</sup> Қангқил

<sup>182</sup> Қангқил – Тангритонинг шарқий ва шимолий этакларида яшаган туркий қабилалар иттифоқининг номи. Хитой манбаларида милоддан аввал «Чэши» деб аталган.

<sup>183</sup> Чэн Хуа, Гу Пингянг, Ванг Жилай. Шинжоннинг қисқача тарихи, 55-бет,

хонлигининг маркази Турфон шаҳрининг атрофидаги жойлар бўлганлигидан карвон йўлининг муҳим тугуни ҳунлар қўлида бўлган. Ҳунлар гарчи заифлашиб кетганлигига қарамай мазкур жойни Хитойга бермаганлиги, хитойлик элчиларнинг фақат бу хонликнинг жанубидан ўтадиган тор бир йўлақдан, яъни жанубидаги қадимий Кўрона давлатининг ҳудудидан ўтадиган карвон йўлидан юрган.<sup>184</sup> Хитой манбаларида айtilган Бугургача қурилган манзилгоҳлар айнан ўша тор йўлаккача эканлигини кўрсатади. Агар ўша жойни эгаллаб йўл буғиб қўйилса Хитойнинг фарбга борадиган йўли бекитилар эди. Шунинг учун ҳам Хитой қўшини Фарғонага қилган иккинчи «ғалабалл» юришидан қайтганда зудлик билан Хитойга чекинганлигининг сабаби ҳунларнинг мазкур йўлни бекитиб қўйишидан қўрқишида эди. Демак, Хитой манбаларида айtilган «Фарб мамлакатларини эгалладик» сўзларининг мазмуни айнан ўша Бугургача бўлган йўлни вақтинча тизгинлагани, яъни назорат остига олганлигини билдиради.

Умуман олганда, Хан сулоласининг қўшини икки марта Фарғонага юриш қилиш билан Туркистоннинг марказига ҳам қўшин тортиб боришининг мумкинлигини кўрсатади. Натижада, Туркистондаги ва унга қўшни бўлган мамлакатлар Хитойнинг катта мамлакат эканлигини тан олади. Шунинг учун баъзи хонликлар ўзининг халқаро мавқени мустаҳкамлаш мақсадида шаҳзодаларини

---

<sup>184</sup> Мазкур йўл Крурона давлатининг шимолий ҳудудларидан ўтган.

гаровга қўйиб дўстлик муносабатини ўрнатади. Аммо, улар мазкур муносабат оқибатида Хитойга ё сиёсий ёки иқтисодий томондан қарам бўлиб қолмаган. Улар хоҳлаган пайтда ўзаро алоқаларга чек қўйиши мумкин бўлган мустақил давлатлар эди. Улар хоҳласа бир-бирига душман бўлган катта хонликлар билан баробарида ўз ўғилларини гаровга қўйиб муносабат боғлаши мумкин бўлган. Айнан ўша даврдаги воқеалар тафсилоти тўғрисидаги хитой манбаларида: «Улар [Крурона хонлиги] Хан сулоласининг элчиларини сув ва озиқ- овқат бериб қарши олар ва кузатиб қўяр эди. Лекин кўп марта Хитой сипоҳ беклари томонидан талон-торож қилинганлигидан Хан сулоласи билан алоқа қилишнинг фойдаси йўқ экан деб қарор қилган эди»<sup>185</sup> деган гапларга асосланганда Крурона хонлигининг Хитой билан бўлган муносабати «қарам» давлат сифатида эмас, балки мустақил мамлакат тариқасида алоқа қилганлигини хитой манбаларининг ўзи тасдиқлайди. Крурона хонлиги ўз ўғлини Хитойга гаровга қўйиш билан бирга, Хитойнинг ашаддий душмани Хун хоқонлигига ҳам бир шоҳзадасини гаровга юборган<sup>186</sup>. Шунга асосан, Хитойдай бир катта ва кучли хоқонликка қарам бўлган хонликнинг Хун хоқонлигига ҳам қарам бўлиши мумкин эмаслигидан чиқадиган хулосадан Крурона давлатининг мустақиллигини исботласа бўлади. Мазкур хонлик Хитой билан келишув асосида ўз ҳудудининг шимолидан Хитой

<sup>185</sup> Бан Гу. Фарбий юрт (Қўриқор) тазкираси. Ханнома, 857-бет.

<sup>186</sup> Ўша манба, 856 – 857-бетлар.



элчилари ва савдо карвонларининг бемалол ўтишига рухсат берган. Уларни озиқ-овқат билан таъминлаган. Ҳатто Хитойнинг кичик бир қисм қўшинига деҳқончилик қилишига ер ҳам ажратган.

Крурона хонлиги Хитойга қўшни давлат бўлганлиги ва унга қарши чиқишга куч-қуввати етмаганлигидан, Хитой элчилари билан савдогарларига имконият борича қулай шарт-шароит яратиб беришга ҳаракат қилар ва ундан ўзи ҳам манфаат кўрар эди. Бу унинг Хитойга тобе хонлик бўлишидан эмас, балки мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, Ҳун хоқонлиги билан Хан сулоласига ўзига хос алоҳида бир муносабат қилганлигини билдирар эди. Крурона хонлиги мустақиллигини таъминлаш мақсадида Ҳун-Хитой зиддиятидан фойдаланб, Ҳун хоқонлиги билан дўстлик муносабатини тиклаган.

Демак, Хитойга қўшни Крурона хонлиги мустақиллигини йўқотмаган экан. Хитойликлар бориш учун бир нечта хонликни босиб ўтиши керак бўлган, Туркистоннинг марказида жойлашган Фарғона давлати Хитойга ҳеч бир қарам эмаслигини аниқ кўрсатади. Хитой хоқонлиги Фарғонага юришидан сўнг Фарб мамлакатларини бўйсундириш ниятини амалга оширолмаган бўлса-да, маълум жиҳатдан Фарғонагача бўлган жойларда таъсирини ўтказишга имконият топади.

Хитойнинг «тулпор» отларга эга бўлиш ниятида Фарғонага юриши ва у ҳақидаги дабдабали сўзлар, тарихий асарлар ўша давр Хитой давлатчилик сиёсатининг маҳсули бўлиб, баъзи бир маълумотлар ҳақиқатни акс эттирмаслигидан

қатъи назар, мазкур манба бизнинг узоқ тарихимизни ўрганишда бирдан бир ноёб манбадир. Айнан, ўша манба ёрдамида биз 2000 йиллик тарихимизнинг майда-чуйда тафсилотларигача билишга имконият топамиз. Милодаан аввалги 100 йили, яъни Хитой қўшинлари Фарғонани ташлаб чиқиб кетганидан бир йил ўтар-ўтмасдая фарғоналиклар хитойликлар томонидан ҳукмдор қилиб қўйиб кетилган Масойни: «Хонга [Хитойга] хушомад қилиб, элимизни уруш офатига гирифтор қилди» деб ўлдириб, хон Уганинг ўғли Чонпонни<sup>187</sup> ҳукмдор қилиб тиклашади<sup>188</sup>. Хитойнинг тайинлаган одамини ўлдириши, яна Хитойларга қарши курашган ҳукмдорнинг ўғлини хон қилиб тиклаши Фарғона давлатининг Хитойдан қўрқмаганлиги, унинг ўз масалаларини ўзи ҳал қиладиган мустақил давлат эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Фарғона ҳукмдори Чонпон Хитойнинг катта мамлакат эканлигини эътиборга олиб, «ўғлини Хан ўрдасига гаровга жўнатган»,<sup>189</sup> яъни шоҳзода бошчилигида элчиларини Хитойга жўнатади. «Ханнома»да айтилишича, мазкур элчилар Хитой билан аҳднома тузиб, ҳар йили икки «тулпор» отдан бериб турилиши келишилган<sup>190</sup>. Фарғона мус-

<sup>187</sup> «Тарихий хотиралар»га берилган изоҳда Чанпон Фарғона хонининг невара иниси эканлиги ёзилган (Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 529-бет).

<sup>188</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 516-517-бетлар.

<sup>189</sup> Ўша манба, 517-бет.

<sup>190</sup> Бан Гу. Фарбий юрт (Қўриқор) тазкираси. Ханнома, 878-бет.

тақил давлат бўлганлигидан ва унинг ҳеч қандай Хитойга қарзи бўлмаганлигидан манбада солиқ сифатида икки от берадиган бўлди деб айтилмаган. Унинг аксича алоҳида келишув тузилганлиги айтилади. Демак, Хитой-Фарғона давлати орасида савдо алоқалари битими тузилган. Бироқ, Хитой томонидан нима берилиши гапирилмасдан, Фарғона элчисининг олган мажбурияти айтилади. Балки Хитой анъанасига мувофиқ, Хитойга келган элчилар ўзлари олиб келган совға-саломдан кўпроқ мол-дунё билан қайтганлигини эътиборга оладиган бўлсак, фарғоналиклар мазкур битимдан катта фойда олишни кўзда тутган бўлишлари керак.

Умуман олганда, Хитой қўмондони Ли Гуангли томонидан тайинланган ҳукмдор Масойнинг ўлдирилиши, аслини олганда Фарғона ҳукмдорининг Хитой элчиларини ўлдиришига қараганда ҳам зўр бир иш эди. Зеро, мазкур иш Хитой 4 йил Фарбга юриш қилиб, ҳеч бир обрў-эътиборга эга бўлмаганлигини кўрсатади. Фарғона давлати Хан сулоласининг улуғлигидан қўрқиб, ийманмасдан ўзи нимани хоҳласа шуни қила оладиган мустақил мамлакат эканлигини намойиш қилади. Ваҳоланки, «Хан хоқонлиги эса элчи юбориб, совға-салом йўллаб, фарғоналиклардан ҳол сўраган ва уларга тасалли берган»<sup>191</sup>. Бунинг боиси, Хан сулоласининг хоқони Фарбда ўзининг обрў-эътиборининг тушиб кетишидан хавотирланиб, унинг олдини олиш учун бирор чора-тадбир

---

<sup>191</sup> Си Мачян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар, 517-бет.

кўра олмади. Аксинча, Хитой Фарғонани мустақил давлат тариқасида расмий таниб, совға-салом юбориб табриклайди. Ўзи билан яхши муносабатда бўлиб, савдо алоқаларни ривожлантиришни истаган Фарғона ҳукмдорининг талабини қондиришга мажбур бўлади. Манбаларда кўрсатилишича, Хитойнинг ўсол ҳолга тушиб қолишининг сабаби Фарғонага қилинган икки марта тажовузчилик юриши оқибатида унинг иқтисодий ва сиёсий томондан катта талафот кўрганлигини билдиради.

Хитой хоқони Уди Фарғона тулпорларига эга бўлиш мақсадида икки марта кетма-кет Фарғонага юриш қилиши, бутун мамлакатни сафарбарликка келтириб, халқларни қўшимча солиқ тўлашга мажбур этган эди. Бунинг устига-устак бўлиб уруш даврида милодаан аввалги 104-102 йиллари мамлакатда жуда кенг кўламда чигиртка офати юз берганлигидан аҳоли турмуши инҳоятда оғир кечади. Фарғонага қилинган уруш тамом бўлган бўлса ҳам, унинг асорати бир неча йилгача давом этган. Натижада давлат иқтисодиётини тез тартибга солиб олишга имконият бўлмаган. Охир-оқибатда норозиликлар кучайиб, милодаан аввалги 99 йили Чи, Чу, Ян, Жов ва Нанёнг каби жойларда деҳқонлар қўзғолонлари бўлиб ўтган<sup>192</sup>. Шунинг учун ҳам Хан сулоласининг хоқони яна бир марта мамлакатни сафарбар қилиб, Фарғонага қарши юриш қилишга иложиси мутлоқ йўқ эди. Хан су-

---

<sup>192</sup> Си Мачян. Хан хоқони Уди тазкираси. Тарихий хотиралар, 118-бет.

доласи халқаро муносабатда яна бир марта обрў-сизланиб қолишидан эҳтиёт бўлиб, Фарғона давлатига нисбатан жуда юмшоқ муомалада бўлади. У расман унинг мустақиллигини тан олишга мажбур бўлади.

Хан сулоласи Фарғонага юриш қилишдан олдин Ҳун хоқонлигига анча талафот етказиб, уларнинг назоратидан Фарбга борадиган карвон йўлини тортиб олиш ниятида катта қўшинни сафарга отлантиришга муваффақ бўлади. Бу ҳақда хитой манбасида: «Ҳунлар кўпдан бери Хан сулоласига офат бўлиб келди. Ҳолбуки ҳозир улар қумликнинг шимолига<sup>193</sup> кўчиб кетган бўлса-да, атрофдаги давлатлар билан тил бириктириб, Хан сулоласининг улуғ юзжиларга [Амударёнинг шимоли ва жанубида истиқомат қиладиган халқларга] юборилган элчиларни тўсиб қўйди. Амир навкар Жянг билан Янминг<sup>194</sup> вилоятининг собиқ волиси Рангни тўсиб ўлдирди. Боғраш<sup>195</sup> элининг фарбидан Фарғонагача бўлган давлатларнинг ҳаммаси тил бириктириб, қуроли чоқсо

---

<sup>193</sup> Мазкур матнда Гоби чулининг шимоли кўзда тутилади. Аммо, манбаларнинг тасдиқлашича, Хитой қўшинлари Гоби чулининг шимолигача етиб борган бўлсалар-да улар доим ўша жойда кўчиб юрган. Бошқа ерга кетиб қолмаган. Фақат ҳунлар Гоби чулининг жанубий ҳудудларидан маҳрум бўлган (Си Мачян. Ҳунлар тазкираси. Тарихий хотиралар, 426-427-бетлар).

<sup>194</sup> Улуғ Хитой деворининг ички қисмидаги жой номлари.

<sup>195</sup> Боғраш – қадимда Чуқў давлати деб ҳам номланган. Ҳозир Шарқий Туркистоннинг Қорашаҳар вилоятининг атрофига тўғри келади.

беги<sup>196</sup> Че Лингни, амир навкар Чов ва Анаткак эли (Шарқий Туркистондаги хонлик)га юборилган элчиларни ўлдириб, Шарқ билан Ғарб қатновга тўсқинлик қилади. Жинояти чекидан ошган мазкур давлатларга Эрши сангуни [Фарғонага] жазо юриш қилди»<sup>197</sup> деб айтилар экан, булар Фарғона юришининг ҳунларга қарши ҳаракат эканлигини аниқ кўрсатади.

Ҳунлар хитойликларнинг Фарғонага қарши юришига қаршилиқ кўрсатолмайди. Хан хоқони Фарғонага уруш бошлаган милодаан аввалги 104 йили ҳунлар элида қалин қор ёғиб, моллар совуқда музлаб қирилиб кетган. Халқ ичида очарчиликдан юзага келган зиддиятлардан кучайиб, ҳатто Ҳун амалдорларининг бири тангриқутни ўлдирмоқчи ҳам бўлган.<sup>198</sup> Аммо, ёш (бола) тангриқут суиқасдчиларни фош этиб, Хитойга қарши юришга ният қилиб сафарга отланган бўлса-да, йўлда тўсатдан қазо қилади. Тангриқутнинг ўғли кичик бўлганлиги сабабли унинг амакиси Гуйлиқу<sup>199</sup> тангриқут бўлади. Гуйлиқу давлат ишларини тартибга солиб олгандан сўнг, Фарғонага юриш қилган қўшиннинг орқа сафига ҳужум қилиб, янгидан

<sup>196</sup> Чоқсо беги – милод. авв. 138 йили таъсис этилган, манзилгоҳ қоровулларининг бошляғи (Бан Гу. Жанг Чян, Ли Гуангли таржимаи ҳоли. Ханнома, 473-бет).

<sup>197</sup> Бан Гу. Жанг Чян, Ли Гуангли таржимаи ҳоли. Ханнома, 465-466-бетлар.

<sup>198</sup> Си Мачян. Ҳунлар тазкираси. Тарихий хотиралар, 433-бет; Бангу. Хунлар ҳақида қисса (I). Ханнома, 722-бет.

<sup>199</sup> Гуйлиқу – хитойча ёзилиши Гўлиху (Gou li hu), адабиётларда Қулиғу, Қулуғу деб берилади. Милод. авв. 102-101 йиллари ҳукмронлик қилган тангриқут.

ишғол қилинган қалъа ва қоровулхоналарни йўқ қилади. Аммо, у хитойлар томонидан олдиндан тайёрлаб қўйилган Хэши коридоридаги 180 минг Хитой қўшинига ҳужум қилган бўлса-да, сон жиҳатдан кўп рақибига бардош беролмай чекиниб кетишга мажбур бўлган. Милодаан аввалги 101 йили қайтиб кетаётган Ли Гуангли қўшинининг йўлини тўсиб зарба бермоқчи бўлган ҳунлар вақтида етиб келолмайди<sup>200</sup>.

Хитой хоқони Уди Фарғона юриши тамом бўлган йилидаёқ ҳунларга яна қарши уруш қилишга тайёргарлигини бошлаб юборган. Аммо, юқорида айтилган сабабларга кўра, тайёргарлик жуда кечикиб кетади. Милодаан аввалги 97 йили шоша-пиша юборилган 210 минг қўшин ҳунларнинг 100 минг чавандозидан енгилиб, чекиниб кетади<sup>201</sup>. Умуман, Фарғонага юриш қилингандан сўнг Ҳун-Хитой уруши ўн йил (милод. авв. 99 йилдан то 89 йилгача) давом этади. Ўша пайт ичида тангриқутлар биридан кейин бири ўлиб, тўртта тангриқут алмашади. Шунга кўра ҳунларнинг жипслиги бузилган ҳоллар ҳам юз беради. Аммо, улар Хитойга катта хавф сололмаган бўлсалар-да, Хитой қўшинидан доим устун келиб туради. Ҳатто, Уди бор кучини йиғиб, Фарғона қўшинининг қўмондони Ли Гуангли бошчилигида жўнатилган қўшин<sup>202</sup> ҳунларнинг 50 минг

---

<sup>200</sup> Сн Мачян. Ҳунлар тазкираси. Тарихий хотиралар, 435-бет.

<sup>201</sup> Бангу. Ҳунлар ҳақида қисса (I). Ханнома, 725-726-бетлар.

<sup>202</sup> Милоддан аввалги 90 йили Ли Гуангли 70 минг қўшин билан ҳунларга қарши ҳужум қилади. (Бангу. Ханнома. Урумчи, 467 -бет)

қўшинидан мағлуб бўлиб, тамоман йўқ қилинади<sup>203</sup>. Ли Гуангли асирга тушиб бир йилдан кейин қатл этилади<sup>204</sup>. Мазкур урушларда Хитой қўшини шунчалик улкан талафот кўрганликларидан улар ўнлаб йиллар ҳунларга қарши туриш лаёқатидан маҳрум бўлади.

Хулоса қилганда, Хан сулоласининг Фарғона «тулпор»ларига эга бўлиш учун қилган юриши унинг катта мамлакат эканлигини, кўп қўшин билан Фарғонагача етиб бора олишини намойиш қилади. Бу эса баъзи кичик давлатларнинг маълум давргача Хитойга нисбатан муносабатларини ўзгартириб, бир оз қўллаб-қувватлашига сабаб бўлади. Туркистон халқининг фан ва маданиятда эришган ютуқлари Хитойга олиб кетилади. Аммо, Хитой хоқони Фарғонага юриш қилиш орқали Ҳун хоқонлигини парчалаб, ўзига қарам бир элга айлантириш, Бақтрияни қўлга киритиб, буюк карвон йўлига эга бўлиш ниятига етолмайди.

Хитой қўшинининг милодаан аввалги 104–101 йиллар давомида Фарғонага қилган икки марта тажовузчилик юриши фарғоналикларнинг ва шарқий туркистонликларнинг қаттиқ қаршилиги туфайли барбод бўлади. Фарғоналикларнинг мағлуб бўлмаслигига Усун хонлигининг Хитой томонида туриб урушга қатнашмаганлиги ва ҳунлар билан Қангқа хонликларининг Хитойга

---

<sup>203</sup> Ўша манба, 730-бет.

<sup>204</sup> Ўша манба, 731-бет. Милоддан аввалги 89 йили Ли Гуангли Ҳун тангирикутининг касал онаси учун қурбонлик қилинган.



нисбатан ҳамла қилиб туриши алоҳида катта аҳамиятга эга бўлади.

Фарғона «тулпор»ларига эга бўлиш орзуси баҳонаси билан бошланган уруш фарғоналикларнинг жасур ва қаҳрамон халқ эканлигини бундан 2100 йил муқаддам дунёга намойиш қилади. Минглаб мард ўғлонларнинг қони тўкилган бўлса-да, фарғоналиклар мағрур, енгилмас, ҳур халқ эканлигини кўрсатади. Улар ўз мустақиллигини сақлаб қолиш билан бирга Туркистоннинг хитойликлар томонидан босиб олинмаслигига ўз ҳиссаларини қўшади.

Хитой манбаларининг тасдиқлашича, Хитой хоқони Уди Фарғона «тулпор»ларига эга бўлиш орзуси туркистонликлар учун эмас, балки хитойликларга ҳам офат бўлади. Хитой қўшинининг босиб ўтган йўлидаги шаҳар ва қишлоқлар хонавайрон бўлиб, халқи талон-торож қилинади. Лекин Туркистон халқининг қаттиқ қаршилиги натижасида Хан сулоласининг Туркистоннинг бир бўлагини босиб олиш режаси барбод бўлиб, Хитой халқи қашшоқлашиб, Хан хоқонлиги ҳунларга қарши туриш лаёқатидан маҳрум бўлади.

## Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Бангу. Nan shu-Хан шу (Хан сулоласи тарихи). Асли хитой тилидаги қўлёзмасидан 1930-1937 йили гектограф воситасида кўчирилган нусха. Шанхай, 1958.
2. Бангу. Ханнома. 24 тарихдаги Урта Осиёга оид материаллар тўплами. (Араб графикасидаги уйғур тилида), II жилд, Урумчи.1994,
3. Бичурин Н.Я. (Иакинф), Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в Аревние времена Т. I, II, М., Л., 1950 (т. III. 1953).
4. Древние авторы о Средней Азии /Хрестоматия. Ташкент, 1940.
5. Ёнг Зунгйуй. Или Қозоҳ Автоном области тарихидаги катта воқеалар йилномаси. «Или тарихий материаллари», № 3. (Араб графикасидаги уйғур тилида), Фулжа, 1988.
6. Си Мачян. Shi ji - Шижи (Тарихий хотиралар), Асли хитой тилидаги қўлёзмасидан 1930-1937 йили гектограф воситасида кўчирилган нусха. Шанхай, 1958.
7. Си Мачян. Тарихий хотиралар. 24 тарихдаги Марказий Осиёга оид материаллар тўплами. (Араб графикасидаги уйғур тилида), I жилд, Урумчи, 1989.
- 8. Сыма-Цянь, Исторические записки (Ши цзи). Пер. с кит. Р.В.Вяткина и В.С.Таскина. Т. I-IV. М.,1975.
9. Фан Ёе, Си Мабёв. Кейинги Ханнома. 24 тарихдаги Марказий Осиёга доир материаллар тўплами. (Араб графикасидаги уйғур тилида), III жилд. Урумчи. 1996.
10. Аминжонова М., Желтова Г.И. Ўзбекистон халқлари ўтмиши тарихидан лавҳалар. Тошкент. 1974.
11. Анвар Бойтур, Ҳайринисо Сидиқ. Шинжонгдаги миллатлар тарихи. Бежин. 1991.
12. Бобобеков Ҳ.Н. Қўқон тарихи. Тошкент, 1996.
13. Боровкова Л.А. Запад Центральной Азии во II в. до н.э. - VII в.н.э. М.: Наука, 1989.

14. Большой китайско-русский словарь (В 4 т./ Сос. под рук. И.М.Ошанина). М., 1984.
15. Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье// Очерки истории. М., 1988.
16. Григорьев В.В. Землеведение К.Риттера// География стран Азии, Восточный или Китайский Туркестан. Спб., 1869.
17. Жаҳоннома, 1 (а) китоб. Урумчи, 1987.
18. Ипак йўли ва маданият жиҳатида очиб юбориш, "Шинжонг халқ нашриёти", Урумчи, 1999.
19. История Востока. В 6 т.. Т. I. М., 2000.
20. История Киргизской ССР. Фрунзе, 1984.
21. Малявкин А.Г. Историческая география Центральной Азии. Новосибирск: Наука, 1981.
22. Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии, Новосибирск, 1989.
23. Олмос Т. Уйғурлар. Урумчи. 1989.
24. Олмос Т. Улуғ ёвчилар, «Йенги ҳаят» газетаси. 1994 йил 6 август.
25. Фан Винлан. Жунгуо умумий тарихи. Урумчи. 1-китоб. 1988.
26. Чэн Хуа, Гу Пинглянг, Ванг Жилай. Шинжонгнинг қисқача тарихи. Урумчи, 1984.
27. Эгамбердиев М. Сариқ аждар ҳамласи. Тошкент, 1988.
28. Ўзбек давлатчилиги тарихида қадимги Фарғона (2001 йил 15-16 майда Наманган шаҳрида ўтказилган академик Яҳё Фуломов номидаги "Ўзбек давлатчилиги тарихи" республика илмий семинарининг маъруза матнлари). Самарқанд, 2001.
29. Ўзбекистон ССР тарихи. 4 жилдлик. I жилд. Тошкент, 1970.
30. Қурбон Вали. Бизнинг тарихий ёзувларимиз. Урумчи, 1986.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Қадимги Фарғона–Хитой муносабатлари ...	7
Эрши шахрининг ўрни ҳақида .....	36
Фарғона–Хитой муносабатларининг ёмон– лашиши .....	39
Ханларнинг Фарғонага биринчи юриши ....	45
Ханларнинг Фарғонага иккинчи юриши .....	52
Фарғоналикларнинг қаҳрамонлик кураш– лари .....	58
Ханларнинг Фарғонага иккинчи юриши на– тижалари .....	74
Фарғонага юришнинг фожиали оқибатлари	83
Фойдаланилган манба ва адабиётлар .....	106

**АБДУХАЛИҚ АЙТБАЕВ**

**ҚАДИМГИ ФАРҒОНА ТАРИХИДАН  
(ХИТОЙ МАНБАЛАРИДА ФАРҒОНА ҲАҚИДА ИЛК  
МАЪЛУМОТЛАР)**

**Тошкент—«Фан»—2002**

**Чоп этиш учун масъул: Рустам ҚОСИМОВ**

**Муҳаррирлар: И. ШОЙМАРДОНОВ ва**

**И.САИДОВА.**

**Мусаввир: Мирҳамид СОБИРОВ.**

**Мусаҳҳиҳа: Гули Абдуҳолиқ қизи**

**Компьютер оператори: Матлуба Мусаева**

Теришга берилди 2001.10.12. Босишга рухсат  
этилди 2002. 12.01. Қоғоз бичими 84x108 <sup>1/32</sup>. Ада-  
бий гарнитура. Юқори босма. Офсет қоғози.  
Шартли босма табоғи 6,0. Нашр босма табоғи 6,75.  
Адади 3000. Буюртма №89. Баҳоси келишилган  
нарҳда.

ЎЗР ФА «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент,  
акад. Я.Фулотов кўчаси, 70.

ФТДК ДИТАФ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент, Олмазор 171-уй.

Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи  
институтининг. Тел.: 23-87-59.

Китоб Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари  
тарихи институтининг компьютер марказида тай-  
ёрланган оригинал-макет асосида босилди.